

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**Қўлёзма ҳуқуқида
УДК [12:821.222.1:929] У.Хайём**

ШОДИЕВ ЖАҲОНГИР ЖЎРАҚУЛОВИЧ

УМАР ХАЙЁМ МАЪНАВИЙ МЕРОСИНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ

09.00.03 – Фалсафа тарихи

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
илмий даражасини олиш учун ёзилган
ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар: Ҳусейнова Абира Амоновна,
фалсафа фанлари доктори, профессор**

Бухоро-2021

Мундарижа

КИРИШ	3
I БОБ. УМАР ХАЙЁМ ҲАЁТИ ВА У ЯШАГАН ДАВРНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ	13
1.1. Умар Хайём дунёқарашининг шаклланишига таъсир кўрсатган маънавий муҳит.....	13
1.2. Умар Хайём ҳаёти ва илмий-фалсафий мероси.....	31
II БОБ. УМАР ХАЙЁМНИНГ ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИ	54
2.1. Мутафаккирнинг онтологик ва гносеологик қарашлари.	54
2.2. Умар Хайём инсон тақдири ва эркин ирода ҳақида.....	74
III Боб. УМАР ХАЙЁМ АХЛОҚИЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ	890
3.1. Умар Хайём рубоийларида рухий поклик ва рухий ишқнинг тасаввуфий талқини	90
3.2. Мутафаккир қарашларида ахлоқий фазилатлар таҳлили ва унинг ҳозирги замон учун аҳамияти.....	113
ХУЛОСА	130
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	1304

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда кечаётган глобаллашув жараёнлари Шарқ халқларининг фалсафий тафаккур тарихи, унга хос хусусиятлар, буюк алломаларнинг маънавий меросидаги умуминсоний ғояларни ахлоқий қадрият сифатида инсоният онгига сингдиришни талаб этмоқда. Жумладан, Шарқ халқларининг буюк мутафаккири Умар Хайёмнинг босиб ўтган ҳаёт йўли, маънавий мероси ҳамда онтологик ва гносеологик ғоялари ҳамда инсонни комилликка етакловчи маънавий-маърифий, диний-ирфоний, фалсафий-ахлоқий ва тасаввуфий таълимоти асосида ёшларни баркамоллик, инсонпарварлик меҳр-мурувват, саховат каби гуманистик ғоялар асосида тарбиялаш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон илм-фанида фалсафий мерос тараққиёти тарихига улкан ҳисса қўшган Шарқ мутафаккирларининг илмий фаолияти, улар яратган бой маънавий меросини ижтимоий ҳаёт соҳаларига жорий этишга қаратилган қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда. Айниқса, Умар Хайём дунёқарашига таъсир этган маънавий омилларни очиб бериш, инсон ҳаёти, тақдири ва жамиятдаги ўрни, ижтимоий адолатга оид инсонпарварлик ғояларини ўрганиш юзасидан илмий асосланган концепцияларни ишлаб чиқиш ҳамда мутафаккирнинг асарларида келтирилган ёндашувлар асосида замонавий ахлоқий тарбияни шакллантириш, мутлақ баркамолликка эришишга оид ғояларини инновацион методлар асосида илмий тадқиқ этиш зарурати ортиб бормоқда.

Мамлакатимизда ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, ёшларни келажагимиз бунёдкорлари этиб шакллантириш бўйича ислохотлар олиб борилмоқда. “Буюк аждодларимизнинг бетакрор ва ноёб илмий-маънавий мероси биз учун доимий ҳаракатдаги ҳаётий дастурга айланиши керак. Бу ўлмас мерос ҳамиша

ёнимизда бўлиб, бизга доимо куч-қувват ва илҳом бағишлаши лозим”¹. Шу жихатдан, Умар Хайём маънавий меросини, унда илгари сурилган онтологик ва гносеологик ғояларни ҳамда ахлоқий идеал ғоясининг асл моҳиятини тадқиқ қилиш муҳим илмий-тадқиқот мавзуси бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” фармонлари, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 23 июндаги ПҚ-3080-сон “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2021 йил 26 мартдаги ПҚ-5040-сон “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон фалсафа тарихида Умар Хайёмнинг ҳаёт йўли, фаолияти Шарқ ва Ғарб тадқиқотчилари

¹ Мирзиёев Ш.М. Ўқитувчи ва мураббийлар – янги Ўзбекистонни барпо этишда катта куч, таянч ва суянчимиздир // Халқ сўзи. 1 октябрь 2020 йил. -№207 (7709)

томонидан маълум даражада ўрганилган ҳамда ижтимоий-ахлоқий қарашлари умумий таҳлил қилиб чиқилган.

Хорижий мамлакатларда Умар Хайём шахси, илмий-ижодий фаолияти, маънавий мероси тадқиқотчиларни қизиқтириб келган. Мутафаккирнинг шоир сифатида шуҳрат қозониши инглиз шоири Эдвард Фицджеральд таржималаридан кейин (1859 й) бошланди¹. Хайёмнинг 108 та рубойлари асл нусхаларини тўплаган². Шунингдек, Ж. Брауне, Д. Роос, А. Арберри, Ҳ. Уинфилд, А. Петер, П. Эйври, Жон Стабз, Э. Ҳерон Аллен, В. Жуковский, А. Кристенсон, Ф. Розен, Н. Николсон, Б. Силлик, Е.Э. Бертельс, И. Брагинский, В. Зайцев, А. Юшкевич, Н. Косачкова, Л.Г. Малкина, К. Смирновлар³ ҳам тадқиқотлар олиб борганлар.

Шарқ олимларидан Б. Фаррух, А. Абдуманнонов, М.Й. Хўқандий, А. Фитрат⁴ тадқиқотларида Умар Хайём таълимотининг филологик, адабиётшуносликка оид хусусиятлари тадқиқ этилган.

Мамлакатимизда мустақилликдан кейинги йилларда мутафаккирнинг илмий меросини ўрганишга катта эътибор берилди. Умар Хайёмнинг ҳаёти, илмий мероси ва тасаввуфий қарашлари тўғрисида илмий изланишлар Ғ. Саломов, Н. Комилов, Э. Очилов, Ш. Шомухамедов, А. Аҳадова, Ҳ. Болтабоев⁵ тадқиқотларида амалга оширилган.

¹ Султонов Ш., Султонов К.. Омар Хайём. -Москва: Молодая гвардия, 1987. – С 7.

² Лондон. Оксфорд университети, Бодлин кутубхонаси. Э.Фицджеральд тўплаган 108 та рубойлар тўплами. -Arch. O. d.16.

³ Алиев Р.М., Османов М.Н. Омар Хайём. – М.: Акад. Наук СССР, 1959 г., Розенфельд Б.А., Юшкевич А.П. Омар Хайём. – М: Наука, 1965 г., Сувейси М. Адаб ал-улама: ал-Бируни ва Умар ал-Хайём. Либия Тунис: ад-Дар ал-арабийя ли-л-китаб. 1397/1977.-164 с. 331., Фаррух Умар. Тарих ал-адаб ал-араби. ал-Асур ал-аббасия (132/750-399/1008). Фи арбаи муджалладат. ат-Таба ар-раба. Бейрут: Дар ал-илм ли-л-малайин. 1400/1980., Рашидии Табризи, Ёрахмад Ҳусейн. Тарабхона. Рубоиёти ҳаким Умари Хайёми Нишопурӣ. Техрон (б.т.), Бекзода Комил. Фалсафаи ичдшоии ҳаким Умари Хайём. Умари Хайём: ҳаким, олим ва адиб. -Душанбе. Шарқи озод, 2002. -С 95-113.

⁴ Фитрат А. Форс шоири Умар Хайём. Ўз. Дав.нашр, Самарканд – Тошкент.: 1929 йил., Искандаров Б. Ўрта Осиёда фалсафий ва ижтимоий-сиёсий фикрнинг шаклланиши ва ривожланиши тарихидан лавҳалар. Тошкент: Ўзбекистон, 1993 йил., Убайдуллаев Р. Ўзбекистонликларнинг миллий ўзлиги. Социологик тадқиқот. Тошкент: “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази, 2004 йил., Чориев А. Тасаввуф фалсафасида инсон қиёфаси. Ўқув қўлланма. – Қарши, 1997 йил., Ганиев Н.М. Рухий гўзаллик қисмати. Бухоро: “Бухоро нашриёти”, 1994., Ҳамиджон Ҳомидий. Кўхна Шарқ дарғалари. Бадий-илмий лавҳалар “Шарқ” нашриёти, Тошкент – 1999 йил., Алимасов В. Фалсафа ёхуд фикрлаш санъати. Гносеологик изланишлар. Мақолалар. Эсселар. Битиклар. “Ношир” нашриёти, Тошкент – 2008., Маноп Эгамберди. Умар Хайём изидан. Рубойлар, Қитғалар, Маснавийлар. “Фан” нашриёти, 2003.

⁵ Шомухамедов Ш. Умар Хайём (ҳаёти ва ижоди). - Тошкент: Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси нашриёти, -Т.: 1962; Аҳадова М. Умар Хайём – математик олим. -Т.: “Ўзбекистон”, 1972.

Хайёмшунослик халқаро миқёсда ўзининг бир неча асрлик тарихига эга бўлса-да, лекин Умар Хайёмнинг фалсафий фикрлари, рубоийларининг асл маънолари ёритилган ҳамда таҳлил қилинган, яхлит олиб ўрганилган монографик тадқиқот мавжуд эмас.

Тадқиқот жараёнида номлари кўрсатилган ва бошқа бир қатор ўзбек ҳамда жаҳон файласуф олимларининг илмий изланишлари эътиборга олинди. Фалсафанинг умумназарий масалаларига мазкур йўналишда бажарилган ишлардан фарқли равишда, Умар Хайёмнинг маънавий мероси, асарлари асосида мужассам бўлган онтологик ва гносеологик йўналишда ўрганилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий - тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Бухоро муҳандислик - технология институти илмий - тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 2017-2021 йилларга мўлжалланган “Демократик жамиятни барпо этиш ва баркамол инсонни шакллантириш” номли тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган

Тадқиқотнинг мақсади. Умар Хайём таълимотидаги онтологик, гносеологик ва ахлоқий ғояларнинг моҳиятини очиб бериш ҳамда бугунги давр ёшлар тарбиясидаги ўрнини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Умар Хайёмнинг дунёвий ва диний илм-фан тараққиётига қўшган гуманистик ғоялари асосида ёшларда ғоявий-тарбиявий иммунитетни шакллантиришдаги амалий аҳамиятини тадқиқ этиш;

Умар Хайём ижодига илмий-фалсафий ва маънавий-мафкуравий жиҳатдан ёндашиб, маънавий-ахлоқий қарашларининг ёшларда ғоявий-тарбиявий иммунитетни шакллантиришдаги аҳамиятини аниқлаш асосида, инсоннинг мутлақ баркамолликка эришиш ғояси, тасаввуфдаги “ақли кулл” тушунчасига ҳамоҳанглиги ирфоний нуқтаи-назардан асослаб бериш;

“Рисола фил-вужуд” асаридаги асаридаги ахлоқий идеал ғоясининг асл моҳияти борлиқни руҳдан, ақлдан ашъёвий борлиққа қараб, сўнгра эса

моддийликдан инсон руҳи, ақлига қараб боришининг эманацион назарияга асосланишини далиллаш;

мутафаккирнинг “Наврўзнома” асари ва рубоийларидаги “май” тушунчаси “шароб”, “бода”, “ҳамр”, “чоғир”, “роҳ”, “мул”, “мудом”, “сахбо” сўзлари ёрдамида ифода этилганлиги, унинг руҳий ва заминий муҳаббатга алоқадорлигини очиб бериш;

мутафаккир маънавий-ахлоқий қарашларининг ёшларда ғоявий-тарбиявий иммунитетни шакллантиришдаги аҳамиятини асослаш ва таълим-тарбиявий хусусиятга эга бўлган тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Умар Хайём асарларидаги фалсафий-назарий ғоялар танланган.

Тадқиқотнинг предметни Умар Хайёмнинг онтологик, гносеологик ва ахлоқий қарашлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихийлик ва мантиқийлик, ворисийлик, анализ ва синтез, синергетик, таққослаш ва умумлаштириш, индуктив ва дедуктив хулоса чиқариш методларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

мутафаккирнинг дунёвий ва диний илм-фан тараққиётига қўшган гуманистик (инсонпарварлик, хурфикрлилик, бағрикенглик) ғояларининг ёшларни илм олиш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ҳамда баркамоллик руҳида тарбиялашнинг перманент аҳамияти очиб берилган;

Умар Хайём ижодига илмий-фалсафий ва маънавий-мафкуравий жиҳатдан ёндашиб, маънавий-ахлоқий қарашларининг ёшларда ғоявий-тарбиявий иммунитетни шакллантиришдаги аҳамиятини аниқлаш асосида, инсоннинг мутлақ баркамолликка эришиш ғояси, тасаввуфдаги “ақли кулл” тушунчасига ҳамоҳанглиги ирфоний нуқтаи-назардан асосланган;

“Рисола фил-вужуд” асаридаги ахлоқий идеал ғоясининг асл моҳияти (оилада соғлом муҳитни, ёшларни ҳаётга тайёрлашда уларнинг қалби ва онгида соғлом ҳаёт тарзини шакллантириш ва баркамол этиб тарбиялашда дунёвий ва диний илмни уйғунлигини таъминлаш) борлиқни руҳдан, ақлдан

ашъёвий борлиққа қараб, сўнгра эса моддийликдан инсон руҳи, ақлига қараб боришининг эманацион назарияга асосланиши далилланган;

“Наврўзнома” асари ва рубоийларидаги “май” тушунчаси “шароб”, “бода”, “ҳамр”, “чоғир”, “роҳ”, “мул”, “мудом”, “сахбо” сўзлари ёрдамида ифода этилганлиги, унинг руҳий ва заминий муҳаббатга алоқадорлиги экспликация нуқтаи назардан очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

илмий-тадқиқот ишида илгари сурилган хулосалар, таклифлардан олий ўқув юртлари талабаларнинг таълим олиш жараёнида мамлакатимизда бўлаётган ижобий ўзгаришларни англаб, ижтимоий фаол бўлиш, касб-хунар эгаллаш, маънавий дунёқарашнинг юксалиши ва фалсафий мушоҳада юритишига ҳамда халқимизни бой маънавий меросидан баҳраманд бўлиши учун тарғибот ишларида фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

Умар Хайёмнинг маънавий меросидаги антропологик ва гносеологик ғоялар асосида оила институтини мустаҳкамлаш, тарбиявий ва маданий-илмий салоҳиятни ошириш, тарбияда умуминсоний қадриятларнинг ўрнини юксалтириш имкониятлари очиб берилган;

жаҳолатга қарши маърифат, фан ва маданият, маънавий барқарорликка эришиш каби профилактика ва тарғибот-ташвиқот ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот жараёнида қўлланилган назарий қарашлар, тадқиқот усуллари ва ёндашувлар қўлёзма манбалардан олинганлиги, нашр этилган илмий мақолалар, республика ва халқаро конференциялардаги маъруза ва тезислари, тадқиқот иши юзасидан берилган хулосалар, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тажрибага асосланган билимлар асосида мамлакатимизда юксак маънавиятли етук кадрлар тарбияси учун буюк

алломаларнинг маданий-маънавий ҳамда илмий-назарий мероси, жумладан, Умар Хайём маънавий мероси, унда илгари сурилган онтологик ва гносеологик ғоялар, инсон ҳаёти, тақдири, ижтимоий адолат ҳақидаги қарашлар ёритилган илмий хулосалардан Шарқ мумтоз адабиёти, тасаввуф ва фалсафа тарихи йўналишларидаги тадқиқотларда назарий манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Диссертация натижаларининг амалий аҳамияти ишдаги назарий умумлашма ва таҳлиллардан “Фалсафа”, “Фалсафа тарихи”, “Тасаввуф”, “Тасаввуф назарияси ва тарихи”, “Маънавиятшунослик”, “Маданиятшунослик”, “Миллий ғоя тарихи ва назарияси”, “Ахлоқшунослик” фанларидан дарслик, ўқув қўлланма, мажмуалар яратишда, фалсафа ва тасаввуф луғатларини такомиллаштиришда, шунингдек, Умар Хайёмнинг фалсафий меросидаги инсон, унинг ахлоқи ва билиш ҳақидаги қарашлари бўйича келажакда амалга ошириладиган илмий ишларда тадқиқ қилишда, “Маънавият ва маърифат” марказларининг ўқув-тарбия фаолиятида ҳамда миллий тарбияда Шарқ мутафаккирларининг қарашларини кенг жамоатчилик орасида тарғиботини олиб боришда, телевидение орқали маънавий-маърифий кўрсатувлар тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Умар Хайём маънавий меросининг фалсафий моҳиятини аниқлаш жараёнида эришилган илмий натижалар асосида:

мутафаккирнинг дунёвий ва диний илм-фан тараққиётига қўшган гуманистик (инсонпарварлик, хурфикрлилик, бағрикенглик) ғояларининг ёшларни илм олиш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ҳамда баркамоллик руҳида тарбиялашга оид хулосалари ва янгиликларидан “Фалсафа”, “Диншунослик” фанлари бўйича ўқув дастурларни такомиллаштириш ва ўқитишда, “Истикболли авлод” марказлари фаолиятини ташкил этишдаги “Дунё ёшлар нигоҳида” грант лойиҳасида, 84-10/1401 рақамли “AIF 2/20-Шахсга йўналтирилган инновацион технологиялар бўйича малакали муҳандис кадрлар тайёрлаш ва ўқитувчилар малакасини ошириш

сифатини яхшилаш” мавзусидаги халқаро амалий тадқиқот лойиҳаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилоти ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг 67-12/168 рақамли “Навқирон Бухоро” амалий лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 2 февралдаги 89-06-199-сон маълумотномаси). Натижада, олий таълим тизимида ўқитиладиган Фалсафа ва Диншунослик каби фанлар мазмунини такомиллаштириш ҳамда ёшларнинг маънавий дунёқарашини юксалиши, мафкуравий иммунитетни ва фалсафий мушоҳадасининг шаклланишига эришилган;

Умар Хайём ижодига илмий-фалсафий ва маънавий-мафкуравий жиҳатдан ёндашиб, маънавий-ахлоқий қарашларининг ёшларда ғоявий-тарбиявий иммунитетни шакллантиришдаги аҳамиятини аниқлаш асосида, инсоннинг мутлақ баркамолликка эришиш ғояси, тасаввуфдаги “ақли кулл” тушунчасига ҳамоҳанглигига доир таклиф ва тавсиялардан Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4307-сон “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарор дастурининг 7 боб, 29-бандида ҳамда таълим муассасаларида ўқитувчиларнинг маънавий-маърифий билимлари ва дунёқарашини юксалтириш “Юртим тарихини ўрганаман” мавзусида маънавий-маърифий тадбирларни сценарийларини тайёрлашда 8 боб, 31-банд “Биз маърифатли ислом тарафдоримиз!” шиори остида туркум чора-тадбирларни амалга ошириш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарор дастурининг 1 боб, 2-банд “Оиладаги маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш мақсадида ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш” вазифаларининг ижросини таъминлашда фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2020 йил 24 июлдаги 02/07-660-сон маълумотномаси). Натижада, миллий тарбияда Шарқ мутафаккирларининг

қарашларини кенг жамоатчилик орасида тарғиботини олиб бориш ишлар натижадорлигига ижобий таъсир кўрсатган;

“Рисола фил-вужуд” асаридаги ахлоқий идеал ғоясининг асл моҳияти (оилада соғлом муҳитни, ёшларни ҳаётга тайёрлашда уларнинг қалби ва онгида соғлом ҳаёт тарзини шакллантириш ва баркамол этиб тарбиялашда дунёвий ва диний илмни уйғунлигини таъминлаш) борлиқни руҳдан, ақлдан ашъёвий борлиққа қараб, сўнгра эса моддийликдан инсон руҳи, ақлига қараб боришига оид илмий хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказининг жамоатчиликни касбий маҳоратини ошириш бўйича методик ўқишларида, каталоглар, альбомлар, илмий-амалий материаллар базасини яратишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказининг 2021 йил 07 январдаги 02/08-сон маълумотномаси). Натижада, Умар Хайём маънавий меросининг ўзига хос хусусиятлари, фалсафий, ахлоқий қарашларини янгича назарий-услубий ёндашувлардан келиб чиққан ҳолда таҳлил этишга хизмат қилган;

“Наврўзнома” асари ва рубойларидаги “май” тушунчаси “шароб”, “бода”, “ҳамр”, “чоғир”, “роҳ”, “мул”, “мудом”, “сахбо” сўзлари ёрдамида ифода этилганлиги, унинг руҳий ва заминий муҳаббатга алоқадорлигига доир ғоялари ва янгилликларидан Бухоро вилоят телерадиокомпаниясининг “Ассалом Бухоро”, “Ўзига ўхшайди ўзбек”, “Тил-миллат кўзгуси” каби кўрсатувлар сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Бухоро вилоят телерадиокомпаниясининг 2020 йил 9 июндаги 1/145-сон маълумотномаси). Натижада, Умар Хайём маънавий меросининг ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш, баркамол, ростгўй ва ҳалол инсон бўлиб этишиш имкониятларини янада кенгайтиришда диссертация илмий хулосалари телетомошабинлар ушбу масалалар юзасидан керакли маълумотларни олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 16 та, жумладан, 6 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола (хусусан, 4 та республика ва 2 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, олти параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 140 бетни ташкил этади.

I БОБ. УМАР ХАЙЁМ ҲАЁТИ ВА У ЯШАГАН ДАВРНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Ушбу бобда асосан жаҳонга машҳур мутафаккир Умар Хайём ҳақида ўн асрга яқин давр мобайнида кўплаб асарлар ёзилганлиги, унинг илмий мероси олимлар томонидан тадқиқ этилиб келинаётганлиги, Умар Хайёмни дунёга машҳур қилган рубоийлари ўрганилганлиги ҳақида маълумотлар келтирилган. Математика, филология, астрономия ва фаннинг бошқа соҳаларида амалга оширган ишларини бугунги кунда ҳам олимлар тадқиқ қилиб келаётганлиги кўрсатиб ўтилган.

Шуни айтиш керакки, Умар Хайём фалсафий қарашлари бўйича ҳам кўплаб изланишлар олиб борилган. Аммо мутафаккир маънавий меросининг фалсафий жиҳатлари ҳозиргача бир бутун яхлит тизимли илмий иш сифатида тадқиқ қилинмаган.

Ушбу бобнинг иккинчи қисмида Умар Хайём яшаган давр, унинг ҳаёти ва илмий мероси, ёзган асарлари тўғрисида яхлит маълумот берилган. Умар Хайём яшаган даврнинг ўзига хос ижтимоий ва маданий хусусиятлари, мутафаккирнинг ҳаёти ва илмий мероси батафсил баён этилган.

1.1. Умар Хайём дунёқарашининг шаклланишига таъсир кўрсатган маънавий муҳит.

Марказий Осиё ва Эрон тарихида IX-XII асрларни Мовароуннаҳр ва Хуросон халқларининг уйғониш даври деб аталади. Бу даврда Хуросонда араблар таъсири қолди, лекин зулми, ҳукумронлиги тугади ва миллий анъаналар тикланди. Илм-фан, маданият ва санъат соҳаларида жуда катта ютуқларга эришилди. Бу бевосита Тоҳирийлар (821 – 873 йй.), Саффорийлар (861 – 903 йй.) ва Сомонийлар (875 – 999 йй.) сулолалари ҳукмронлиги билан боғлиқ.

X асрда маркази Бухоро бўлган Сомонийлар давлатида илм-фаннинг ривожланиши учун шарт-шароитлар яратилди. Бу даврда Марказий Осиёда яшаб ижод этган олимларнинг асарлари нафақат Шарқда балки Ғарбда ҳам

кейинги асрларда илм-фан тараққиётига катта таъсир кўрсатди. Буюк мутафаккир, қомусий олим Умар Хайём етуклик даврини Бухоро ва Самарқандда ўтказган. Иқтисодий муносабатлар тўғрисида шуни айтиш керакки, Қорахонийлар ва Салжуқийлар даврида ҳам савдо-сотик, хунармандчилик, деҳқончилик ишлари ривожланган. Турли ихтилофлар, низолар ва урушлар ҳам ўз таъсирини ўтказмай қўймаган.

Бу даврда савдо-сотик ишлари ривожланган. Ўлкада етиштирилган ва ишлаб чиқарилган маҳсулотлар мамлакат ичкараси ва хорижий давлатларга олиб борилган. У ерлардан олиб келинган турли маҳсулотларни, минтақанинг энг ривожланган шаҳарлари - Нишопур, Қошғар, Боласоғун, Самарқанд, Бухоро бозорларида сотилган.

Қорахонийлар бирлаштирган ҳудудлар Буюк ипак йўлининг асосий йўналиши ва тармоқларини назорат қилиш имконини берган. Бўстонлик (марказ) деб аталувчи асосий йўл улар қўлида бўлган. Хитой, Мовароуннаҳр, Хуросон ўртасида тўсиқсиз савдо муносабатлари ўрнатилган. Қорахонийлар даврида маданий-меъморий обидалар қуришга ҳам катта эътибор қаратилган. Қорахоний Арслонхон даврида усто Бақо томонидан қурилган, баландлиги 50 метрга яқин Бухородаги Минораи Калон (1127 йил) ҳозиргача жаҳон жамоатчилигининг ҳайратига сабаб бўлиб келмоқда. Манбаларда келтирилишича бу даврда Минораи Калон ўн олти туйнугининг ҳар бирига биттадан муаззин чиқиб, шаҳарнинг турли томонларига қарата азон айтган. Албатта миноранинг асосий вазифаси азон айтиш, нажотга чорловдир. Минора билан ёнма-ён жойлашган жоъме масжидининг муаззини ҳар куни беш маротаба шу минорага чиқиб азон айтган. Шундан кейин шаҳардаги бошқа масжидларда азон айтила бошланган, намозхонлар ибодатга ошиққанлар. Унинг энг юқори қисмида (яъни мезана қисмида) 16 та доирачалар қўйилиб, тунда ҳамма даричалар ёнида шамчироқлар ёниб турган. Натижада тунлари 50-60 чақирим масофадан чироқлар ёруғини мўлжал қилиб савдо карвонлари Бухорога адашмай келганлар. Бухоронинг Буюк ипак йўлидаги йирик савдо марказларидан бири бўлиб қолишида бу

миноранинг аҳамияти каттадир¹. Ундан кичик минораларга ва маҳаллаларга тарқалиб кўркам манзара касб этган. Умуман, Қорахонийлар сулоласи даврида диний ва ирфоний илмлар юксак даражага кўтарилган. Тамғочхон Иброҳим ибн Наср (1046-1068 й.) дин аҳлига яқинлашиб, жамиятда ахлоқий меъёрларнинг юксалишига алоҳида аҳамият берган. Бу анъана кейинги ҳукмдорларга ҳам таъсирини кўрсатган. Умар Хайём, Фахриддин Розий, Абдулхолик Гиждувоний, Аҳмад Яссавий каби юксак маънавий камолот эгаларининг бу даврда яшаб ўтганлиги ҳам фикримизни қувватлайди. Бундан ташқари 1108-1109 йилларда қурилган Жарқўрғондаги минора, Бухородаги Намозгоҳ, Шамс ул-мулк Наср даврида қурилган Бухородаги сарой, Ҳазра кишлоғи яқинидаги Дингарон масжиди ва унинг ёнида Барот-ул-Малик номи билан машҳур бўлган карвонсарой, 1198 йилда Бухоро Садири Абдулазиз II томонидан қурилган Вобкент минораси, Ўзганддаги минора, мақбара, масжидлар, Самарқанддаги мадрасалар шу даврда бунёд этилган.

“Қорахоний ҳукмдорлари савоб ишларга хайрхоҳ бўлганлиги ҳақида маълумотлар манбаларда кўп учрайди. Чунончи, Қорахоний Иброҳим ибн Наср 1066 йил Самарқанддаги бир шифохона ихтиёрига бутун иморатлари ва расталари билан икки карвонсаройни тақдим (вақф) этган. Хужжатлардан англанилишича, ана шу икки карвонсаройдан келадиган даромаддан касалларнинг озик-овқат, дори-дармони, табиблар, барча турдаги хизмат кўрсатувчиларни тегишли маош билан таъминлаш йўлида фойдаланилган. Бошқа бир хужжатда Самарқандда бунёд этилган мадраса мажмуини таъмирлаш учун Иброҳим ибн Наср уч меҳмонхона, бир карвонсарой, бир эркаклар ҳаммоми, сув айиргич, узумзор, бир қанча экин ерлари ва бошқалардан келадиган даромадни вақф қилиб бергани ҳақида гувоҳликлар мавжуд”.²

Умар Хайём ўша пайтда шаҳар ва унинг атрофидаги ҳудудларда бўлаётган воқеа, ҳодисаларни диққат билан кузатган ва уларга нисбатан ўз

¹<https://www.azon.uz/content/views/minorai-kalonning-asl-nomi-qanday-bulgan>

²Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. -Т: Ўзбекистон, 2000 . – Б. 111

нуқтаи-назарини билдирган. Дарҳақиқат, бу бевосита Иброҳим ибн Наср (хукмдорлик даври 1040-1068 й.) ва Шамс ул-мулк Насриддин Абулҳасан Наср Хизирхон (хукмдорлик даври 1068-1089 й.) билан ҳам боғлиқ.

Бу давр ижтимоий муҳитини қуйидагича таснифлаш мумкин:

- Диний таассуб аҳли;
- Тасаввуф аҳли;
- Садрлар ҳаракати;
- Миллий, маҳаллий бирликлар.

Умар Хайём доимо халқларнинг эрки, озодлиги, бахт-саодати, турли миллат ва дин вакилларининг бирлиги, бир тан бир жон бўлиб тараққиёт сари боришида, ижтимоий гуруҳлар, табақалар ва қатламларнинг умумий ғоялар ва манфаатлар уйғунлиги асосида бирлаштиришда бевосита ўз ҳиссасини қўшган.

Мовароуннаҳр ва Хуросон халифаликка бўйсундирилгач (704-715 й.), забт этилган бошқа ҳудудлар қаторида Нишопурда, Бухоро, Самарқанд ва Исфаҳонда ҳам нафақат ислом дини, балки араб тили ва унинг имлоси жорий этилди.

Халифаликка бўйсундирилган шаҳарлар маданий жиҳатдан юксалди. Турли соҳаларга оид қўлёзма китоблар сақланадиган кутубхоналар кўпайди. Шунингдек, кўплаб мадрасалар ҳам қад кўтарди. Бундай илмгоҳлардан етишиб чиқадиган илм аҳлининг кўпчилиги диний илмлардан ташқари дунёвий илмлар-математика, ҳандаса, кимё, табобат, фалсафа, мантиқ, тарих ва бошқа соҳалар бўйича чуқур билимларни эгаллаган олимлар эдилар. Бозорларда алоҳида китобфурушлик расталари бўлган. Маҳаллий аҳолининг маданий-маънавий ҳаётида ўз она тили ва унда ёзилган тарихий ва адабий асарларга бўлган эҳтиёж тобора ортиб борган.

Ҳаттотлик намуналари меъморий нақшларда безак сифатида ишлатилган. Иморатларнинг пештоқи, эшик, деворларнинг айрим қисмлари турли мазмундаги битиклар билан қопланган. Иморат қурилган йили, ким томонидан қурилганлиги, устанинг исмини ёзиш одатга айланган.

Шарқда кенг тарқалиб, жаҳон дини даражасига кўтарилган ислом ва шариат аҳкомлари мусулмон дунёсининг мафқурасига айланди. Ислом дини таълимотининг равнақи ва тарғиботининг кенгайишида марказга айланган шаҳарлар мадрасаларидан жуда кўп фикҳшунос, ахлоқшунос олимлар, нисбатан одил қозилар етишиб чиққан.

Шу жумладан, мутафаккир яшаган даврнинг ўзига хослиги калом илмининг ривожланганлигидир. Унинг ёрқин намоёндаларидан бири Фахруддин Розий бўлиб, 300 га яқин илм толиблари ундан таҳсил олганлар. Фахруддин Розийнинг “Мафотиҳ ул-ғайб”¹ асари Қуръони Карим шарҳи бўлиб, ақлий-мантиқий таҳлилга асосланган бу китоб - “Тафсири кабир”² номи билан ҳам машҳур бўлган. Мазкур китоб охирги маротаба 1933 йилда Қоҳирада 8 жилдда нашр қилинган бўлиб, унинг ҳар бир жилди тахминан 600 бетдан иборат. Аммо бу асарни XII-XIII асрда яшаб ўтган тасаввуф аҳлининг йирик намоёндаси Мавлоно Жалолоддин Румий рад қилиб, бундай усул билан Қуръонни, илоҳий оламни билиш нотўғри эканлигини кўрсатиб, куйидаги фикрни баён қилган³. (Байтларнинг мазмуни: Ҳақ йўлида ақлни йўл кўрсатувчи деб билиб, Фахриддин Розий дин йўлини истадинг, бу йўлда ақлий-мантиқий йўл тутмоқ нотўғри. Сен эса буни англаб етмадинг. Шундай айбу нуқсонлар билан сени Фахруддин (диннинг фаҳри) дейишларини истайсан). Жалолоддин Румий эътиқоди, тасаввуфий тажрибасида ҳақни ақл, тафаккур воситаси билан билиб олиш имконсиз эканлигини тушунтирган.

Умар Хайём ўша даврдаги жамиятга ақлнинг баҳоси ниҳоятда пастга тушиб кетганидан хафа бўлган, деган хулосани чиқариш мумкин.

Ақлга ҳеч қулоқ солмаслик керак,
Бу иш худди ҳўкиз соғишлик демак.
Аблаҳлик тўнини кийиб олиб бу кун,
Ақлингни баҳоси пишмаган таррак.⁴

¹<https://hidoyat.uz/40661>

²Бейрут: Дар ул-китабул алабийя, 2007. С. 315.

³Арабзода Нозир. Фахруддин Розий. Душанбе. Ирфон, 1993. - Б. 53

⁴ Умар Хайём. Рубоийлар. –Т.: Бадий адабиёт, 1971. - Б. 42

Тасаввуф илми ҳам ривожланиб, бир қатор юксак маънавий камолот эгалари етишиб чиқди. Хўжа Аҳмад Яссавий (1105-1166 й.), Хўжа Абдулхолик Гиждувоний (1103-1179 й.) каби тасаввуфнинг Хожагон ва Яссавия тариқати асосчилари айнан шу даврда яшаб, ирфоний илмлар тараққиётига катта ҳисса қўшганлар. Улар Бухорода бир неча йиллар яшаб, тасаввуфий-ирфоний илмлар билан машғул бўлган Юсуф Ҳамадонийдан (1050-1142 й.) таълим олишган.

Хуросон ва Мавороуннаҳрда тасаввуф кенг қулоч ёйишида, жамоатчилик фикрини ўзига қаратиб, жамиятда юксак аҳамият касб этишида, шунингдек, маҳаллий ҳукмдорлар томонидан қўллаб-қувватланишида Умар Хайёмнинг хизматини алоҳида эътироф этиш лозим. Маҳаллий ҳукмдорлар ва аҳолининг тасаввуф аҳлига бўлган ишончи ортиб, ирфоний мактаблар кўпая борди. Жумладан, Шайх Абу Саид Абулхайр (вафоти 1049 й.) Нишопурда ўзининг сўфийлик мактабини очди. Абулқосим Қушайрий (вафоти 1073 й.) сўфийликнинг назарий асосларини ўзида сингдирган асар яратди. Абу Ҳомид Муҳаммад Ғаззолий (1058-1111 й.) ўз ижодида диний масалалар билан бирга илмий-фалсафий ва ижтимоий масалаларга ҳам тўхталган. Шунингдек, бу даврда Абдулло Ансорий (1005-1089 й.), Абулмажид Саной (вафоти 1150 й.), Фаридиддин Аттор (1145-1221 й.) каби тасаввуф аҳлининг йирик намоёндалари фаолият кўрсатган.

Илм, фан, маданият, санъат юксалиб, турли соҳаларда ўзининг турлича кўринишларини намоён қилган. Илм, фан соҳасида кўплаб алломаларнинг етишиб чиқиши, умри боқий-меъморий обидаларнинг барпо этилиши, маданият ва маориф соҳасидаги ўзгаришлар, мадрасалар сонининг кўпайиши, китобхоналар ва бозорларда китобфурушлик расталарининг кўпайиши, нисбатан сиёсий барқарорлик ва иқтисодий юксалиш Қорахонийлар ва Салжуқийлар сиёсатининг давомийлигини таъминлади.

Буюк мутафаккир олим, астроном, математик ва шоир ажойиб файласуф Умар Хайём улар орасида ўзига хос муносиб ўрин эгаллайди.

Умар Хайёмнинг бизгача етиб келган асарларининг энг аввалгиси XI

асрнинг 60-йилларида ёзилган. Бу даврда фан соҳасида оламшумул кашфиётлар қилинган, кўпгина машҳур олимлар шу даврда етишиб чиққан. Лекин бу давр Марказий Осиё ва Эрон халқлари тарихида энг гуллаган давр бўлишига қарамай, халқ тинч-осойишта яшамаган.¹ Бу албатта Умар Хайёмнинг ўз фикрлари мустақил эркин баён этиш имконини бермаган.

Сомонийлар сулоласи тугатилгач, Маҳмуд Ғазнавийхоннинг юришлари бошланди. Бу даврда Эрон ва Марказий Осиёнинг ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳаётида муҳим ўзгаришлар содир бўлган эди. XI асрнинг 30 йилларигача Эрон ва Марказий Осиё Ғазнавийлар давлатининг таркибига кирган. Бу вақтда Ғазнавийлар давлатининг подшоси Маҳмуд Ғазнавий (990-1030 йиллар) тахтни бошқарган. Унинг ҳукмронлиги даврида салтанат гуллаб яшнаган. Деярли бутун Эрон ва Марказий Осиёни босиб олиб Маҳмуд Ғазнавий² кучли марказлашган давлат яратди.

Диний мутаассиблик, жиҳод байроқлари остида қўшни давлатларни эгаллаш учун қилинган ҳарбий юришлар Маҳмуд Ғазнавийхон давлатининг маданий, иқтисодий ривожланишига, илмий ижодий ҳаётнинг гуллаб яшнашига борган сари тўсиқ бўлиб борди. Натижада Маҳмуд Ғазнавий яратган ҳарбий тузум ўз ичидан емирила бошлади. 1030 йил Маҳмуд Ғазнавийхон ўлиmidан кейин, Ғазнавийлар давлати қисқа вақт ичида парчаланиб кетди. Тахт учун бўлган ўзаро курашлар, ички низолар салтанат инқирозига сабаб бўлди. Бу вазиятдан кўчманчи туркман қабилаларининг бошлиқлари Тоғрулбек ва Чағрилбеклар фойдаланиб Салжуқийлар салтанатига асос солишди. Бу пайтда Ғазнавийлар сулоласининг подшоси Маъсуд 1040 йилда Сарахс ва Марв остонасида жанг қилиб енгилди. Султон Маъсуд қочиб, зўрға жон сақлаб қолади. Бу жанг Ғазнавийлар салтанатининг инқирозини англатар ҳамда туркман қабилалари учун ҳарбий йўналишни очиб берди.

Бу пайтда Ғазнавийлар қўл остида фақатгина шарқий ерлар қолган

¹Шомухамедов Ш. Умар Хайём (ҳаёти ва ижоди). –Т.: Фан, 1962. – Б.14

²Алиев Р. М., Османов М.Н. Омар Хайём. – М: Акад. Наук СССР, 1959. - 13 с.

бўлиб, энг бой, гуллаб яшнаган, маданий марказ ҳисобланган Хуросон бўлса, Салжуқийлар қўл остига ўтган эди. Салжуқийлар Ироқ, Курдистон, Кўҳистон ва Азарбайжонни забт этишган. 1055 йилда Туғрулбек Аббосийлар халифалиги пойтахти бўлган Бағдодни босиб олади. Ислом дунёсининг ҳукмдори ҳисобланган Халифа эндиликда фақат диний ишлар билан шуғулланар эди. Барча ҳукмдорлик ишлари Салжуқийлар қўл остига ўтган ва улар ўзига фахрли ҳисобланган “султон” унвонини қабул қилишган.

Кўчманчи туркманларнинг Ғарбга бўлган юриши Туғрулбекнинг меросхўрлари бўлган Алп-Арслон ва Маликшоҳларнинг даврида ҳам давом этган. Маликшоҳ даврида Салжуқийлар салтанати Хитойдан Ўрта ер денгизигача, Ўрта Осиёдан Сурия ва Фаластингача бўлган бепоён ерларни эгаллаб турган. Буюк Салжуқийлар империясининг ташкил топиши Ўрта Осиё ва бутун Ўрта Шарқ ерларида истиқомат қилувчи халқларнинг иқтисодий, маданий ва маънавий ҳаётида улкан ўзгаришларга олиб келди. Босиб олинган улкан ерларни назорат қилишни Салжуқийлар сулоласи ўз қавми ўртасида тақсимлади. Марказлашган Салжуқийлар давлатининг айрим вилоятларга бўлиниши кейинчалик ҳам давом этди. Хуросон ерларини босиб олган Туғрулбек ва Чағрибеклар қўл остидаги аскарлар кўчманчи туркманлардан иборат эди. Кўчманчи туркманлар шу юришлар натижасида маҳаллий мулкдорлар ҳамда ёлланма аскарлардан ташкил топган кўшин орасида ҳали ҳурматга сазовор эди. Салжуқийлар даврида деҳқонлар деб аталмиш Эрон маҳаллий мулкдорлари ўз мавқеларини йўқотишди. Деҳқон мулкдорларининг бир қисми аста-секин ўрта ҳол ва майда ер эгаларига айланди, бошқа бир қисми эса янги салжуқийлар ҳукуматига солиқ йиғиш хизматига ўтишди. Салжуқийлар ҳукумронлигининг биринчи ўн йиллигида “икто” мулки вақтинча амалда кучга эга эди. Иқтодорлар ўз ерларидан солиқ йиғишар эди. Лекин улар ўз ерларида тер тўкиб ишлайдиган деҳқонларнинг мулки ва шахсига хўжайинчилик қилишмасди. Иқтодорларга берилган ерлардан ҳам давлат солиқ йиғиши мумкин эди. Кейинчалик вақтинчалик берилган “икто” мулки то умрининг охиригача бўлган доимий мулкка

айланади. Аста секин иқтодорлар вақтинчалик бўлган мулк эгаларидан доимий мулк эгаларига айланишиб, улар ўзларига тегишли бўлган ерда ишловчи деҳқонларнинг мулки ва шахсига ҳам эгалик қила бошлашди. Аста-секин Салжуқийлар Халифат ва Ғазнавийларнинг марказлашган давлат тизимини пароканда этишди ва марказлашган давлат барҳам топди. Салжуқийлар даврида Марказлашган давлат ўрнига вилоятларга бўлиниш ва ҳар бир вилоятни иқтодорлар томонидан бошқариш йўлга қўйилди. Марказлашган давлат аста-секин вилоятлар ва туманларга ажралиб кетди. Уларнинг ҳукумдорлари эса Салжуқийлар империясининг бош султониغا расмий бўйсунар эди. Аслида эса улар ўзига-ўзи мустақил бек ва амирларга айланишди.

Салжуқийлар давлатининг биринчи ўн йиллигида бир қатор сабабларга кўра Алп-Арслон ва Маликшоҳ даврида вазир бўлган Низомулмулк фаолияти туфайли марказлашган солиқ йиғиш тизими бир мунча вақт сақланиб келинган. Салжуқийлар салтанатида ер муносабатларининг ривожланиши катта мулк эгалари билан майда деҳқонлар ўртасида зиддиятларга олиб келди. Салжуқийлар салтанатида майда деҳқонларнинг мулки ва шахсияти эркин ҳисобланган, улар иқтодорларга фақат белгиланган солиқ тўлашар эди. Ўзининг “Сиёсатнома” асарида вазир Низомулмулк иқтодорлар ва майда деҳқонлар ўртасидаги муносабатга ва майда деҳқонларнинг ҳуқуқларини ҳимоялашга ҳам алоҳида аҳамият берган. Низомулмулкнинг “Сиёсатномаси”да майда деҳқонларнинг мулки оила аъзоларининг ҳаёти қонун томонидан ҳимоя қилинган ва иқтодорларнинг уларга тажовуз қилиши ман этилган. Низомулмулк “Сиёсатнома”да ёзишича, агар азият чеккан иқтодорларнинг зулмидан қийналган майда деҳқонлар султон саройига арз қилиб борса султон саройидагилар уларнинг арзини эшитишлари ва унга ёрдам беришлари лозимдир. Бундай шикоятларни эшитмайдиган амалдорлар ўз лавозимларидан маҳрум этилиши керак. Маликшоҳ даврида майда деҳқонлар Ғазнавийлар ҳукумронлигига нисбатан эркинроқ яшашган деб хулоса қилишимиз мумкин. Чунки Ғазнавийлар даврида солиқ тизими

Салжуқийлар даврига нисбатан халқ учун ниҳоятда оғир бир юк бўлган. Салжуқийлар даврида солиқ тизимидаги ўзгаришлар шаҳар ва қишлоқдаги халқ ҳаётини бирмунча енгиллашишига олиб келган. Бу эса ўз навбатида иқтисодий, маънавий ва маданий ҳаётни ривожланиши учун катта куч бўлди.

Х аср охири XI аср бошларида Шарқда ер муносабатлари ривожланган. Шунинг учун шаҳарларда иқтисодий ҳаёт ривожланиб, работларга ўтиб боради. Работларда эса бозорлар гавжум бўлиб, иқтисодий ҳаётда уларнинг аҳамияти юксалиб боради. Шаҳар аҳолиси асосан ҳунарманд, савдогар, амалдорлар ва руҳонийлардан ташкил топган. Ҳунармандлар шаҳар фуқароларининг кўпчилигини ташкил этар эди. Бу даврда шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги фарқ кучайиб боради. Шаҳарлар давлатнинг маданий ва савдо марказларига айланади. Эрон ва Ўрта Осиёнинг кўпчилик ҳунармандлари асосан жун, пахта ва шойи матоларни ишлаб чиқазишар, улардан хилма-хил буюмлар тайёрлашар эдилар. Ҳунармандларнинг кўпчилиги бирлашмаларни ташкил қилар эди. Бу бирлашмаларни шайхлар бошқарар эди. Савдогарлар ҳам ширкатларга бирлашиб карвон йўллари орқали қўшни давлатлар билан савдо ишларини олиб боришган. Ҳунармандчилик ва савдогарлик ўша даврнинг иқтисодий ҳаётини ташкил этган.

Салжуқий ҳукумдорларидан айниқса султон Алп-Арслон ва Маликшоҳ ҳукумронлигида иқтисодий ва маданий муносабатлар Ғазнавийлар давлатига нисбатан анча кучли ривожланди. Бунинг иқтисодий сабабларини юқорида кўрсатиб ўтдик. Бундан ташқари Салжуқийлар салтанатида диний мутаассиблик Ғазнавийларга нисбатан анча кам бўлган кўчманчи туркман қабилаларида диний хурофотлар деярли йўқ эди. Шу билан бирга, султон Туғрулбек араб Халифасининг сиёсий ҳукумронлигига чек қўяди. Бунинг натижасида халқ орасидаги диний таъсир анча камайиб боради. Бу эса ўз навбатида Умар Хайём даврида маданиятнинг юксалишига муҳим ижтимоий омил бўлди.

Сомонийлар давридан бошлаб, араб тили ўрнига форс тили кириб келади ва бу тил Эрон, Хуросон ва бошқа кўпгина давлатларда етакчи тилга

айланади. Форс дарий тилида кўпгина бадий асарлар, рубоийлар ва илмий тадқиқотлар ёзилар эди. Умар Хайём даврига келиб форс тили санъат, маданият ва адабиёт тилига айланди. Бу даврда шеърятда қасида, ғазаллар ва рубоийлар ёзиш одатга кирган эди. Саройда йиғилган шоирлар султоннинг барча ишларини шарафлаб, эзгу йўлларга рухлантириш мақсадида қасидалар ёзишар эди. Бундан ташқари ўша даврда тасаввуф шеърляти ҳам ривожлана бошлади. Тасаввуф шайхлари оддий халқнинг қизиқишлари, кечинмалари, эҳтиёжларини ўзларининг шеърларида ҳамда ўз ғояларида катта бир маҳорат билан ифода этишар, халқдаги ҳикматни тасаввуф ғоялари билан уйғунлаштиришар эди. Машхур сўфий шайх ва қаландарлар, оддий омма ўртасида катта ҳурмат ва эътирофга сазовор бўлган эди. Халқ уларнинг шеърларини меҳр билан тилга олар ва такрорлар эди.

Сўфий шоирлари моддий бойликка боғланишни, халқни талон-тарож қилаётган солиқлар, бева-бечора етимларга раҳм-шавқат қилмаган мулкдорларни тинимсиз олиб бориладиган талончилик урушларини қоралашар, халқнинг меҳнаткашлиги унинг сабр-тоқатлилигини, оддий одамларга хос бўлган камтаринлик, саховатлилиқни улуғлашар эди. Шундай машхур сўфий шоирлардан Умар Хайём даврида яшаган Саной ва Ансорийни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз.

Умар Хайём илмий-назарий меросига ўзидан олдин яшаб ўтган аллома ва таълимотларга таянади ҳамда уларни шарҳлаб, ривожлантиради. Мутафаккир Зардушт, Платон, Аристотель, Форобий, Беруний, Абу Али ибн Сино, Абулқосим Фирдавсий ҳамда тасаввуф аҳли машойихлари Абу Бақр Муҳаммад бинни Исҳоқ Калободий-Бухорий, Юсуф Ҳамадоний ва бошқа улуғ мутафаккирлар ғояларини ўрганиб, уларнинг маънавий-назарий издоши сифатида ўз замонасининг фаол шахсларидан бирига айланди.

Умар Хайём дунёқарашининг шаклланиши ва ривожланишида Зардуштийлик таълимоти ҳам муҳим рол ўйнаган. Мутафаккирнинг ижоди ва амалий фаолиятида ҳам яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва ёвузлик, уруш ва тинчлик, ободончилик ва вайроналик ёнма-ён эканлиги, эзгулик ғалабаси

яхшилиққа, фаровонлиққа олиб келишини кўриш мумкин. Бундан ташқари унинг асарларида “Авесто” га оид бўлган Яздон¹, Хурмузд², Аҳриман³ каби тушунчалар ҳам учрайди.

Умар Хайём эрамиздан 300 йил олдин яшаган машҳур юнон олими Евклиднинг “Асослар” асарини ўрганиб чиқади. Унинг бешинчи постўлат проблемаси ёки параллел тўғри чизиклар назарияси соҳасида илмий ишлари “Евклиднинг қийин постўлатларига шарҳлар” асарида баён этилган. Шунингдек, Умар Хайём 1069-1071 йилларда “Алжабр ва алмуқобала масалаларининг исботлари ҳақида” номли асарида учинчи даражали тенгламаларни геометрик усулда ечиш йўлини кўрсатади ва шу билан учинчи даражали тенгламалар назариясини тараққий эттиради.

X асрда машҳур бўлган шоир Рудакий ҳам Умар Хайём ижодига катта таъсир кўрсатган деб ҳисоблашимиз мумкин. Рудакийнинг шеърларида биз дунёдаги чексиз абадийлик, ҳамда ҳаётнинг ўткинчилиги каби зиддиятларни учратишимиз мумкин, унга хос бўлган диалектик ғоялар кейинчалик Умар Хайём шеърлятида ҳам кучли из қолдирган.

Абулқосим Фирдавсийнинг “Шохнома” асарида ҳам инсоннинг туғма фазилатлари, ғам - ғуссалари билан биргаликда ҳаёт хурсандчиликларини ҳам хилма-хил образларда гавдалантиради. X аср шоирларининг кўпчилигида зиддиятларга тўла руҳий кайфиятлар авж олган. Уларнинг шеърларида биз ғамгинлик, изтироб билан бир қаторда шоду-хуррамлик ва жўшқинлик каби кайфиятларни учратишимиз мумкин. Умар Хайём шеърлятида ҳам биз ўтмиш ва келажакни солиштириш ҳаётни шамол ёки булутга ўхшатишларини учратишимиз мумкин. X аср шеърлятида Абулқосим Фирдавсийнинг ижодида ҳам тафаккурни, ақлни юқори баҳолаш, уни инсон ҳаётидаги беқиёс ўрнини кўрсатиб бериш хос бўлган.

¹Яздон-худонинг номи, қадимги Эрондаги худо номи-(хусусан, Яздон – Язиднинг кўплигидир). “Наврўзнома”нинг кўп жойларида мусулмонча Аллоҳ, деб эмас, исломдан аввалги қадимий номлар билан аталади.

²Хурмузд – Хусрав Нўшинравоннинг ўғли ва Хусрав Парвезнинг отаси, 579-590 йилларда подшоҳлик қилган.

³Аҳриман - Зардуштийлик динига биноан ёвузлик, ўлим худоси.

А.М.Алиев ва М.Н.Османовларнинг “Омар Хайям”¹ деб номланган китобида Умар Хайём рубоийларининг ёзилишига таъсир қилган шоирлар қаторида Рудакий, Фирдавсий ва ибн Синони ҳам киритган.

Умар Хайём таълимотига Араб халифалигида шаклланиб ривожланган фалсафий ғоялар ҳам таъсир этди. Араб маданияти илм-фан хусусан математика ва табиатшунослик фанларига катта имкониятлар яратиб берди. Араб файласуфларидан машхур бўлганлари қаторида, Ал-Киндийни айтишимиз мумкин.

Умар Хайёмнинг фалсафий қарашларига кучли таъсир қилган буюк мутафаккир Абу Наср Форобийдир. Форобийнинг “Фозил одамлар шахри” асари ҳозирги даврда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Форобий ижодидаги рационал ва ахлоқий қарашлар, ислом ақидалари билан қўшилиб, ўзига хос бўлган фалсафий системани юзага келтирди. Умар Хайём маънавий меросидаги бир қатор фалсафий ғоялар Форобийникига ўхшаб кетади. Форобийдан ташқари Хайёмнинг дунёқарашига Абу Райхон Беруний ва Абу Али ибн Сино қарашлари катта таъсир кўрсатди.

Абу Али Ибн Синонинг буюк “Тиб қонунлари”, “Донишнома”, “Аш-шифо” каби кўпгина асарлари ҳам Умар Хайёмнинг фалсафий дунёқарашининг шаклланишига замин яратди.

Умар Хайём, Абу Али ибн Синони устоз мақомида эътироф этгани ва издошлик қилганлиги ҳақидаги маълумотлар мавжуд.

Абу Али ибн Синонинг фалсафий билимларни мантиқ, физика, математика, метафизика таркибида келтирган. Ибн Сино фалсафий илмларни иккига ажратади: назарий ва амалий илмлар. Назарий илмларни инсон фаолияти билан боғлиқ бўлмаган нарсалар тўғрисидаги ҳақиқий илмлар деб таърифлайди. Унинг фикрича амалий илмлар объекти инсон фаолиятидир. Айни пайтда Абу Али ибн Сино амалий илмларни учга бўлади:

- 1.Шахс ҳақидаги илм;
- 2.Инсонларнинг ўзаро муносабатлари ҳақидаги илм;

¹ Р.М.Алиев, М.Н. Османов. Омар Хайям. Издательство академии наук СССР -М: 1959. С 29.

3. Давлатни, мамлакатни бошқариш илми.

Худди шу соҳада Умар Хайёмнинг бир қанча фалсафий асарлари мавжуд. “У бу асарларида машҳур олим Абу Али ибн Синонинг фалсафий қарашларини баён этади. Абу Али Ибн Синони ўзининг устози деб билиб, ўзининг “Қоинот ва унинг вазифалари” (“Рисолат ул қав ва-т тақлиф”), “Борлиқ ҳақида рисола” (“Рисола фи-л вужуд”) каби фалсафий асарларида унинг фикрларини давом эттиради”.¹

Умар Хайём Абу Али ибн Синонинг “Хутба” асарини 1079 йилда арабчадан форс тилига таржима қилади². Муҳаммад Бағдодийнинг ёзишича, Умар Хайём умрининг охири кунларида Абу Али ибн Синонинг машҳур асари “Аш-Шифо” ни ўқиб чиққан.

Абу Али ибн Сино фикрига кўра, халифа ёки имом яъни жамоа ҳокими тўрт зарур сифатга эга бўлиши керак: шижоатли, жасур, одил, ақлли-доно, яхши тадбиркор. Мутафаккир бошқа алломалар сингари ҳукмдорни Аллоҳнинг ердаги халифаси, моддий ва социал неъматларни улашишда масъул, адолатни қарор топтиришда, эл-юрт тинчлиги учун қайғурувчи фаол шахс сифатида кўради. Агарда ҳоким, подшоҳ адолатсизликка йўл қўйса, халқнинг унга қарши кўзғолони одилона ва жамият томонидан қўллаб-қувватланмоғи керак, деган фикрни илгари суради. Бу фикрларни мутафаккир Умар Хайём таълимотида ҳам учратамиз. Жумладан, ҳукмдорга “фар”-ри илоҳийни (илоҳий нурни), унда азалий, ҳақиқий ижобий сифатларни кўриш ғояси батафсил ёритилган. Бу ғоя айниқса Умар Хайёмнинг бузургвор салафи Абулқосим Фирдавсий ҳикматий ва ижтимоий қарашларида алоҳида намоён бўлиб, қуйидагиларда ўз аксини топади:

1. Яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги кураш ғояларининг баёни.
2. Хирадманд, яъни оқил ва одил шоҳ ғояси.
3. Инсонпарварликни ҳақиқий, чуқур тушуниш.

¹Аҳадова М. Умар Хайём – математик олим. – Т: “Ўзбекистон” нашриёти. 1972. – Б. 5

²Ҳамробоев, Н.А.Мархалаҳои ташаккул ва таҳаввули ҳаракати тарҷума дар асрҳои VIII-XIV. Дисс.канд.филол.наук.Хучанд, 2019. – Б. 284-285

Фирдавсий карашларининг марказий ўринларидан бирини хирадманд¹, одил шоҳ ғояси эгаллайди. Бизнингча, мутафаккир ўзи танлаган ё яратган одил шоҳлар Ардашер Бобакон, Анушервон Одил, Фаридун, Манучехр, Ҳисрав Парвиз, Баҳром Гўр, Искандар ва бошқаларда нафақат уларни ҳаётда қандай бўлса шундайлигича тасвирлаган, балки бу образлар орқали одил шоҳлар ғоясини умумлаштирган ҳолда ифодалаган. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, бу қаҳрамонларнинг ҳаммаси ўзларининг амалий фаолиятларида, хусусан меҳнаткашларнинг адолатсизликларга қарши норозиликларини бостиришдаги шафқатсизлиги ҳар қандай ижтимоий адолат нормаларига мос келмаслиги билан кўзга ташланади.

Умар Хайём ҳам ўзининг буюк издошига эргашиб, бундай сифат-фазилатларга аҳамият бериб, адолатли шоҳлар хизматини қадрлаб, ўз замонасининг ҳукмдори Маликшоҳ вафотидан кейин ўзининг “Наврўзнома” асарини ёзади. “Умар Хайём Маликшоҳ ворисларини шу расадхонани битириш ишига даъват қилиш мақсадида “Наврўзнома”ни ёзган ҳамда унда бурунги ўтган подшоҳларнинг олимларга қилган ҳомийликларини атайлаб ишора тарзида айтган”.²

Илм ва унинг жамиятда устувор бўлиши барча даврларда долзарблик касб этган. Қайси даврда илм-фан умумжамият даражасида устувор бўлса, ўша жамиятда тараққиёт, юксалиш кузатилади.

Умуман, жамият аъзоларини илмга қизиқтириш, китобхонликка мойиллигини ошириш, ақлнинг асосий руқни бўлган билимни ошишига сабаб бўлади. Ўз даврида Умар Хайём бу ғояга аҳамиятни қаратган.

Мутафаккир фикрига кўра, ақл бир томондан Аллоҳнинг энг нодир инояти бўлса, бошқа томондан инсон айнан ақл орқали буюк, қудратли, соҳибжамол ва барқарору устувор бўлиши мумкин. Донишманд адиб билимни инсоннинг эзгу сифатларидан ҳисоблаб, ҳукмдорларни ҳам донолик, донишмандликка чорлайди, токи улар ҳукмронлигидаги раият,

¹Хирадманд -Тоҷик номи форс тилидан олинган (рмдмнд) [Херадманд] “ақлли, эҳтиёткор, доно, олим, адиб” деган маънони англатади.

²Умар Хайём. Наврўзнома. –Т.: Меҳнат, 1990. – Б. 8

одамлар ҳаёти яхшилансин. Унинг фикрига кўра, оқилу фозил шахс ҳеч қачон шуҳратпарастликни, ўз шахсий манфаатларини ўйламайди, унинг билими ифтихор ҳиссини уйғотади. Бу жиҳатдан ифлос, фиска-фасод ишларга берилиб кетмаган ва амалда яхши ишларни қиладиган кишиларнигина оқил, фазилатли дейиш мумкин. Унинг фикрича, инсоннинг буюклиги-ю куч-қудрати унинг билимида яширинган бўлади. Алломанинг бу фикрларини ҳозирги ҳаётда интеллект, ақл-заковатнинг мулк даражасигача кўтарилиши мисолида кўриш мумкин. Ақл-тафаккур оқибатидан келиб чиққан билим индустриал ва постиндустриал¹ жамиятда жуда катта мулкый аҳамият касб этади. Анъанавий жамиятда маҳсулот етиштириш жараёнида сарф этилган ақл-заковат кадрланса, постиндустриал жамиятда эса у бевосита катта қийматга эга бўлади. Айни пайтда Ўзбекистонда бунга бўлган аҳамият ошиб бормоқда. Жамиятда бундай мулкка эгаллик ифтихорини вужудга келтириш борасида кўплаб ишлар қилинмоқда. Шунга қарамай, жамиятдаги турли тоифаларнинг илмга бўлган интилишлари турлича. Буни биргина уларнинг китоб ўқишга, ҳозирги замон фан-техникасини ўзлаштиришга бўлган муносабатидан билиш мумкин. Албатта, бу борада радио, телевидение, матбуотнинг ўзига хос аҳамиятини рад этмаган ҳолда жамиятда китобхонлик муҳитини яратиш лозимлигини тан олмасдан иложимиз йўқ. Ваҳоланки, жамиятимизда хат саводи бўла туриб китобни қўлига олмайдиган, ҳаётини билимсизлик туфайли янада чигаллаштириб юбораётган кимсалар оз эмас. Дарҳақиқат, ҳозирги даврда одамларнинг ўз эҳтиёж имкониятларини оқилона (рационал) сарфлаш эмас, балки баъзилар ҳиссий истак, хоҳишларига таяниб, уларни асосий яшаш мақсади сифатида қондираётганлиги ҳам фикримизни исботлайди.

¹Индустриал жамият – бу жамиятнинг шундай турики, унда ижтимоий-иқтисодий тараққиётда табиий ресурсларни қазиб олиш ва қайта ишлаш, ҳамда саноат катта қиймат улушига эгадир. Индустриал жамият саноат инқилоби натижасида юзага келади. Постиндустриал жамият - ривожланган мамлакатларда 20-асрнинг 2-ярмидан ижтимоий тараққиётда вужудга кела бошлаган янги босқич. Термин ўтган асрнинг 70-йилларидан ишлатила бошланди, бошқа назарияларда — технотрон жамият (З.Бжезинский), ахборот жамияти, посткапиталистик жамият деб аталади. Постиндустриал жамиятда хизмат соҳаларининг аҳамияти ортади, фан ва таълим (унтлар) асосий ўринни эгаллайди, ижтимоий тизимда етакчилик мавқеи олимлар ва касб мутахассисларига ўтади, назарий билим янгиликлар киритиш ва сиёсатни шакллантириш манбаи бўлиб хизмат қиладди, ахборот олиш, тарқатиш ва ундан фойдаланиш жамият фаолиятида муҳим аҳамият касб этади.

Таъкидлаш лозимки, фақатгина билим, фан-техника, технология воситасида инсон ҳар қандай номақбул ва беҳуда ишлардан сақланиб, хокисорлик, метин ирода ва инсонпарварлик томон бора олади. Кўплаб улуғвор мутафаккирларимиз шу жумладан Умар Хайём фикрича инсон маданияти, маънавияти ҳақиқий билим туфайли комиллашади, уларнинг таъбирича кекса кишининг кўнгли ундан ёшаради.

Фалсафий фикрлар тарихида буюк аждодларимиз томонидан яратилган кўпгина илм-фан дурдоналари мавжуд. Улардан бизга мерос бўлиб қолган нодир фалсафий ва маданий бойлик нафақат илмий жамоатчиликка етказилиши, балки Ўзбекистонимиз пойдеворини мустаҳкамлаш учун, хусусан миллатнинг ўзлигини англашда, ёш авлодни камол топтиришда хизмат қилиши лозим. Жумладан, "...тарихга хусусан фалсафа тарихига мурожаат қилиш, ундан ташбеҳлар излаш мумкин. Ҳолбуки, дунёдаги энг қадимий цивилизациялардан бирига мансуб бўлган, ўз илдизлари билан асрлар қаърига бориб тақаладиган ва уч минг йилдан кўпроқ даврни ўз ичига оладиган халқларимиз тарихига ва тафаккурига мустақил Ўзбекистон ва минтақамиз давлатларида шаклланаётган янги қадрият тизимлари ва уларга муносабатимизнинг тамал тошларини қўядиган маънавий асосларидан"¹ келиб чиқиб ёшларни буюк бобокалонларимиз меросидан доимий озиқлантириб келиш нечоғлик зарурлигини англаб, аждодларимизга муносиб бўлиб, диний ва дунёвий билимларини бойитишда муносиб кадрларни тайёрлашга дастуруламал бўлиб хизмат қилади.

Умар Хайём асарлари дунё миқёсида жуда кенг тарқалиб, кўплаб тилларга таржима қилинган. Улар ўз давридан бошлаб то ҳозиргача илмий мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда. Умар Хайёмнинг бадий меросига бўлган жуда катта қизиқиш натижасида алоҳида Хайёмшунослик йўналиши вужудга келди.

Инсон ҳаёти ва коинот ҳақида чуқур ўйга солувчи фалсафий фикрлар ва теран маъноли рубойлар муаллифи Умар Хайём ижодига мурожаат этиш,

¹Назаров Қ.Н. Аксиология: қадриятлар фалсафаси.-Т: Маънавият, 1998.- Б.105

унинг ҳаёт фалсафасини англаш бугунги кунда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда мутафаккирларимизнинг дунёқарашини, уларнинг тафаккур услуби ва ахлоқий идеалларини, давлатчилик ғояларини ўрганиш, ўтмиш маданиятимизнинг ўзига хос хусусиятларини билиш зарурияти тобора ошиб бормоқда. Чунки мустақиллик ва миллатнинг уйғониши, маънавий юксалиш бир-бири билан узвий равишда боғлиқ жараёнлардир. Мустақиллик миллатнинг қайта тикланиши, ўзлигини англашини тақозо этиш билан бирга, ҳар бир шахснинг тафаккурини, ақл-идроқини, билимини, қобилиятини, фаоллигини ва баркамоллигини ҳам талаб қилмоқда. Бугунги янги Ўзбекистон шароитида бу талаб янада долзарб воқеликдир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки,

- мутафаккир дунёқарашига ўша даврдаги адолатсизлик, халқларнинг эрк, озодлик учун курашлари кучли таъсир кўрсатган;

- Умар Хайём XI асрда Қорахонийлар ҳукумронлиги даврида яшаган бўлиб, илмий тафаккурини Бухоро ва Самарқанддаги аллома ва мутасаввифлардан ўрганган;

- мутафаккир Зардушт, Платон, Аристотель, Форобий, Беруний, ибн Сино, Абулқосим Фирдавсий ҳамда тасаввуф аҳли машойихлари Абу Бакр Муҳаммад бинни Исҳоқ Калободий-Бухорий, Юсуф Ҳамадоний, Абдулҳолик Гиждувоний ва бошқа улуғ мутафаккирлар ғояларини ўрганиб, уларнинг маънавий-назарий издоши сифатида ўз замонасининг фаол шахсларидан бирига айланди;

- Умар Хайём фикрича, инсон маданияти, маънавияти ҳақиқий билим туфайли комиллашади ва у Аллоҳга яқинлашиб боради;

- Умар Хайём яшаган давр ижтимоий-сиёсий жиҳатдан жуда кескин давр бўлиши билан бир қаторда маданият, маънавият ва тасаввуфнинг кенг қулоч ёзиб, ривожланиш учун пойдевор даври бўлди. Бу давр мутафаккир дунёқарашининг шаклланишига ва ривожланишига ўз таъсирини кўрсатди.

1.2. Умар Хайём ҳаёти ва илмий-фалсафий мероси

Биз бу дунёдан ўтган буюк аждодларимизнинг номларини, ҳаётларини, қандай даврда яшаб нима ютуқларга эришганларини ва қандай ишлар қилганликларини билишимиз, уларнинг маънавий меросларидан фойдаланиб ушбу неъматларни кейинги авлодга етказишимиз ҳамда бутун жаҳонга маълум қилишимиз керак. Инсоният тарихида муносиб из қолдирган, ўзининг асарлари билан бутун Шарқ ва Ғарбда машҳур бўлган фалсафа, математика, астрономия ва бошқа фанлар соҳасида бир қанча илмий масалаларни ўрганиб, улар устида ишлаб, бу фанлар тараққиётига катта ҳисса қўшган, бугунги кунгача ўз кучини йўқотмаган фалсафий фикрлари билан машҳур бўлган ирфоний билимлар соҳиби Умар Хайёмдир.

Буюклик шундаки, уларнинг номлари ва келажак авлод учун қолдирган мерослари сарҳад билмайди, миллат танламайди, бутун инсониятнинг жавахир мулкига айланади. Бинобарин, Умар Хайёмнинг ватани Каспий денгизининг шарқи ва жануби-шарқий қирғоқлари билан туташ, шимолдан Ашхобод ва Марв (Мари) га, шарқий томондан Ҳирот ва Балхга чегарадош Хуросон ва унинг бутун жаҳон халқларига маълум, унинг ўтли фикрлари барча тилда ўзига хос оҳанг билан жаранглаб инсонлар қалбини жумбушга келтириб уларни ҳаракат сари чорлаб келмоқда.¹

Умар Хайём милодий 1048 йилнинг 18 май куни², ҳижрий шамсий 427 йили урдибиҳишт³ ойининг 28 санасида, Эроннинг Нишопур шаҳрида таваллуд топган. Фикҳни ўсмирлигида Имом Муваффақ Нишопурийдан ўрганган. Шунингдек, ҳадис, тафсир, фалсафа, ҳикмат ва нужум илмларини ҳам ўша даврда ўрганган. Отаси хаймадўзлик билан машғул бўлганлиги учун Хайём деб аташар эдилар.⁴

Хайём шоирнинг таҳаллуси бўлиб, бу отасининг касби билан нисбатланган бўлиб “чодирдўз” демақдир. Шоирнинг отаси ўрта табақага

¹ Умар Хайём. Наврўзнома. -Т: Меҳнат, 1990. – Б.3

² Султонов Ш., Султонов К., Омар Хайям. Издательство. – М; “Молодой гвардия”, 1987. с 27.

³ Урдибиҳишт (Forscha: ۛrdۛyibhsۛt) yoki Savr (Forscha: ثور) –Эрон таквимидаги иккинчи ой ва 31 кун.

⁴ Жаъфарий, Муҳаммадақий. “Таҳлили шахсияти Хайём”. Кимёи саодат. 17.05.2017.

мансуб бўлиб, ўзига тўқ бўлган. У ўша пайтда ўғлининг яхши билим олиши учун шароит яратиб берган.¹

Ғиёсиддин-Умар Хайёмнинг унвони, зеро у яшаган ўрта асрларда ўз илми-ю буюк салоҳияти билан танилган мутафаккирларга шундай фахрий унвон (яъни, динга қувват) бериш расм эди. Абдулфатх Умар унинг ўз номи бўлиб, Иброҳим отасининг исмидир. Нишопур (Найсабури)-мутафаккирнинг туғилган ватани. Хайём деган тахаллусга келсак, бу сўз арабчадан “чодир тикувчи” маъносини англатади. Ривоят қилишларича, Умар Хайёмнинг ота-боболари чодир тикиш иши билан шуғулланган эканлар. Бунга мисол тариқасида қуйидаги рубоийни Умар Хайёмга нисбат берадилар:

Беҳисоб чодирлар тиккан ажойиб

Хайём ғам-андухга ботди мункайиб.



Умр риштасию, умид узилди,

Чайқовчи қўлида кетди соврилиб².

Умар Хайём туғилган даврда Нишопур ўрта асрнинг катта шаҳарларидан бири бўлган. Кўпгина мамлакатлар билан савдо-сотик йўлга қўйилган. Шаҳарда ўз даврига кўра анча кенг миқёсда қурилишлар олиб борилган, чиройли мадраса, мачитлар, миноралар барпо этилган. Умар Хайём Нишопурнинг энг обрўли билим даргоҳларида ўз замонасининг етук олимлари билан бирга таълим олади.

¹ Шомухамедов Ш. Умар Хайём. Ўзбекистон ССР фанлар академияси нашриёти, -Т: 1962. –Б. 23

² Умар Хайём. Наврўзнома. -Т: Меҳнат, 1990. – Б.3-4



Эрон. Нишопурдаги Умар Хайём мақбараси.

Америка Қўшма Штатлари.
Окложома университети. Буюк
аллома, ҳаким Умар Хайём
шарафига қўйилган ҳайкал.

Ушбу мақбара ўнта устунга эга
бўлиб, ҳар бирининг баландлиги 12
метрдан иборат. У расадхонага
ўхшатиб қурилган. Хайём
мақбарасининг геометрик шакллари
унинг шеърлари билан безатилган.

Ғиёсуддин Абулфатҳ Умар ибни Иброҳим Хайём Нишопурий (1048-1123 йй.)

- غياث الدين *Ғиёсуддин*—хитоб, “динга қувват берувчи”.
- ابو الفتح *Абулфатҳ*—куня, “Фатҳнинг отаси”, лекин у кишининг Фатҳ исмли ўғли бўлмаган.
- عمر *Умар*—исм, ўзининг исми.
- ابن ابراهيم *ибни Иброҳим*-насаб, “Иброҳим ўғли”.
- خيام *Хайём*-тахаллус, “хаймадўз”, отаси хаймадўзлик, яъни чодирдўзлик билан машғул бўлган.
- نیشاپوری *Нишопурий*-нисбат, “нишопурлик”.

- Умар Хайёмнинг умр бўйи тасвирлари сақланиб қолмаган ва унинг кўриниши номаълум бўлса-да, кўплаб мамлакатларда шоирга ёдгорликлар ўрнатилган (масалан, Нишапур, Ашхобод, Бухарест). 1935 йилда Озарбайжон ёзувчиси Ҳусайн Жавид Умар Хайёмга бағишланган “Хайём” песасини ёзди.

Унинг дастлабки устозларидан бири Насриддин шайх Муҳаммад Мансур (вафоти 1104 й.) бўлган. Бу киши диний билимлар бўйича ўз даврининг таниқли олими бўлиб, машҳур мутасаввиф шоир Шайх Санойи ҳам шу кишининг шогирдларидан ҳисобланади.

Нишапур Эроннинг санъат ва маданият ривожланган шаҳарларидан бири бўлиб, Хуросон вилоятида жойлашган. Умар Хайёмнинг болалик йиллари (1048-1066 йй.) ўзининг она шаҳрида ўтган. У дастлаб Нишапурдаги машҳур мадрасада таҳсил олиб, 1066-1074 йилларда Балх, Самарқанд ва Бухорода ўқишни давом эттирган. Умар Хайёмнинг дастлабки илмий фаолияти 25 ёшида Самарқандда бошланган бўлиб, алгебрага бағишланган рисоласи уни олим сифатида шуҳрат қозонишига сабаб бўлган.

Хайём математикага доир иккита китоб ёзади. “Абулфатҳ Умар ибн ал Хайём рисоласи” ва “Ҳисобнинг қийин масалалари” номли бу асарлари Хайёмнинг ўз даврининг ва қадимги юнон математикасидан жуда яхши хабардор бўлганини кўрсатади.

Мутафаккир алжабр, ҳандаса, ҳайат, ситорашунослик¹ ва фалсафани яхши ўзлаштирган. Қуръон, тарих, ҳуқуқшунослик, араб тили ва адабиётини чуқур билган. Шеърятда юксак маҳоратга эга бўлган. Умар Хайём астрология ва тиб илмини ҳам ўрганган, мусиқа санъатининг нозик жиҳатларини пухта ўзлаштирган. У қадимги юнон файласуфлари Архимед, Евклид, Аристотельнинг асарларини араб тилига таржима қилган. Умар Хайём Қуръонни нафақат ёддан билган, балки ҳар бир оятга изоҳ берган.

Мутафаккирнинг илмий фаолияти Бухорода шахзода Хоқон Шамс ул-Мулк даргоҳида бошланган. Умар Хайём алгебрага оид асарларининг кўп қисмини Бухоро ва Самарқандда ёзган. У бир неча асарини бошланишида

¹ Ситорашунослик- тақвим юритувчи, юлдузлар ҳаракатига, ой ва кунга қараб вақтни айтиб бериш.

Самарқанднинг улуғ қозиси Абу Тоҳир (1089-1091 йй.) ни устози ва маслакдоши эканлиги ёзилган. Умар Хайём математика фанига қизиққан ва математик олимларнинг асарлари билан танишиб чиқади. Кейинчалик у ўзининг унча катта бўлмаган “Абул-Фатҳ Умар ибн Хайёмнинг талқини” асарини яратди. Асар бизгача етиб келган биринчи ижод маҳсули бўлиб, 1931 йили Техронда форс тилига таржима қилинган.

Умар Хайёмни 1074 йилда Маликшоҳ даргоҳида фалакиётшунослик обсерваториясига Исфаҳон шаҳрига таклиф этишган. Мутафаккир беш йил давомида обсерватория дарбор¹ олимлари билан ҳамкорликда олиб борган тадқиқотлари натижасида 1079 йил янги тақвим яратган. 1080 йилда инсон умри ва ҳаёт моҳиятига бағишланган дастлабки фалсафий рисоласини ёзди. 1092 йили Маликшоҳ вафотидан сўнг Умар Хайёмнинг осойишта, барқарор кунлари беқарор даврга ўтади. Маликшоҳнинг хотини Турконхотун хукмронлиги даврида илмий фаолият қўллаб-қувватланмади, обсерватория ёпилди. Мамлакат пойтахти Исфаҳондан Марв шаҳрига кўчирилади. Умар Хайём Нишопурга қайтиб мударрислик билан машғул бўлади. У ўзининг илмий тадқиқотларини давом эттириб, “Олтин ва кумушнинг моеъҳода² миқдорини аниқлаш санъати ҳақида” (“Дар бораи санъати муайян кардани миқдори тилло ва нукра дар моеъҳо”) рисоласини ёзади. Умар Хайём ҳаётининг охириги йиллари жуда оғир кечган. Умар Хайём кексалик даврида Макка ва Мадина шаҳарларига зиёратга боришга мушарраф бўлган. Умрининг охириги йилларини Нишопур шаҳрига яқинроқ бир қишлоқда ўтказади.

Манбаларда келтирилишича, Умар Хайём оила қурмаган ва фарзандлари ҳам бўлмаган.

Умар Хайёмнинг ҳаёти ва фаолияти Марказий Осиё халқлари тафаккури тарихида ёрқин из қолдирган IX-XII аср маънавий-маданий юксалиш даври билан узвий боғлиқ. Ушбу даврда вужудга келган илм-фан,

¹ Дарбор – олий даргоҳ

² Моеъҳода-форсча сўздан олинган бўлиб “суюқлик” деган маънони билдиради.

санъат, адабиёт, фалсафий фикрлар тараққиёти, инсоният тафаккур хазинасига айланиб улгурган. Илк ўрта аср даври ҳақида ўз замонасининг таниқли алломалари, тарихчилари ҳам ёзган асарларида илм-фан ва маданий ривожланиш ҳақида, жумладан Умар Хайём ҳақида ҳам бой манбаларни қолдирганлар.

Тарихчи Байҳақий салжуқийлар ҳукмдори Маликшоҳ Умар Хайёмни ўз яқин инсонлари қаторига қўшиб олганлиги ҳақида маълумотлар қолдирган. Мутафаккир султон саройида мунажжимлик ва табиблик вазифаларини бажарган.

Умар Хайём ўзи яшаган жамиятни қуйидагича таҳлил этади:

Ўзни доно билган бу уч-тўрт нодон,
Эшак табиатин қилур намоён.
Булар суҳбатида сен ҳам эшак бўл,
Бўлмаса “кофир” деб қилишар эълон.¹
ما كافر عشقيم و مسلمان ديگر است،
مامور ضعيفيم و سليمان ديگر است.
از ما رخ زرد و جامه پاره طلب،
بازارچه قصب فروشان ديگر است.²

Ўқилиши:

Мо кофири ишқем-у, мусулмон дигар аст,
Маъмур-у, заифем-у, Сулаймон дигар аст.
Аз мо рух зарду жома пора талаб,
Бозорчаи қасаб фурушон дигар аст.

Мазмуни:

Биз ишқ йўлида юриб кофир деб ном чиқарганларданмиз,
ўзларини мусулмон деб юрганлар бошқалардир.

¹ Шомухамедов Ш. Умар Хайём (ҳаёти ва ижоди). -Т: Фан, 1962. –Б. 24-26

²“Мажмуаи расоил” (“Рисолалар тўплами”) қўлёзма асарида жами 9 та алломанинг рисоласи ва назмий ижоди жамланган. Мазкур қўлёзма асар ҳижрий 1254, милодий 1838 йилда кўчирилган бўлиб, у Эроннинг “Мажлиси Сино” кутубхонасида 12828/110 рақами остида сақланади. –Б. 177., 37-рубойи.

Биз Сулаймон пайғамбарга бўйсундирилган, хизматга тайёр, бечора жинлар кабимиз, ўзини Сулаймондек тутиб юрганлар бошқалардир.

Биздан юзлар сариқликни, кийимлар ямоқни тилайди, бундан ортиғи бизда йўқ.

Дунё бозорида турли беқасам матоларни сотиб, фойда оляпман, мен бозорчиларнинг зўриман деб юрганлар бошқалардир.

Таржимаси:

Биз ишқ кофири, мусулмон бошқалар,

Биз бўйсунган жин, Сулаймон бошқалар.

Юзимиз сарғайган, кийимлар жанда

Бозор кўрмадик, бозургон бошқалар.

Умар Хайём қаламига мансуб байтдан кўриниб турибдики мутафаккир яшаган даврдаги бидъат, даҳрийлик ва бир қанча бузуқ мазҳабларнинг мафкураси ҳам ўрин олган эди. Мазкур мафкурага берилган ва айш-ишрат, майхўрликка мойил кишилар Умар Хайёмдек катта устоз топганларидан хурсанд бўлиб, унинг шуҳратидан мақсадлари йўлида фойдаланишди. Жоҳил инсонлар эса Умар Хайёмни кофир, даҳрий, ботиний, шариатни оёқ ости қилувчи деб фатво чиқаришарди.

فصل گل و طرف جویبار و لب کشت،

با یک دو سه اهل لعبتی حور سرسشت.

پیش آر قدح که باده نو شان صبح،

آسوده ز مسجدند و فارغ ز کنشت.¹

Ўқилиши:

Фасли гул-у, тарафи жўйбор-у, лаби кишт,

Бо як, ду, се аҳли луъбате ҳури сиришт.

Пеш ор, қадаҳки, бода нўшони сабух,

¹ Лондон. Оксфорд университети, Бодлин кутубхонаси. Э.Фицджеральд тўплаган 108 та рубойлар тўплами. Arch. O. d.16. –Б. 25, 32-рубойи.

Осуда зи масжиданд-у, фориғ зи каништ.

Мазмуни:

Баҳор пайти, ариқ олдидаги ернинг бир четида,
Икки-уч улфат-у, яна хурсандчилик қилиб ўйнаб
ўтиришга жаннат ҳурлари бўлса.
Бундай даврада қадахни олиб, бодани ичиб, калла очди
қилганлар
Масжиддан осуда-ю, канисадан фориғ бўладилар.

Таржимаси:

Баҳор фасли, анҳор, хушбўй гуллари,
Атрофинг ўраса жаннат ҳурлари.
Қадахларга қуйсанг бода кетма-кет,
Масжиддан фориғ-у, черковдан нари.

Тариқат аҳли Умар Хайём ғоялари моҳиятида илоҳий ишқ масаласи турганлигини таъкидлайдилар. Ушбу байт нодон кимсаларга қаратилган бўлиб, агар улар билан ҳамсухбат бўлсанг, ўз фикрингни очик баён этма, бўлмаса улар сени ҳам кофирга чиқаришади, деб огоҳлантирмоқда.

Тадқиқотчилар Умар Хайём рубоийларнинг сонини 178 та деб таъкидлашмоқда (*Умар Хайём. Рубоийлар. Т.: “Adabiyot uchqunlari” нашриётидан 2018 йил чиққан нашрида ҳам 252 та рубоий келтирилган*)¹.

Умар Хайёмнинг билимдонлиги ҳақида Байҳақий шундай маълумот беради, “Умар ибн Иброҳим Хайём, ота-боболари каби, Нишопурлик эди. Фалсафий билимлар бобида Абу Али ибн Синога эргашар, ўзи эса дағал сўз, пинҳон феъл одам эди. У Исфаҳонда бир китобни етти марта ўқиб чиқиб, уни ёдлаб олган. Нишопурга қайтиб келгач, уни (ёдаки) ёзиб чиққанида, асли билан солиштирилса, кўп фарқ қилмаган.

Умар Хайём ўз даврининг зукко олимларидан бўлган. Вазир Абдураззоқ қорибоши Абулқосим Ғаззолийнинг бир сура устидаги баҳсда Умар Хайём мунозарадаги тўғри ва хато жойларини айтиб беради. Ғаззолий:

¹ Умар Хайём. Рубоийлар. -Т: Адабиёт учқунлари, 2018. –Б. 56

“Худо сен каби олимларни зиёда қилсин, ҳақимлар эмас, ҳатто, қорилардан ҳам ҳеч ким бунча нарсани ёд олиб қолади деб ўйламаган эдим, мени ўз чокаринг ҳисоб эт”¹, - дейди.

Умар Хайём ўз даврида мусулмон Шарқининг йирик файласуфи, ислом илоҳиётчиси Имом Ғаззолий билан фалсафий мавзуларда баҳслар олиб боришган. Ғаззолий ҳамма томонлари ўхшаш бўлган қутб осмони қисмларини (ўзаро қандай) аниқлаб олиш мумкинлигини сўраганида, Умар Хайём гапни чўзиб, тушунчадан бошлади. У тортишувга берилишни истамади-бу ҳол мўътабар шайхга одат эди. Пешин азони айтилгач, Ғаззолий: “Ҳақ келди ва ноҳақ йўқолди”, - деб ўрнидан турди”.²

در پرده اسرار کس را ره نیست،
زین تعبیه جان هیچ کس آگه نیست.
جز در دل خاک هیچ منزلگه نیست،
می خور که چنین فسانها کوته نیست.³

Ўқилиши:

Дар пардаи асрор касро раҳ нест,
Зин таъбия жони ҳеч кас оғаҳ нест.
Жуз дар дили хок ҳеч манзилғаҳ нест,
Май хўрки, чунин фасонҳо кўтаҳ нест.

Мазмуни:

Илоҳий сирлар пардасини очишга бирон йўл йўқ,
Мени бу жумбоқдан хабардор қиладиган бирор киши йўқ.
Ернинг бағридан бошқа борадиган бирон жой йўқ,
Май ичгинки, бу масалада гапираверса, гап тугамайди.

Таржимаси:

Сир пардасини очарга ҳеч роҳ йўқдир,
“Сирни билурман”, деган огоҳ йўқдир.

¹ Шамолов А.А. Имом Ғазолий ва Ҳақим Умари Хайём // Умари Хайём ва тамадуни чаҳонӣ. Ба 960-умин солгарди зодрӯзи Ҳақим Умари Хайём. – Душанбе, 2000. – С. 109

² Шомухамедов Ш. Умар Хайём (ҳаёти ва ижоди). - Т: Фан, 1962. –Б. 25.,

³ Лондон. Оксфорд университети, Бодлин кутубхонаси. Э.Фицджеральд тўплаган 108 та рубойлар тўплами. Arch. O. d.16. –Б. 25., 29-рубойи.

Май ичгил ва қутил, бу афсона узун,
Тупроқдан ўзга ётарга хиргоҳ йўқдир.

Тадқиқотчи А.Мюллернинг фикрига кўра: “Ўз билимларини бойитиб боргани, фалсафа, математика ва табиатшунослик билан машғул бўлганлиги учун Умар Хайём сўфийлик доираси билан чекланиб қолмади: у пантеистик ўзига хосликка эга бўлган хурфикрли скептикка айланди, лекин, аввало у сиёсий илоҳиётчилар иккиюзламачилигининг энг қатъий душмани бўлган”¹. Бу ерда Умар Хайёмнинг сўфийликка берган таърифи билан Мюллернинг карашини орасида зиддият бордай кўринади. Умар Хайём фақат мистик рухий тажрибалар, яъни ҳис-туйғуларни нафислаштириш билан чекланиб қолмаган, балки айни замонда чуқур илмий тадқиқотлар ҳам олиб борган. Мутафаккир бу борада жуда салмоқли натижаларга эришган, яъни у қомусий олим бўлиш билан ҳам чекланиб қолмасдан, балки тариқат соҳиби ҳам бўлган.

Манбаларда Маликшоҳ Умар Хайём учун катта маблағ ажратганлиги, мутафаккир маблағ ҳисобига Исфаҳонда расадхона солиб бошчилик қилганлиги айтилади.

Мутафаккирнинг фалаккиёт, илоҳиёт, табиийёт, риёзиёт, адабиёт каби бир қатор фанларда қўшган ҳиссаси, ёзган асарларида баён этилган. Ўз даврининг кўзга кўринган файласуфларидан бири сифатида Умар Хайём Салжуқийлар даврида машҳур бўлган вазир Низомулмулк қошида катта обрў-эътиборга эга бўлганлиги, Султон Маликшоҳнинг надими ва Исфаҳондаги йирик расадхонанинг раҳбари сифатида дунёдаги энг аниқ астрономик тақвим-календарлардан бирини яратганлиги баён этилган.

Умар Хайём кўпроқ илмий ижод билан машғул бўлган, фақат Маликшоҳ талаб қилган пайтлардагина, унинг хизматида бўлган ёки шоҳни турли сафар, овларда кузатиб борган.

می میخورم و مخالفان از چپ و راست،
گویند مخور بادہ کہ دینرا اعداست.
چو دانستم کہ می عدوی دین است،

¹ Григорян С.Н. Из истории философии Средней Азии и Ирана VII-XII веков. –М.: 1960. –С. 116.

والله بخورم خون عدورا رواست.¹

Ўқилиши:

Май мехўрам-у, мухолифон аз чап-у, рост,

Гўянд махўр, бода ки динро аъдост.

Чу, донистамки, май адувви дин аст,

Валлох, бихўрам хуни адувро равост.

Мазмуни:

Май ичаётган пайтимда ўнг-у, сўлимда турган
мухолифлар менга насихат қилиб,

Айтадиларки, “Ичма, май бу – динга душман ҳисобланади.

Майнинг динга душманлигини билгач, энди

Худо ҳаққи, душман қонини ичиш раво бўлгани учун, мен
ҳам энди майнинг қонини яна кўпроқ ичарман.

Таржимаси:

Май ичсам, ёнимда турганлар шу дам,

Дедилар: “Май динга душман чинакам”.

Дедим: “Душман бўлса, дин ёнин олиб”,

Қонини ичарман, қанча бўлса ҳам.

У саройнинг нотинч ҳаётини ёқтирмаган, илмий иш билан машғул бўлишни маъқул кўрган. Байҳақий у тўғрисида: “... дағал сўз, пинҳон табиат”, деб ёзган. Бу кўпроқ, Хайёмнинг дағал туюладиган тўғри сўзлигидан бўлса керак, унинг бундай одати сабабли фисқу-фуруж уясига айланган саройда олимнинг бошига кўп ташвишлар тушганидан дарак берса ажабмас. Буни мутафаккирнинг рубойларида ҳам учратиш мумкин:

Нокаسدан сир беркит, тилингни боғла,

Аблаҳдан яширин бўлмоқни чоғла.

Кишилар жонига ўз қилмишинг кўр,

Сен ҳам шунга кўз тут, шуни сўроғла.²

¹ Лондон. Оксфорд университети, Бодлин кутубхонаси. Э.Фицджеральд тўплаган 108 та рубойлар тўплами. Arch. O. d.16. –Б 26., 38-рубой.

² Умар Хайём. Рубойлар. – Т.: Бадий адабиёт. 1971. Б. 146.

Илм, фанда ўз замонасидан илгарилаб кетган олимга яққол кўриниб турган уфқларни кўролмайдиганлар уни кофирликда айблашарди.

دل گفتم مرا علم لدنی هوس است،
تعلیم کن اگر ترا دست رس است.
گفتم که الف گفت دگر هیچ مگو،
در خانه اگر کس است یک حرفی بس است.¹

Ўқилиши:

Дил гуфт маро: “Илми ладуний ҳавас аст,
Таълим кун, агар туро дасти рас аст”.
Гуфтамки, “Алиф”. Гуфт: “Дигар ҳеч мағў”,
Дар хона агар касс аст – як ҳарфи бас аст.

Мазмуни:

Менга қалбим айтдики, “Менда Аллоҳнинг бирлигини
англатадиган илоҳий илм бўлган илми ладунийни
ўрганишга ҳавасим бор,
Агар шу илмдан хабардор бўлсанг, менга уни ўргат”.
Мен: “Алиф” деб энди бир ҳарф айтган эдимки, у: “Бўлди,
бошқа айтма, шу биргина ҳарфнинг ўзи етарли, хонада
биров бўлса, эшитиб қолмасин”, деб юборди.

Таржимаси:

Юрак айтди: “Ўргат, илми ладунни,
Агар еча олган бўлсанг тугунни”.
Дедим: “Алиф”. Деди: “Бошқа сўз дема,
Эшитмасин, уйда биров бор, буни”.

Умар Хайём кексаликда Нишопурга қайтиб келиб, фақирона ҳаёт кечирган бўлишига қарамай, илмий ишларини тарк этмаган. Улуғ олим математика, астрономия ва фалсафадан бир қанча асарлар ёзади. Ундан ташқари, ўз атрофига содиқ шогирдлар йиғиб, маърузалар ўқийди. Бир гуруҳ

¹ Лондон. Оксфорд университети, Бодлин кутубхонаси. Э.Фицджеральд тўплаган 108 та рубойлар тўплами. Arch. O. d.16. –Б. 23., 28-рубойи.

олимларни тарбиялаб етиштиради. Булар орасидан астрономлар, математиклар, физиклар етишиб чикқан. Фан тарихида сезиларли из қолдирган олимлардан файласуф Абдулло Миёнжий, Муҳаммад Илоқий, Табиб Али ибн Муҳаммад Коиний кабилар шулар жумласидандир.

Умар Хайём ҳаётининг охирги йиллари айниқса оғир кечган. Ўзининг машаққатли ҳаётига яқун ясаб, шоир:

Ўру қир айландик, хўп кездик олам,
Ишимиз ўринлаб тузалмади ҳам.
Ноқулай замонда ўтган умримиз
Яхши ўтмаса ҳам ўтолди кам-кам.¹
Ёки:
Токай ҳийлагар умр солар тузоққа,
Токай май лойқасин тутар дудоққа.
Ҳийласи дастидан қолган умримни
Бир қултум май каби сочай тупроққа.²

деб ёзган эди.

Умар Хайёмнинг китобга қизиқиши баланд бўлган. Устози Абу Али ибн Синонинг китобларини қайта-қайта мутолаа қилган. Байҳақий Умар Хайём ҳаётининг охирги дақиқаларида ҳам Абу Али ибн Сино китобларини қўлидан қўймагани ҳақида ҳикоя қилади: “У олтин мисвок билан варақлаб, “Шифо”нинг “илоҳиёт” (қисмини) ўқир эди. “Бирлик ва умумийлик” фаслига етганда, мисвокни китобга қистириб, ўрнидан турди, намоз ўқиди, васият қилди, эй худо, имкон борича сени танидим... кечир деб вафот этганлиги”³ ҳақида маълумот берган.

خیام ز بهر گنه این ماتم چیست؟
و ز خوردن غم فایده بیش و کم چیست؟
آنرا که گنه نکرد غفران نبود،

¹ Умар Хайём. Рубойлар. – Т.: Бадиий адабиёт. 1971. – Б. 72

² Умар Хайём. Рубойлар. – Т.: Бадиий адабиёт. 1971. – Б. 67

³ Шомухамедов Ш. Умар Хайём (ҳаёти ва ижоди). – Т: Ўзфан, 1962, -Б. 28

غفران ز برای گنه آمد غم چیست؟¹

Ўқилиши:

Хайём, зи баҳри гунаҳ ин мотам чист?

Ва зи хўрдани ғам фойда беш-у, кам чист?

Онроки, гунаҳ накард ғуфрон набуд,

Ғуфрон з баройи гунаҳ омад ғам чист?

Мазмуни:

Эй Хайём, қилган гуноҳларинг учун бунча мотам тутасан?

Фойда-ю, зиённи ўйлаб бунча ғам ейишинг нега керак?

Ахир гуноҳ қилмаган мағфират ҳам қилинмайдику

Аллоҳнинг мағфират қиладиган Ғафур сифати гуноҳларни

кечириши учунку.

Таржимаси:

Хайём нега керак бу мотам ахир?

Гуноҳ кўп ё кам деб ема, ғам ахир.

Гуноҳ қилмаганга мағфират бўлмас,

Кечар, Ғафур-ку, У кўпми кам ахир.

Умар Хайём 517 ҳижрий қамарий (1123 йил 4 декабр мелодий)² йили ўз ватани Нишопур шаҳрида қабрга қўйилди. 1934 йилда улуғ шоир ва олимнинг турли мамлакатлардаги мухлислари орасида маблағ тўпланиб, унинг мазорига мақбара ўрнатилди. Учи қуббалик қилиниб ишланган минора шаклидаги баланд мрамор тошга: “Ҳаким Умар Хайём, ўлган йили 517 ҳижрий қамарий” деб ёзиб қўйилган. Бунинг тагига эса мақбара ўрнатилиши тарихини билдирадиган қуйидаги рубоий битилган:

Хайём қабрига кел-сен мақсад талаб,

Айём андуҳидан омонлик тилаб.

Қуббаси тарихин билмоқ эрсанг, бил –

Хайём қабридан дин, дил розин сўраб.

¹ Лондон. Оксфорд университети, Бодлин кутубхонаси. Э.Фицджеральд тўплаган 108 та рубоийлар тўплами. Arch. O. d.16. –Б. 21., 23-рубоий.

² Лондон. Оксфорд университети Бодлин кутубхонасида. Фицджеральд, Эдвард тўплаган 108 та рубоийлар тўплами. Arch. O. d.16.

Рубоийнинг охирги мисраси форсчада “Рози дилу дин қабри Хайём талаб”, абжад ҳисоби билан 1313 ҳижрий қамарий (1934 мелодий) йилни кўрсатади¹ деган ёзув мармар тошга ўйиб битилган.

Кейинги даврларда Умар Хайём ҳаёти фаолияти тўғрисида Г.Лэмб “Умар Хайём”², Я.Илёсов “Морбоз”³, В.Варжапетян “Шам кўтариб юрган йўловчи”⁴, Г.Гулия “Умар Хайём ҳақида қисса”⁵ каби асарлар ёзишган. Америкалик, инглиз, рус ва ўзбек мусаввирлари Умар Хайём ижодидан илҳомланиб ўз мусавварларини яратганлар. Умар Хайёмга бағишланган шеър, достон, опера, балет, кинофильм ва бошқа сахна асарлари ҳам мавжудки, улар ҳам мутафаккир ижодини тарғиб этишда муҳим аҳамият касб этади.

Аммо шуни айтиш жоизки, ўрта аср манбаларида ҳатто, яқин кунларгача бўлган илмий тадақиқотларда ҳам Умар Хайёмнинг маънавий мероси ҳақида гап кетганда, у аввало, улуғ ҳаким, математик, астроном сифатида намоён бўлади. Гарчи Умар Хайём буюк файласуф бўлиши билан бир қаторда машҳур шоир сифатида бутун дунёга донг таратган бўлсада, унинг бу шуҳрати яқин кунларгача мутафаккирнинг олимлик шуҳрати олдида нисбатан сояда қолиб кетган эди. Ҳолбуки, унинг дунёқарашининг, айниқса, ҳозирги давримиз учун муҳим маънавий аҳамиятга эга бўлган томонларини, хусусан, унинг хурфиқрлигини, рационализминини, инсонпарварлигини ифодалайдиган меросларидан бири унинг рубоийларидир. Шу муносабат билан Ш.Шомухамедовнинг “Ҳазиналар жилоси” китобида келтирилган украин шарқшунос олими А.Кримскийнинг Умар Хайёмнинг Эронда шоир сифатида машҳур бўлмаганлиги ҳақида келтирган ушбу таъкидини келтириш мумкин: “1913 йил октябрида мен яна бир бор ишонч ҳосил қилдим, ҳозир (яъни, 1914-1915 йилларда-Ш. Шомухамедов.) Эрон Ташқи ишлар Вазирлигининг хизматчиси бўлмиш Мирза Ҳамид у вақтларда (яъни 1913 йилда-Ш. Шомухамедов) Москва Давлат университетиде билимини такомиллаштирар эди.

¹ Шомухамедов Ш. Умар Хайём (ҳаёти ва ижоди). -Т: Фан, 1962. –Б. 28

²https://ru.wikipedia.org/wiki/Лэмб,_Гарольд_Альберт

³https://ru.wikipedia.org/wiki/Омар_Хайям

⁴<https://www.google.com/search?q=В.Варжапетян-биография,книги,отзывы,цитаты>

⁵https://royallib.com/book/gulia_georgiy/skazanie_ob_omare_hayyame.html

Эронда жуда мукаммал билим олган бу киши менга чин кўнгилдан эътироф қилиб, ҳозирги форслар унинг (Умар Хайёмнинг-Ш. Шомухамедов.) шеърларини ўқиганларида уни Хўжа Насриддинга ўхшаган хушчақчақ, масхарабоз киши сифатида тасаввур қиладилар. Ҳиндистонда эса уни авлиё-сўфий санаб нашр этадилар. Мен то “Эрон ва Эрон адабиёти тарихи” китобини рус тилида мутолаа қилмагунимча, Умар Хайёмнинг улуғ олим, теран фикрли файласуф, донишманд эканлигини хаёлимга ҳам келтирмаган эдим”¹, деди.

Умар Хайёмнинг буюк файласуф сифатидаги сиймоси айрим ўрта аср манбаларидан мустасно тарзда, асосан, ўзидан бир неча аср кейин, даставвал Европа мамлакатларида тарқалди. Кўпчилик Фарб тадқиқотчилари унинг илмий асарларидан хабардор бўлган ҳолда, асосан унинг таълимоти устида тадқиқотлар олиб бордилар.

Дунёда, шу жумладан, жаҳон маданияти ва илм фанида буюк олим ва мутафаккир Умар Хайём диалектик тафаккурни, этика ва эстетика фанларини ривожлантирган файласуф сифатида кўпроқ шуҳрат топган. Аллома ҳаёти ва ижодини чуқурроқ ўрганиб, илмий кашфиётларини кенг таҳлил этиб, монография нашр этган математик ва тарихчи олимлар Б.А.Розенфельд ва А.П.Юшкевич ёзишча², Умар Хайёмнинг асарларидаги ғоялардан буюк инглиз ёзувчиси В.Шекспир “Ҳамлет” ва бошқа асарларида фойдаланган. Масалан, драма қаҳрамони сохта қирол Полоний айтадики, биз ўзимизни тўйдириш учун бошқа ҳайвонларни боқамиз. Бизни эса ўлганимиздан кейин чувалчанглар, курт-кумурсақалар ейди. Балиқни тутиш учун уларни чувалчанг билан боқадилар. Чувалчанг еган балиқни одамлар еб, охири ўзлари яна қабрга чувалчангга ем бўладилар ва ҳоказо. Шекспир асаридаги қабристон манзарасида Ҳамлет дўсти Горацио билан суҳбатида подшоҳ Искандарнинг хоки бир замонлар келиб, тупроққа айланиб, деворнинг ёригини ёпишга ярайдиган бир ҳовуч лой бўлиб қолиши мумкин дейди. Бу Умар Хайём таълимотининг ғоясидир. У мана шундай чуқур ёндашув, ақл ва заковатга эга

¹ Шомухамедов Ш. Умар Хайём (ҳаёти ва ижоди). – Т: Фан, 1962. – Б. 55

² Розенфельд Б.А., Юшкевич А.П. Умар Хайём. – М.: Наука, 1965. –Б. 192

бўлган мутафаккирдир.

Умар Хайём асарлари таржималарини ўрганишда тадқиқотчилар кўпроқ Э.Фитцжералд таржималари устида фикр билдирганлар. Жумладан, рус олими В.Н.Зайцевнинг “Умар Хайём ва Эдуард Фитцжералд”, Н.Комилов ишларини алоҳида кўрсатиш мумкин.

Умар Хайём дунёқарашининг ғоявий салафлари Нажмиддин Комиловнинг изланишларида¹ кўпроқ учрайди.

Нажмиддин Комилов Умар Хайёмнинг ўзига, унинг устози Абу Али ибн Синонинг ўзи ҳақида айтган “Мен шунчалик улғайдимки, олам менга сиғди-ю, аммо мен оламга сиғмадим”, деган сўзларига таяниб, “Умар Хайём ҳам шундай дея оларди”, деган фикрни билдиради ва Умар Хайём дунёқарашини тушунишдаги зиддиятларни жамият маънавий қашшоқлиги билан жамиятдан беқиёс илгарилаб кетган тафаккур орасидаги зиддият фожиаси дея баҳолайди.²

Мутафаккир меросини бугунги кун нуқтаи-назаридан илмий таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ушбу масалани ёритишда куйидаги вазифаларни бажариш муҳимдир:

биринчидан, Умар Хайёмнинг халқимиз маънавий-маданий, ижтимоий-фалсафий тарихида тутган ўрни ва аҳамияти;

иккинчидан, миллий юксалиш жараёнида халқнинг ўз ўтмишини англаш эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда муаммони таҳлил этиш;

учинчидан, шахс ва жамият муаммосига тарихан холисона илмий-фалсафий ёндашиб, халқ менталитети нуқтаи - назаридан таҳлил қилиш;

Умар Хайём асарларидаги ғоялар назариясининг муҳим жиҳатларини яхлит ҳолда кўрсатиб берилган. Қулай ва мантиқан боғланган шаклда таҳлил ва талқин қилинган. Манбалардан кенг фойдаланган ҳолда уларнинг таҳлили келтирилган.

¹Комилов Н. Тафаккур қарвонлари. – Т: Маънавият.1999. -Б. 193

²Комилов Н. Тафаккур қарвонлари. – Т: Маънавият, 1999. -Б. 193

Умар Хайёмнинг илмий мероси кўлами кенг бўлиб, қуйида бизгача сақланиб қолган асарлари келтирилган:

1. “Мушкилот ал-ҳисоб”.
2. “Ал-жабрга доир рисола”.
3. “Рисола фил бароҳин ала масоил ал – жабр вал – муқобала”. (*“Ал-жабрга доир масалаларни исботлаш ҳақида рисола”*. Бу рисола Парижда, Лейден кутубхонасида, Лондонда ҳинд маҳкамаси кутубхонасида, Римда, Ватикан кутубхонасида, Нью-Йоркда, профессор Д.Ю.Смит кутубхонасида сақланади).
4. “Шарҳ ал-мушкул мин китоб ал-муסיқий”. (*“Муסיқа китобидаги мушкул ўринларнинг шарҳи”*).
5. “Шарҳи мушкила мин мўҳодирот китоби Уқлидус”. (*“Эвклид китоби муқаддималаридаги мушкилликлар шарҳи”*).
6. “Мухтасар фит-табиат”. (*“Қисқа физика дарслиги”*).
7. “Мезонул ҳикам”. (*“Илми ҳикмат-фалсафа мезонлари”*).
8. “Лавозимул амокина”. (*“Маконлар ҳақида энг зарур билимлар, географияга оид рисола”*).
9. “Борлиқ ва зарурият рисоласи”. (*Қоҳира, Нуриддин Мустафо кутубхонасида*).
10. “Ал-жавоб ва саласал масоил”. (*“Уч масаланинг жавоби”*).
11. “Аз-зиё ал-ақлий фи мавзу ул-илм ал-куллий”. (*“Барча ақлий фанларнинг мавзуси ҳақида ёритгич китоб”*).
12. “Рисола фил-вужуд”. (*Фалсафий рисола. Берлин давлат кутубхонасида, Эроннинг Мажлис кутубхонасида*).
13. “Зижи Маликшоҳий”. (*Астрономияга доир рисола*).
14. “Рисола фи куллиёт ил-вужуд”. (*“Борлиқнинг умумийлиги ҳақида рисола”*).

15. “Наврўзнома”. (Берлин давлат кутубхонасида, Лондон кутубхонасида. Асар ўзбек тилига Урфон Отахон томонидан таржима қилинган)¹.

Шу билан бирга турли манбаларда номи тилга олинган асарлари ҳам мавжуд:

- “Олтин ва кумушнинг моеъхода миқдорини аниқлаш санъати ҳақида” (“Дар бораи санъати муайян кардани миқдори тилло ва нукра дар моеъҳо”) рисола;

- “Абулфатҳ Умар ибн ал Хайём рисоласи”;

- “Ҳисобнинг қийин масалалари” асари;

- “Абул-Фатҳ Умар ибн Хайёмнинг талқини” асари.

УМАР ХАЙЁМ ШАҲСИНИНГ ТУРЛИ ДАВРЛАРДА ЎРГАНИЛГАНЛИК ДАРАЖАСИ

т/р	Мутафаккир, олим ва тадқиқотчилар	Эътироф этилган асарлар
XI-XII асрлар, ўзининг замондошлари		
1.	Рашидий	ғазал, рубоий ва тўртликлар
2.	Анварий	ғазал, рубоий ва тўртликлар
3.	Рашидуддин Ватвот	“Ҳадоийқ ус-сеҳр”
4.	Сўзаний Самарқандий	ғазал, рубоий ва тўртликлар
5.	Абдулла Ансорий	ғазал, рубоий ва тўртликлар
6.	Нажмиддин Умар Абу Ҳафс ан-Насафий (1068-1142 йй)	“Китоб ал-қанд фи зикри уламои Самарқанд” (“Самарқанд олимлари ҳақида қанддек (ширин) китоб”)
7.	Абу Саъад Абдул Карим ас-Самъоний (1113–1167 йй)	“Ал-Ансоб” номли улкан асарида келтирилган элликка яқин Мовароуннаҳрлик олимларнинг таржимаи ҳолларини бевосита мазкур асардан олган.
XIII-XIV асрлар		
1.	Давлатшоҳ Самарқандий	“Тазкират уш-шуаро” асарида

¹ Умар Хайём Нишопурий – Шарқнинг буюк мутафаккири: халқаро илмий анжуман материаллари. – Т: – Техрон . Ал – худо, Мовароуннаҳр, Маҳкам Маҳмуд, Мукаррам Нурматова. Умар Хайём ва унинг даври. 2004. –Б. 110-111

2.	Низомий Арузий Самарқандий	“Чаҳор мақола” асарида
3.	Байҳақий, Абулҳасан Алй ибни Зайд	“Татиммату савонил-ҳикма” асари, 66 бет.
4.	Лутфалибек Озарбекдили	“Оташкада” асарида
5.	Муҳаммад Калом Исфаҳоний	“Мунис ал-аҳрор фи дақоик ал-ашъор” асарида
6.	Муҳаммад Авфий	“Лубоб ул-албоб” асарида
XV-XVI асрлар		
1.	Нуриддин Абдурахмон Жомий	“Баҳористон” асарида
2.	Алишер Навоий	“Мажолисун нафойис” асарида
3.	Муҳаммад Сиддик Ҳасанхон Баҳодир	“Нигористони суҳан” асарида
4.	Восифий	“Бадоеъ ул-вақоеъ” асарида
5.	Ҳусайн Воиз Кошифий	“Футувватномаи султоний” асарида
6.	Муҳаммад бин Зикр Кошоний	“Хулосат ул-ашъор ва зубдат ул-афкор” асарида
7.	Амин Аҳмад Розий	“Ҳафт иқлим” асарида
8.	Ризоқулихон Ҳидоят	“Мажма ул-фусаҳо” асарида
9.	Муҳаммад Ориф Лиқоий	“Мажма ул-фузало” асарида
XIX-XX асрлар		
1.	Абдурауф Фитрат	Форс шоири Умар Хайём, Ўз. Дав.нашр, Самарқанд – Тошкент.: 1929 йил.
2.	Садриддин Айний	“Намунаи адабиёти тожик” асарида
3.	Е.Э.Бертельс	“История персидско-таджикской литературы” асарида
4.	Алиев Р.М., Османов М.Н.	Омар Хайям. – М.: Акад. Наук СССР, 1959 г.
5.	Розенфельд Б.А., Юшкевич А.П.	Омар Хайям.–М: Наука, 1965 г.
6.	М.Сувейси	Адаб ал-улама: ал-Бируни ва Умар ал-Хайям. Либия Тунис: ад-Дар ал-арабийя ли-л-китаб. 1397/1977.-164 с. 331.
7.	Фаррух Умар	Тарих ал-адаб ал-араби. ал-Асур ал-аббасия (132/750-399/1008). Фи арбаи муджалладат. ат-Таба ар-раба. Бейрут: Дар ал-илм ли-л-малайин. 1400/1980.
8.	Рашидии Табризӣ, Ёрахмад Ҳусейн	Тарабхона. Рубоиёти ҳақим Умари Хайёми Нишопурий. Техрон (б.т.).

9.	Бекзод Комил	Фалсафаи ҳаким Умари Хайём. Умари Хайём: ҳаким, олим ва адиб. Душанбе. Шарқи озод. 2002. С 95-113.
10.	Ш.Шомухамедов	Умар Хайём (ҳаёти ва ижоди). – Т.: Ўзбекистон ССР фанлар академияси нашриёти. Тошкент – 1962 йил.
11.	М.Аҳадова	Умар Хайём – Математик олим. “Ўзбекистон” нашриёти. Тошкент – 1972 йил.
12.	В.Зайцев	Омар Хайям и Эдуард Фитцджералд. Запад и Восток -Н: Восточная литература. 1989, 115.
13.	Н.Комилов	Тафаккур карвонлари. -Т.: “Маънавият” нашриёти.1999,160-2176.
14.	Э.Очилов	Рубоий таржимасида шакл ва мазмун бирлиги. -Т.: Автореферат. 1995.
15.	Н.Отажонов, И.Эшонова	Шарқдаги Фалсафий шеърятни таржима қилиш муаммоларига доир тавсиянома (Умар Хайём рубоийларини қиёсий тадқиқот) -Т.: 1990 й.
16.	Б.Искандаров	Ўрта Осиёда фалсафий ва ижтимоий – сиёсий фикрнинг шаклланиши ва ривожланиши тарихидан лавҳалар.–Т.: Ўзбекистон, 1993 йил.
17.	Р.Убайдуллаев	Ўзбекистонликларнинг миллий ўзлиги: Социологик тадқиқот. – Т.: “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази, 2004 йил.
18.	М.Эшонова	Умар Хайём ва Шарқ-Ғарб адабий алоқалари. Дисс. автореферати 2000 йил.
19.	А.Чориев	Тасаввуф фалсафасида инсон қиёфаси: Ўқув қўлланма.–Қарши, 1997 йил.
20.	Ҳамиджон Ҳомидий.	Кўхна Шарқ Дарғалари. Бадий – илмий лавҳалар “Шарқ” нашриёти, Тошкент – 1999 йил.
21.	В.Алимасов	Фалсафа ёхуд фикрлаш санъти. Гносеологик изланишлар. Мақолалар. Эсселар. Битиклар. “Ношир” нашриёти, Тошкент – 2008 йил.
22.	Эгамберди Манноп	Умар Хайём изидан. Рубоийлар, Қитъалар, Маснавийлар. “Фан” нашриёти, 2003 йил.

Умар Хайём асарларининг мавжуд нусхалари сақланаётган кутубхоналар

т/р	Асарнинг номи	Кутубхоналар номи
1.	“Рисола фил бароҳин ала масоил ал-жабр вал-муқобала” (<i>“Ал-жабрга доир масалаларни исботлаш ҳақида рисола”</i>) асари	1.Парижда, Лейден кутубхонасида; 2.Лондонда ҳинд маҳкамаси кутубхонасида; 3.Римда, Ватикан кутубхонасида; 4.Нью-Йоркда, профессор Д.Ю.Смит кутубхонасида.
2.	“Борлиқ ва зарурият рисоласи” асари.	Қоҳира, Нуриддин Мустафо кутубхонасида.
3.	“Рисола фил-вужуд” асари (<i>Фалсафий рисола</i>).	1.Берлин давлат кутубхонасида; 2.Эрон, Мажлис кутубхонасида.
4.	“Наврўзнома” асари (<i>Ўзбек тилига Урфон Отахон таржимаси</i>).	1.Берлин давлат кутубхонасида; 2.Лондон кутубхонасида.

Мутафаккирнинг меросини бугунги кун нуқтаи-назаридан илмий таҳлил қилиб қуйидаги хулосага келдик:

- Умар Хайёмнинг халқимиз маънавий-маданий, ижтимоий-фалсафий тарихида тутган ўрни ва аҳамияти;
- миллий юксалиш жараёнида халқнинг ўз ўтмишини англаш эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда муаммони таҳлил этиш;
- шахс ва жамият муаммосига тарихан ҳолисона илмий-фалсафий ёндашиб, халқ менталитети нуқтаи - назаридан таҳлил қилиш;

I боб бўйича хулоса

Биринчидан, Умар Хайём дунёқараши шаклланишининг тарихий шароитлари: Умар Хайём яшаган давр XI-XII асрларда Сомоний, Қорахоний, Салжуқийлар ҳукмронлигини ўз ичига олган даврга тўғри келади;

Иккинчидан, илк Уйғониш даври Шарқ давлатлари Ал-Киндий, Форобий, Беруний, Абу Али ибн Сино каби мутафаккирлари томонидан юнон файласуфларининг фалсафий асарларини араб тилига таржима қилиниши ва ўрганилиши Умар Хайёмнинг фалсафий қарашларининг шаклланишига катта таъсир кўрсатган;

Учинчидан, Умар Хайём яшаган даврда тасаввуф мазхаблари шаклланган ва ривожланган бўлиб, Умар Хайёмнинг маънавий-ахлоқий қарашларига таъсир кўрсатган;

Тўртинчидан, Умар Хайём яшаган давр салжуқийлар даврининг энг ривожланган даврига тўғри келганлиги учун мутафаккир фалсафа, математика, ҳандаса, астрономия каби фанларга оид кўпгина тадқиқотлар олиб борган.

II БОБ. УМАР ХАЙЁМНИНГ ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИ

Мазкур бобда Умар Хайём илмий-маънавий меросининг фалсафий жиҳатлари таҳлил қилинган бўлиб унда фалсафанинг асосий муаммолари - онтология ва гносеология масалалари таҳлил этилган. Маълумки, инсон ўзининг илмий фаолияти, воқеликни билиш иштиёқи билан барча мавжуд жонзотлардан ажралиб туради ва улар устидан ўз салтанатини ўрнатади. Умар Хайём инсон онгида мавжуд ҳодисаларни инъикос этиш ҳақидаги қарашларига эътибор қаратиб, айниқса, унинг сезги ва ақл инсон билимини кудратли воситалари эканлигига урғу беради.

Умар Хайёмнинг фалсафа, борлиққа оид қарашлари шарқнинг буюк мутафаккир ва олимлари, жумладан, Форобий ва Абу Али ибн Сино ғоялари асосида таҳлил қилинган. Инсон ва эркин ирода масалалари кенг ва ҳар томонлама ёритилган.

2.1. Мутафаккирнинг онтологик ва гносеологик қарашлари.

Онтология ва гносеология фалсафанинг асосий категорияларидир. Борлиқ олам ва ҳар қандай турдаги мавжудликни ифодалайдиган фалсафий тушунчадир. Мифология, дин ва натурфалсафада мавжудликнинг манбаи нима, деган муаммони ҳал этишга уринишлар бўлган. Фалсафа ҳақиқий борлиқни англаш ва уни идрок этишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди¹.

Дунёнинг абадийлиги ёки ўткинчилиги, унинг макон ва замонда чекланган ёки чексизлиги тўғрисидаги қарашлар инсоният тарихида дастлаб афсоналар ва диний қарашларда, кейинчалик фалсафа ва бошқа фанларда ифодаланиб, муҳокама қилиниб келинган. Бу муҳокамаларнинг ҳаммаси пировард оқибатда борлиқ муаммосига бориб тақалаверган. Уларнинг барчасининг мантиқий хулосаси шуки, дунё доимий, абадийдир. Аммо шу абадий дунёдаги барча нарсалар, турли-туман жонсиз ва жонли организмлар, инсонлар ва уларнинг фаолияти ҳатто, бир бутун жамият ҳам, шубҳасиз,

¹ Фалсафа комусий луғат. – Т: Шарқ. 2004. – Б. 57

вақтинча, ўткинчидир. Демак, борлиқ абадий, аммо ундаги барча нарсалар ўзгаришда ва ривожланишда, бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга, бир турдан иккинчи турга ўтишда, чунки улар бордан йўқ, йўқдан бор бўлмайди.

Форобий ва Абу Али ибн Сино борлиқ муаммосини “вужуди вожиб” ва “вужуди мумкин” таълимотидан келиб чиққан ҳолда тушунтирадилар. Уларнинг фикрича, “вужуди вожиб” барча мавжуд ёки пайдо бўлиши мумкин бўлган нарса, жисм ва моддаларнинг биринчи сабабчисидир. Форобий худога биринчи сабаб, биринчи моҳият, деб таъриф беради. Худо биринчи сабаб сифатида бошқа сабаб ва турткига муҳтож эмас. У яратади, лекин бошқа нарсалар томонидан яратилмайди. Аллоҳнинг зотиға қарама-қаршилиқ, зиддият, турли нуқсонлар, беқарорлик ва бошқа жараёнлар ҳос эмас. “Вужуди мумкин” эса барча яратилган, мавжуд бўлган ва яратилажак нарса ва ашёларни англатади. Шундай қилиб, Форобийнинг борлиқ ҳақидаги таълимоти кейинги даврларда ҳурфикрликнинг кенг қулоқ ёзишида муҳим аҳамиятга эга бўлиб¹ бугунги кунга қадар ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда.

Абу Али ибн Сино дунёқараши Форобий асарлари таъсирида шаклланди, у ижтимоий-фалсафий масалаларда Форобий қарашларини давом эттирди, илғор фалсафий оқимни янги табиий-илмий фикрлар билан бойитиб системалаштирди ва янги босқичга кўтарди. Абу Али ибн Сино фикрича, фалсафанинг вазифасига мавжудотни-барча мавжуд нарсаларни, уларнинг келиб чиқиши, тартиби, ўзаро муносабати, биридан иккинчисига ўтишини ҳар томонлама текшириш учун зарурият, имконият, воқелик, сабабият принципларини асос қилиб олди. Оламда барча мавжуд нарсалар иккига бўлинади: зарурий вужуд (вужуди вожиб) ва имконий вужуд (вужуди мумкин). Зарурий вужуд ҳеч нарсага боғлиқ бўлмаган бир бутунликни ташкил этиб, у энг иродали, қудратли, доно Тангридир, қолган ҳамма нарсалар имконий тарзда мавжуд бўлиб, зарурий вужуд - Тангридан келиб чиқади. “Вужуди вожиб” ва “вужуди мумкин” - сабаб ва оқибат муносабатидадир.

¹ <https://qomus.info/encyclopedia/cat-f/forobiy-uz/>

“Борлиқ” тушунчаси тасаввуфда бу тушунча ваҳдати вужуд, ваҳдати шуҳуд ва ваҳдати мавжуд назарияси сифатида ёритилган. Мазкур назария фалсафий ва ирфоний асосларга таянади.

Баъзи файласуфлар яратувчи тангрини олам вужудидан ташқари билсалар, баъзилари эса уни олам вужудининг бири, лекин энг кучли ва шиддатли мартабада турувчи деб, фикр билдирадилар. Баъзилар бу назариядан баъзи бир муаммолар келиб чиқишини назарда тутиб, вужуднинг бирлиги ва мавжудотнинг кўплиги ҳақидаги таълимотни илгари сурганлар. Уларнинг фикрига кўра, фақатгина биргина вужуд чегарасиз бир уммон бўлиб, барча мавжудот унинг тўпламлари ҳисобланади¹.

Умар Хайёмнинг фалсафа, борлиққа оид қарашлари кўп жиҳатдан ўзи устоз деб тан олган Абу Али ибн Сино ҳамда Форобийнинг ғоялари билан уйғун ёки ўзи китобларини шарҳлаган салафларининг қарашлари билан издош сифатида тўлиқ ҳамоҳанг деб бўлмайди. Мутафаккирнинг ўзига хос фалсафаси борлиққа оид қарашларида ўзининг аксини топган.

Мутафаккирнинг онтологик ва гносеологик қарашлари, ўзига хос тарзда баён этилган. Жумладан ўзининг фалсафий фикрлари орқали инсонга етказиб бериши, олам ва унда одамнинг ўрни, борлиқ муаммосига Умар Хайёмнинг илмий мероси кўламини бизгача сақланиб қолган асосий фалсафий асарларининг номидан ҳам пайқаш мумкин. Мутафаккирнинг фалсафа ва мантиқ илмига оид асарлари қуйидагиларни ташкил этади.

1. “Рисола фил-вужуд” асари.
2. “Борлиқ ва зарурият рисоласи” асари.
3. “Рисола фи куллиёт ил-вужуд” асари. (“Борлиқнинг умумийлиги ҳақида рисола”) асари.
4. “Шархи мушкила мин муходирот китоби Уқлидус” асари. (“Эвклид китоби муқаддималаридаги мушкилликлар шархи”) асари.
5. “Мезонул ҳикам” (“Илми ҳикмат-фалсафа мезонлари”) асари.

¹ Эркин Зоиров. Маҳдуми Аъзамнинг фалсафий ва ижтимоий-сиёсий қарашлари. – Т: Турон замин зиё нашр, 2015. –Б. 36-37

6. “Ал-жавоб ва саласал масоил” (“Уч масаланинг жавоби”) асари.

7. “Аз-зиё ал-ақлий фи мавзу ул-илм ал-куллий” асари. (“Барча ақлий фанларнинг мавзуси ҳақида ёритгич китоб”) асари.

8. “Наврўзнома” асари.

Асарларда асосан борлиқ, инсон, жамият, ақл, билиш, ахлоққа доир фикр мулоҳазалар кенг ўрин олган.

Умар Хайём таълимотида барча моддий нарсалар - материя 6 гуруҳга бўлинган:

- 1) осмон жисмлари;
- 2) ақлли маҳлуқот;
- 3) ақлсиз маҳлуқот;
- 4) ўсимликлар;
- 5) маъданлар;
- 6) тўрт унсур: - ҳаво, сув, ер, олов.

Тўрт унсур материя турларининг энг содда ва бошланғичи бўлиб, моддийликнинг асосини ташкил этади. Моддий нарсаларнинг қолган 5 гуруҳи эса бошланғич 4 унсурнинг турли хил қўшилувидан вужудга келади. Жисмлар ўзгариши, бўлиниши, ажралиши, йўқ бўлиб кетиши, янгидан вужудга келиши мумкин, лекин бошланғич 4 унсур йўқ бўлмайди. Бу таълимот ўрта аср маънавий ҳаётида муҳим рол ўйнаган¹.

Форобий табиат, ашё ва жисмлар турли шакллари муайян изчиллик ва зарурият бўйича юз берадиган тадрижий жараёнлар асосида пайдо бўлади, деб ҳисоблайди. Бутун мавжудотни сабаб-оқибат нуқтаи-назаридан 6 даража (сабаб)га бўлади: худо - биринчи сабаб; иккинчи сабаб эса осмон жинслари, сўнг фаол ақл, жон (аннафс), шакл (ассурат), модда ёки ашёлар (алмодда). Худо-вожибул вужуд, яъни зарурий мавжудлик бўлса, қолганлари-вужуди мумкин, яъни имконий мавжуд нарсалардир. Булар бир-бири билан сабабий боғланган. Худо, яъни “вужуди вожиб” биринчи бўлиб ақл фаолни яратади. Ақл эса ҳар бир сайёрага хос ақлни яратади. Энг сўнгги самовий ақл

¹ “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”. Давлат илмий нашриёти, 2000. –Б. 252

натижасида ердаги ақл, рух ва барча моддий жисмлар, яъни 4 унсур: тупроқ, ҳаво, олов, сув пайдо бўлади. 4 унсурдан эса наботот олами, ҳайвонот олами, инсон зоти ва нотирик табиат вужудга келади. Органик оламга ўсимлик руҳи, ҳайвоний рух ва инсоний рух хосдир. Жисмларга ҳаракат хос бўлиб, улар ўзаро бир-бири билан боғланган.

Умар Хайёмнинг ижодига кенгроқ назар ташласак, унда ёрқин фалсафий ёндашувларнинг гувоҳи бўламиз. Умар Хайём материянинг йўқолмаслиги, унинг бир суратдан иккинчи суратга ўтиб юриши, одам ҳам вафот этгач, шу моддий дунёдаги ўлик жисмларга қўшилиб кетиши, бу нуқтаи-назардан тирик ва ўлик табиат орасида кескин чегара йўқлигини эътироф қилади. Объектив дунёнинг киши онгидан ташқарида мавжудлигини, унинг абадий ва азалий эканлигини тасдиқлашда яққол кўриниб туради:

Бизлар бўлмасак ҳам жаҳон бўлғуси,

Бизлардан на ному нишон бўлғуси.

Аввал-ку йўқ эдик - етмовди ҳалал,

Яна бўлмасак ҳам ҳамон бўлғуси.¹

Яна:

Сен-мендан олдин ҳам тун-кун бор эди,

Айланган фалак ҳам бутун бор эди.

Тупроққа авайлаб қадамнингни қўй,

Бу тупроқ қаро кўз - бир нигор эди.²

Абу Али ибн Сино фикрича, материя доим вужудга келиши мумкин бўлган нарсалардан аввал мавжуд бўлиб, бу нарсалар уларни ташкил этувчи материяга муҳтождир. Материянинг энг содда, бўлакларга бўлинмайдиган шакли тўрт унсур: ҳаво, олов, сув, тупроқдан иборат. Уларнинг турлича ўзаро бирикуви натижасида мураккаб моддий нарсалар ташкил топади. Мураккаб нарсалар ўзгариб, турли шаклларга эга бўлиши мумкин, лекин

¹ Умар Хайём. Рубоийлар. – Т.: Бадиий адабиёт, 1971. – Б. 285

² Умар Хайём. Рубоийлар. – Т.: Бадиий адабиёт, 1971.- Б. 168

уларнинг моддий асоси бўлган тўрт унсур йўқолмайди, абадий сақланади. Унинг фикрича, аввал тоғ-тошлар, сўнг ўсимлик, ҳайвонот ва тараққиётнинг якуни сифатида инсон вужудга келган. Инсон бошқа барча ҳайвонот олаmidан сўзи, тили, ақли ва тафаккур қилиши билан фарқ қилади.

Умар Хайём асарларида материянинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиб юришини аниқ кўрсатиб беради. Унингча, одам ўлгандан кейин тупроққа айланади. Заминда инсон танасининг заррачалари бор. Улар ердан униб чиққан гиёҳлар, экинлар воситаси билан яна одам танасига ўтади ва ҳоказо, материя айланиб юради:

Жонимиз бу танни тарк этиб кетар,
Икки ғишт гўримиз кўзин беркитар,
Кейин бошқа гўрга ғишт қўймоқ учун
Бизнинг тупроқларни эзиб лой этар.¹

Умар Хайём, айниқса, юқоридаги фикрни кўза тимсоли орқали ёрқин ифодалайди. Ғарбда унинг бундай шеърлари “Кўзанома” номи билан машҳур. Умар Хайём буларда одам танаси тупроққа айланиб кетгач, ундан бошқа нарсалар қатори, кўзалар ҳам ясалиши мумкинлигини қайта-қайта таъкидлайди:

Кўза-ю косангни кўтар, эй дилдор,
Кўклам сув бўйи, салқин жойга бор.
Бу чарх кўп сарв қад, ой юзликларни
Гоҳ кўза, гоҳ коса қилмиш неча бор.²

Мутафаккир қарашларини таҳлил қилганимизда умр бўйи моҳиятни излаганига амин бўламиз. Инсон ўлганидан кейин унинг руҳи умумий руҳга, танаси эса чириб тупроққа, умумий кулга қўшилиб кетади. Умар Хайём дунёқарашининг ажиб нуқтаси бу теран фикрларини юксак ифода эта олишда ҳамдир. У бир рубойда биз босиб юрган ернинг ҳар бир гарди қачонлардир шоҳларнинг боши, ё гадоларнинг кўли, ё гўзалларнинг кўз қорачиғи

¹ Умар Хайём. Рубойлар. Форс тилидан Ш.Шомухамедов таржимаси. – Т: Ўзбекистон, 1976. – Б. 9

² Умар Хайём. Рубойлар. – Т.: Бадиий адабиёт, 1971. – Б. 90

бўлгандир, деб айтади. Умар Хайём кўкатлар устидан босиб борар ёки йўл устидан ажойиб қасрларга назар ташлар экан, уларда шоҳлар бошини, гадолар қўлини, гўзаллар юзини кўради.

Тупроқни топтайди нодон оёғи,
Билмаски-бу жонон юзин тупроғи.
Саройлик кунгурасин беаган ҳар ғишт –
Султон қалласи, ё вазир бармоғи.¹

Тупроқ, сув, олов, ҳаво унсурларининг турли тарзда бир-бири билан бирлашуви, хилма-хил алоқада бўлиши туфайли оламнинг хилма-хиллиги юзага келади, нарсаларнинг моддий бирлиги таъминланади. Тупроқнинг, айниқса, ривожланиш жараёнидаги мавқеи бениҳоя муҳимдир. Тупроқ Умар Хайём таълимотининг етакчи мавзуси саналади. Масалан, улардан бирида мутафаккир қуйидагиларни ёзади:

Кулол дўконига кирдим, кўзагар
Лой ишлар, кўрсатиб ажойиб ҳунар.
Ҳеч ким кўрмагани мен кўриб қолдим,
Ота-бобом лойин қўлида эзар.²

Умар Хайём фикрича, нарса-ашёларнинг ўзаро алоқадорлигидан минераллар, ўсимликлар, ҳайвонлар, инсон зоти юзага келади. Табиат ва жамиятдаги барча ўзгаришларнинг негизи ҳаракатдир. Жисмларнинг ҳаракати фазо ва вақтда содир бўлади.³

Бизлар қўғирчоғу, фалак қўғирчоқбоз.
Бу сўзим чин сўздир, эмасдир мажоз.
Йўқлик сандуғига бир-бир тушамиз,
Вужуд палосида ўйнагач бир оз.⁴

¹ Шомухамедов Ш. Умар Хайём (ҳаёти ва ижоди). – Т: Фан, 1962. – Б. 53

² Умар Хайём. Рубойлар. – Т: Бадий адабиёт, 1971. – Б. 41

³ Носиров Р.Н., “Умар Хайёмнинг илмий – маърифий қарашлари”. Умар Хайём Нишопурий – Шаркнинг буюк мутафаккири: халқаро илмий анжуман материаллари. – Т:-Техрон: Ал – худо ва Мовароуннахр нашр, 2004. – Б. 27-28

⁴ Умар Хайём. Рубойлар. – Т: Ўзбекистон, 2018.- Б. 149

Умар Хайём борлиқ ҳақида фалсафий қарашларида Форобий ва Абу Али ибн Синонинг “вужуди вожиб” ва “вужуди мумкин”нинг ўзаро нисбати ҳақидаги ғояларига мурожаат қилади.

Умар Хайём фикрига кўра, “Вужуди мумкин”- яратилган олам ашёлари мустақил борлиқ эмас. Унинг мавжудлиги “вужуди вожиб”, яъни, яратган вужудга бориб тақалади. Лекин шу билан бирга, биринчи сабаб оқибат келтириб чиққан тақдирдагина “вужуди вожиб”га айланади. Аммо мумкин нарсаларнинг сабабий алоқадорлиги чексиз давом этиши ёки доира бўйлаб амал қилиши мумкин эмас. У охир-пировард “вужуди вожиб”га бориб тугайди.

Умар Хайём “Борлиқ ва маъсулият” асарида оламни яратувчиси тангри ҳақида шундай деб ёзади “Аслида барча нарсаларнинг сабаби ҳеч қандай сабабга муҳтож бўлмаган бирламчи сабабга олиб келади. Илоҳий билимларда бундай сабаб фақат мавжуд бўлган нарсаларнинг зарурий сабаби деб ҳисобланади”.¹

“Нега” деган саволни барча нарсаларнинг зарурий сабабига бериб бўлмайди. Умар Хайём фикрича барча мавжуд нарсалар зарурий мавжуддан келиб чиқади, уларнинг пайдо бўлиши эманация назариясига биноан тадрижий ҳолатда зинапоя шаклида содир бўлади. Умар Хайём шундай деб ёзади: “Шундай қилиб оламдаги барча нарсалар яратганнинг саховати ва муруватидан пайдо бўлади ва биз бу масалада бошқа ҳеч нарса деёлмаймиз, чунки “нега” деган саволни тангрига нисбатан ишлатиб бўлмайди”² деб таъкидлайди.

Олам Аллоҳнинг меҳру саховати ёрдамида яратилган экан ундаги барча мавжуд бўлган нарсалар бир-бирига тенг эмас, бошқача қилиб айтганда, Аллоҳ нарсаларни биринма-кетин зинапоя шаклида яратади. Ушбу жойда Умар Хайём борлиқнинг яратилиши борасида эманация назариясини қуйидагича изоҳлайди. “Борлиқдаги мавжуд нарсалар Аллоҳ томонидан бир

¹Умар Хайём. “Борлиқ ва маъсулият” асари. Розенфельд Б.А., Юшкевич А.П. Памятники литературы народов востока. – М.: Издательство восточной литературы, 1961.- С. 154-155.

²Розенфельд Б.А., Юшкевич А.П. Памятники литературы народов востока. – М.: Издательство восточной литературы, 1961.- С. 196.155.

пайтнинг ўзида яратилмаган, балки улар юқоридан пастга қараб аста-секин бир тартибда пайдо бўлади. Биринчи бўлиб соф ақл яратилади, чунки у бирламчи сабабга энг яқин туради, кейин эса бирламчи сабабдан узоқлашиб борар экан мавжудликнинг ўткинчи моддий нарсаларини яратади ва ниҳоят бу моддий фоний оламда Аллоҳга энг яқин бўлган инсонни яратади. Яратиш жараёни узоқ пайтга чўзилади, чунки бу жараёнда хилма-хил, бир-бирига зид бўлган нарсалар яратилади, агар улар бир вақтнинг ўзида яратилганида улардаги зиддиятлар бир-бирини йўқ қилиб юборар эди. Агар тангри нега борликда бундай бир-бирига карама-қарши нарсаларни яратди деган савол туғилса жавоб қуйидагича бўлар эди. Ёвузликнинг ўзи ҳам эзгуликка йўл очиб беради, шунинг учун ундан воз кечиш катта хато бўлади. Аллоҳ барча нарсаларни мукамал қилиб яратди, лекин улар бир-биридан зарурий мавжудликка яқинлиги жиҳатидан бир-биридан фарқ қиладилар”¹.

Шундай қилиб юқорида келтирилган лавҳадан Умар Хайёмнинг борлик ҳақидаги қарашларига неоплатонизм эманацион назарияси хослигини кўришимиз мумкин. Бу назарияга биноан борлик зарурий мавжудлик ёки бошқача қилиб айтганда Аллоҳ томонидан босқичма-босқич бир даражадан куйироқ бир даражага қараб яратилган. Шунинг учун “борликдаги барча мавжудотлар ўзининг яратилиши бўйича бир-биридан фарқ қилади, лекин уларнинг барчасида яратувчининг меҳри-муҳаббати ҳамда саҳовати туфайли мукамаллик мавжуд, бу мукамаллик уларнинг ички моҳиятида яширинган”².

Борликнинг тадрижий ўзгаришига қадар ривожланиш жараёни руҳдан, ақлдан ашёвий борликқа қараб, сўнгра эса моддийликдан инсон руҳи, ақлига қараб йўналиб боради.³ Биринчи борлик, биринчи сабаб-Тангри таъоло. Унинг асли, зотининг таърифи йўқ. Яратганни яратилган биронта нарса билан қиёслаш мумкин эмас. Бордию уни мавжуд нарсаларга қиёслаш

¹Розенфельд Б.А., Юшкевич А.П. Памятники литературы народов востока. – М.: Издательство восточной литературы, 1961.- С. 156-157.

²Умар Хайём. “Борлик ва маъсулият” асари. Розенфельд Б.А., Юшкевич А.П. Памятники литературы народов востока. – М.: Издательство восточной литературы, 1961.- С. 1961. 156.

³Умар Хайём. “Борлик ва маъсулият” асари. Розенфельд Б.А., Юшкевич А.П. Памятники литературы народов востока. – М.: Издательство восточной литературы, 1961.- С. 157.

мумкин бўлганида эди, ҳақ билан халқ (яратилган) ўртасида зарурий фарк қолмас эди. Натижада, барча нарса-ашёларнинг яратувчиси битта, якка-ягона бўлмасдан, иккита ва ундан кўпроқ бўлишини тахмин қилиш мумкин бўлар эди. Унинг биттадан кўпроқ бўлиши оддий мантиққа, илоҳий амр тамойилларига зиддир, ҳамда сабаб-оқибат муносабатларига мос келмайди.

Барча ашёлар биринчи сабаб - борлиқ туфайли яратилади. Лекин унинг ўзи ўзга сабаблар таъсири остида яратилмайди. У зоти, моҳияти нуқтаи-назаридан зарурий, асл сабабдир. Шундай экан, унинг бутун борлиқни ярата олишга қодир бўлган ҳолда ҳеч нарсани яратмаслиги, яратишни истамаслиги Тангри таъоло мақсади ва иродасига путур етказди.

آن لحظه که از اجل گریزان کردیم،
چون برگ ز شاخ عمرریزان کردیم.
عالم ز نشاط دل بغربال کنیم،
ز آن پیش که خاک خاک پران کردیم.¹

Ўқилиши:

Он лаҳзаки, аз ажал гурезон кардем,
Чун барг зи шохи умр резон кардем.
Олам зи нишоти дил ба ғирбол кунем,
З он пешки, хок хокпарон кардем.

Мазмуни:

Биз ажалдан ҳар лаҳза қочганимиз сари,
Ўша ҳар лаҳзада умр дарахтимиздан барглар
тўкилаверади.
Демак, қочишнинг ҳеч иложи йўқ экан, унда дилимиздан
ғамларни тўкиб, хушҳол яшаб қолайлик.
Зеро, тупроғимиз бир кун яна тупроққа қўшилади.
Шунгача шодон яшаб қолайлик.

¹“Мажмуаи расоил” (“Рисолалар тўплами”) қўлёзма асарида жами 9 та алломанинг рисоласи ва назмий ижоди жамланган. Мазкур қўлёзма асар ҳижрий 1254, милодий 1838 йилда кўчирилган бўлиб, у Эроннинг “Мажлиси Сино” кутубхонасида 12828/110 рақами остида сақланади. –Б. 179., 58-рубой.

Таржимаси:

Ажалдан қочишга интилдик ҳар он,
Умр боғи барги ҳар онда хазон,
Шундай экан, келинг хушҳол яшайлик,
Кетмасидан тупроқ тупроққа томон.

Умар Хайёмнинг “Мавжудликнинг умумийлиги ҳақида” деб номланган асаридаги ғояларини ва тушунчаларини кўриб чиқамиз. Бу асарнинг биринчи бўлимида муаллиф Аллоҳдан ташқари иккита субстанцияни ажратади: тана ва мутлақ мавжудлик субстанциялари. У шундай деб ёзади: “Билгинки, оламдаги Аллоҳдан ташқари барча нарсалар субстанция бўлиб икки тоифага ажралади: моддий ва мутлақ. Сўзлар ичида энг умумийси бу субстанциядир, у эса моддий ва мутлақ тоифага ажралади. Моддий субстанция айрим нарсаларга ажралади, мутлақ субстанция эса ажралмайди. Мутлақ субстанция ўз навбатида ақл ва жонга ажралади. Уларнинг ҳар бири эса 10 босқичга бўлинади. Бу босқичлар иерархия тартибида жойлашган. Энг юқорида яратувчи ақл жойлашган, у барча мавжудликнинг соҳибидир, унинг тагида эса ақлнинг иккинчи тоифаси олий осмон соҳиби, кейинги босқич бу ақлнинг учинчи шакли барча осмонларнинг осмонини соҳиби, тўртинчи шакли Сатурн осмонининг соҳиби, бешинчи шакли Юпитер осмонининг соҳиби, олтинчи шакли Марс осмонининг соҳиби, еттинчи шакл Қуёш осмонининг соҳиби, саккизинчи шакл Венера осмонининг соҳиби, тўққизинчи шакл Меркурий осмонининг соҳиби, ўнинчи шакл Ой осмонининг соҳиби. Ҳар бир ақл шаклига жон ҳам хосдир, чунки ақл жонсиз бўлмайди. Ҳар бир ақл ва у билан боғлиқ бўлган жон тури ўз осмонига маъсулдир, жон ўз осмонининг фаолиятига маъсул, ақл эса муҳаббатга маъсулдир.

Шунинг учун ақл жондан устун туради, ахир у муҳаббат орқали Аллоҳга яқиндир¹.”

¹ Умар Хайём. “Мавжудликнинг умумийлиги ҳақида” асари. В книге Розенфельд Б.А., Юшкевич А.П. Памятники литературы народов востока. – М.: Издательство восточной литературы, 1961. - С. 158.

Умар Хайёмнинг борлиқ ҳақидаги таълимоти неоплатонизм назарияси, хусусан ундаги эманация ҳақидаги тасаввурлар таъсирида бўлган, неоплатонизм таълимотида эса коинотдаги барча мавжудотлар ўз руҳига ва жонига эгадир, яъни бутун коинот руҳланган ва унинг ҳар бир мавжудоти жонга эгадир. Бу ўша даврнинг пантеистик қарашлари шарқ фалсафасида устувор бўлган. Умар Хайёмнинг борлиқ ҳақидаги қарашлари ҳам ушбу пантеистик таълимот таъсирида шаклланган. Мутафаккир фикрича ақл ўз осмонини муҳаббат орқали бошқаради дейди. Албатта, ақлнинг бундай тарифи рационал фалсафа нуқтаи-назарида тушунарсиздир, лекин агар биз XX асрнинг йирик француз файласуфи Анри Бергсоннинг онг, ақл ва интуиция тушунчаларига берган таҳлилинини оладиган бўлсак, унда Умар Хайёмнинг фикрлари тушунарли бўлади. Анри Бергсон онг ҳақида гапирар экан у бутун коинотда барча мавжудотлар онгга эга деб ҳисоблайди, интуицияни эса онгнинг энг юқори даражаси деб кўрсатади. Бергсоннинг фикрича барча мавжудотларнинг онгини интуиция муҳаббат орқали бошқаради, интуициянинг ўзи эса тафаккурдан юқори даражадаги ички, жон билан бевосита боғлиқ бўлган ақл шаклидир. Умар Хайёмнинг ақл ҳақидаги тушунчаси Бергсоннинг интуицияга берган таърифига жуда тўғри келади. Шарқ фалсафасида ақл доим икки турга бўлинган: ақли жуз, бу замонавий рационал фалсафанинг интеллект тушунчасига тўғри келади, ақли кулл, тушунчаси эса бу Бергсон таълимотидаги интуиция тушунчасига тўғри келади. Бизнинг фикримизча Умар Хайём айнан мана шу ички ақл тури ҳақида гапирди, шунинг учун ҳам у ўз асарида ақл билан жонни бир-биридан ажратиб бўлмади деб ҳисоблайди.

Умар Хайём фикрича, “Шуни билиш керакки, биз осмон жисмларини жон ҳаракатга келтиради, ақл эса жонни муҳаббат орқали ҳаракатга келтиради деганимизда, жонни ақл даражасига етишишга ҳаракат қилишини назарда

тутамиз, жон ва ақл биргаликда барча коинотдаги сайёралар осмонини ҳаракатга келтиради”¹-дейди.

از آمدنم نبود گردون را سود،
وز رفتن من جمال و جاهش نفزود.
وز هیچ کس نیز دو گوشم نشنود،
کین آمدنم و رفتنم از بهر چه بود.²

Ўқилиши:

Аз омаданам набуд гардунро суд,
Ваз рафтани ман жамолу жоҳаш нафзуд.
Ваз ҳечкас низ ду гўшам нашнуд,
Кин омаданам-у, рафтаним аз баҳри чи буд.

Мазмуни:

Бу дунёга келганимдан фалак ҳеч нима фойда кўрмади,
Энди дунёдан ўтар бўлсам ҳам унинг хусни-жамоли-ю,
турқи-тароватига ҳеч ўзгариш бўлмайди.

Икки қулоғим ҳозирча ҳеч кимдан эшитма ва ҳеч ким
айтиб беролмадики,

Ўзи нега ва қаердан бу дунёга келдим-у, нега ва қаерга
кетаман?

Таржимаси:

Келганимдан фойда топмади кайҳон,

Кетсам ҳам ўзгариб қолмас ончунон.

Нега келдим, энди кетаман қайга?

Айтиб беролмади ҳеч битта инсон.

Мутафаккирнинг борлиқ, ақл ва жон ҳақидаги фалсафий қарашлари неоплатонизм фалсафасининг пантеистик руҳиятида бўлиб, тасаввуф таълимотидаги қарашларга ҳам яқин бўлган. Умар Хайём “Мавжудликнинг

¹ Умар Хайём. “Умар Хайём. “Мавжудликнинг умумийлиги ҳақида” асари. Розенфельд Б.А., Юшкевич А.П. Памятники литературы народов востока. – М.: Издательство восточной литературы, 1961. - С. 158.

² Лондон. Оксфорд университети, Бодлин кутубхонаси. Э.Фицджеральд тўплаган 108 та рубойлар тўплами. Arch. O. d.16. – Б. 29., 51-рубойий.

умумийлиги ҳақида” асарида тасаввуф илмига юқори баҳо беради ва уни Аллоҳ ҳақидаги барча билимлар ичида энг олийси деб ҳисоблайди. Мутафаккир Аллоҳни борлиғи ҳақида билмоқчи бўлганларни 4 гуруҳга ажратади: “Биринчиси Мутакалимлар, улар Аллоҳнинг ақидавий исботларига асосланадилар, улар шу билан чегараланадилар. Иккинчи гуруҳдагилар эса файласуф ва олимлар бўлиб, улар Аллоҳнинг борлиғини мантикқа асосланган ақлий мушоҳадалар орқали билишга ҳаракат қиладилар. Улар кўпчилик томонидан тан олинган ақидалар билан қаноатланмайдилар. Лекин уларнинг мантиқий исботлари зиддиятли бўлиб ҳақиқатга олиб бормади. Учинчи гуруҳдагилар бу исмоилийлар ва толимийлар. Уларнинг фикрича ақлий мушоҳада ва исботлар зиддиятли ва ожиз. Шунинг учун Аллоҳнинг борлиғи ҳақидаги ягона тўғри билим бу пайғамбарлар ва авлиёларга берилган ваҳий шаклидаги билимдир. Тўртинчи гуруҳдагилар бу суфийлардир. Улар Аллоҳнинг борлиғи ва унинг сифатлари ҳақида ақлий мушоҳадалар ва ақидалар орқали билишга интилмайдилар. Улар нафс ва ҳирс туфайли жонларида пайдо бўлган хираликларни руҳий покланиш ёрдамида йўқотишга ҳаракат қиладилар. Жонлари покланганлигида улар малаклар билан бир даражага кўтариладилар ва уларнинг қалб кўзларига малаклар кўринади. Бу йўлни энг яхшиси деб ҳисоблаймиз, чунки инсон комиллик йўлига турганида Аллоҳнинг марҳаматидан афзали йўқдир, ваҳоланки Аллоҳ билан инсон ўртасидаги барча тўсиқларни, пардаларни инсон ўзи қўяди. Бу пардалар ва тўсиқлар инсон табиатидаги нафс, ҳирс ва моддий нарсаларга боғланишдан келиб чиқади, агар улар олиб ташланса бутун оламдаги нарсаларнинг яширин моҳияти, улардаги ҳақиқат одам кўзига ойдин ва равшан ҳолатда очилади. Бутун олам соҳиби, марҳаматли Аллоҳ айтганидек, ҳаётингиз давомида Аллоҳ сизга илҳом ва қобилиятлар тайёрлаб қўйди, уларни қалбингиз тубидан топишингиз керак”¹.

گر گوهر طاعتت نسفتم هرگز،

¹Умар Хайём. “Борлик ва масъулият” асари. Розенфельд Б.А., Юшкевич А.П. Памятники литературы народов востока. – М.: Издательство восточной литературы, 1961. - С.162-163.

گرد گنه از چهره نرفتم هرگز.
با این همه نومید نیم از کرمت،
ز آن رو که یکی را دو نگفتم هرگز.¹

Ўқилиши:

Гар гавҳари тоатат насуфтам ҳаргиз,
Гарди гунаҳ аз чехра наруфтам ҳаргиз.
Бо ин ҳама навмид неям аз карамат,
З он рўки, Якero ду нагуфтам ҳаргиз.

Мазмуни:

Тоатинг гавҳарини ҳаргиз тешолмаган ва Сенга тўғри
ибодат қилолмаган бўлсам ҳам,
Юзимдан гуноҳлардан пайдо бўлган чанг-у, ғуборларни
юволмаган бўлсам ҳам,
Барибир карамингдан умидворман,
Чунки Сени битта деб билдим, ширкка йўл қўйиб, иккита
ёки кўп Худо бор демадим.

Таржимаси:

Гавҳари тоатингни тешмадим ҳаргиз,
Гуноҳлар пардасини ечмадим ҳаргиз.
Умидворман шу ҳолимда карам қилсанг,
Икки деб Бир-у, бордан кечмадим ҳаргиз.

Умар Хайём Аллоҳга етишиш йўлида олий йўл деб тасаввуфни ҳисоблаган. Тасаввуфдаги руҳий покланиш инсонни қалб кўзини очади ва у қалбида яширинган ҳақиқатни, барча руҳий қобилиятларни ўзида кашф этади. Умар Хайём барча диний ва илмий изланишлардан тасаввуф йўлини устун қўйган.

جز راه قلندر و خرابات مجوی،
جز باده و جز سماع و جز یار مجوی.

¹Лондон. Оксфорд университети, Бодлин кутубхонаси. Э.Фицджеральд тўплаган 108 та рубойлар тўплами. Arch. O. d.16. – Б. 14., 1-рубой.

بر كف قدح باده و بر دوش سبوی،

می نوش ای نگار و بیهوده نگوی.¹

Ўқилиши:

Жуз роҳи қаландар-у, харобот мажўй,

Жуз бода-у, жуз симо-у, жуз ёр мажўй.

Бар каф қадаҳи бода-у, бар душ сабўй,

Май нўш, эй нигор-у, беҳуда нагўй.

Мазмуни:

Қаландарлик йўли ва уларнинг асосий маскани бўлган хароботдан бошқа нарсани излама,

Фақат ишқ бодасини, қаландарлар қиладиган симоъ рақсини ва Ёрни изла.

Қўлингга май тўла қадаҳни елкангга май тўла мешни кўтариб юр,

Ишқ майидан ич, бошқа ишларга чалғима, беҳуда сўзларни сўзлаб умрингни ўтказма.

Таржимаси:

Дарвеш-у, хароботдан бошқани истама,

Бода, симоъ-у, ёрдан бошқани излама,

Қўлингга май тўла қадаҳни олгин,

Май ич, эй нигор, беҳуда сўзлама.

Аллоҳ илми, инсон билимидан фарқланади. У ўз зоти, мазмун-моҳиятидан тўла-тўқис хабардор. Унинг билими тадрижий ўзгаришларга муҳтож эмас, чунки бундай билим билмасликдан билишга, ноаниқликдан аниқликка томон йўналмаган, у аслида баркамол, мутлақ илмдир. Шундай экан, инсоннинг ҳақ тўғрисидаги билими билан Аллоҳнинг ўзи тўғрисидаги

¹“Мажмуаи расоил” (“Рисолалар тўплами”) қўлёзма асарида жами 9 та алломанинг рисоласи ва назмий ижоди жамланган. Мазкур қўлёзма асар ҳижрий 1254, милодий 1838 йилда кўчирилган бўлиб, у Эроннинг “Мажлиси Сино” кутубхонасида 12828/110 рақами остида сақланади. – Б. 188., 135-рубой.

илми ўртасида бекиёс фарқ мавжуддир. Лекин шунга қарамасдан, инсон зоти унинг лутфи ва раҳматидан бир умрга умидворликда яшайди.

Иккинчи туркумга, яъни, биринчи сабабнинг оқибати билан боғлиқ нарсаларга келсак, улар биринчи сабабнинг ҳосиласи бўлиб, фазовий сайёралардир. Булар аслида ўнта бўлиб, уларнинг ҳар бири биринчи сабаб билан боғлиқ эканлигини эслатиб туради. Ҳар бир фазовий сфера ўзига хос руҳ ва ақлга эгадир. Руҳ туфайли фазовий сфера ҳаракатга келади. Фазовий сфералар ақли, ўз навбатида руҳнинг манбаини ташкил этади. Ақл руҳдан ўз мартабасига кўра юқори туради, чунки руҳ барча нарсаларни ўз фаолияти орқали ҳаракатга келтирса, ақл бу вазифани меҳр орқали амалга оширади”.¹ Бундай фалсафий қарашлар Носири Ҳисрав ва Азизиддин ан-Насафий каби мутафаккирларнинг ғояларига ҳам хос умумий йўналишга айлана борганлиги маълум.

Умар Хайёмнинг бой ва серқирра ижоди, илмий тадқиқотлари асрлар довонидан ошиб, замондошларимиз қалбида самимий қизиқиш ва меҳр уйғота олди.

Умар Хайёмда инсон, унинг ички ҳис-туйғулари, борликдаги ўрни ва ҳаётнинг ўткинчилиги каби фалсафий масалаларни содда, гўзал ва инсон қалбига яқин бўлган шаклда таҳлил этади.

Дунёнинг тилаги, самари ҳам биз,
Ақл кўзин қораси-жавҳари ҳам биз.
Тўғарак жаҳонни узук деб билсак,
Шаксиз унинг кўзу-гавҳари ҳам биз.²

Умар Хайём Абу Али ибн Сино фалсафий таълимотининг тарафдори бўлган ва унинг жон ҳақидаги кўпгина фикрларига қўшилган. Абу Али ибн Синонинг “Асхавия” (“Нурланиш”) асарида инсон жони ўлимидан кейин маъод³ оламига қайтади ва у ерда ўзининг қилган яхши ва ёмон ишларининг таъсирини ва куч-қудратини ҳис қилади, дейилган. Абу Али ибн Сино бу

¹Умар Хайём. “Борлик ва масъулият” асари. Розенфельд Б.А., Юшкевич А.П. Памятники литературы народов востока. – М.: Издательство восточной литературы, 1961. - С. 157.

²Умар Хайём. Рубойилар 2-нашри. – Т: Ўзбекистон, 2018. –Б. 47

³Маъод-охират кунининг келиши ва улганларнинг тирилиши.

асарида таносух таълимотини тан олади ва инсоннинг рухий ривожланиш жараёнида унинг муҳим ўрнини кўрсатади. Материя айланма ҳаракат жараёнида қатнашгандай, руҳ ҳам комиллик даражасига кўтарилмагунча, ер ва маъод олами ўртасида, абадий қайтиш жараёнида қатнашади. Бу абадий қайтиш ва айланма ҳаракат гирдобидан руҳни фақат комилликка эришиш уни озод қилиши мумкин. Бу масалада Умар Хайёмнинг фикрлари Абу Али ибн Синонинг фикрларига қараганда зиддиятлироқдир. Бир томондан Умар Хайём руҳнинг абадий қайтиши ва таносухни тан олган бўлса, иккинчи томондан, бир қисм асарларида инсон ўлиmidан кейинги ҳаёт борлигига шубҳа қилади.

Маълумки, инсон ўзининг илмий фаолияти, воқеликни билиш иштиёқи билан барча мавжуд жонзотлардан ажралиб туради ва улар устидан ўз салтанатини ўрнатади. Умар Хайёмнинг инсон онгида мавжуд ҳодисаларни инъикос этиш ҳақидаги қарашларида эътиборни қаратиб, сезги ва ақл инсон билимини қудратли воситалари эканлигига урғу беради. Мутафаккир оддий жонли мушоҳада орқали айрим нарсаларни билиш мумкин, мантиқий билиш туфайли мураккаб ҳодисалар моҳияти, ички мазмуни намоён бўлиши ҳақидаги қарашлари таҳлил қилинган. Инсон сезгилари кузатув ва ақл учун ғоят муҳим манба эканлиги таъкидланган.

Умар Хайём билиш назариясининг муаммоларини тадқиқ қилар экан, аввало, фалсафа, математика, астрономия, тиббиёт каби фан соҳаларида эришилган ютуқларига мурожаат қилади. Олимнинг таъкидлашича, олам сир-асрорини, ҳодиса сабаблари, моҳиятини очиб бериш, уларни синчковлик билан кузатиш инсон фаолиятининг муҳим жабҳаси бўлмоғи лозим.

Умар Хайём Форобийнинг билиш ҳақидаги фикрларини давом эттиради. Форобий фикрича, илоҳий моҳиятга эга бўлган инсон яшайдиган дунё ҳақиқий ҳисобланади. Шунинг учун инсон дунёда ақл талабларига риоя қилган ҳолда яшаши, ҳақиқий моддий ва маънавий бахт-саодатга эришиши керак.

Форобий инсонни ҳайвондан фарқини, ақл ва сезгилар ёрдамидаги

билимларни ўзлаштиришга боғлиқ дейди. “Ақл кучи” борлиқ нарсаларининг фикрий инъикосини ўзида гавдалантиради. Дунёвий ҳодисаларнинг моҳияти ва сабабларини билган ақл осмон жисмлари ва уларнинг шаклларини билишга ҳаракат қилади. Шу охириги босқичда инсонга таъсир кўрсатувчи коинот ақл билан бирикади ва боқийлик хусусиятини касб этади.

Умар Хайём фикрича, билиш-инсон миясида мавжуд ҳодисаларнинг инъикос этишидир. Бу борада сезги ва ақл инсон билимининг қудратли воситалари ҳисобланади. Айрим нарсаларни оддий жонли мушоҳада орқали билиш мумкин бўлса, мантиқий билиш туфайли мураккаб ҳодисалар моҳияти, ички мазмуни намоён этилади. Бундан кўринадики, инсон сезгилари кузатув ва ақл учун ғоят муҳим манба ҳисобланади.

Таҳқиқ¹ дарахти ҳали гул қилган эмас,

Ҳақ моҳиятини ҳеч киши билган эмас.

Лекин узатар ҳамма унинг шохига қўл,

Ҳеч кимнинг умиди, чунки узилган эмас.²

Ёки, яна бир рубойида қуйидаги сатрни учратамиз:

“Бир лаҳза дилим илмдан маҳрум эмас”.³

Инсоннинг бешта сезги аъзоси рўй бераётган ҳодисалардан уни воқиф қилиб туришга қодирдир. Сезги-ташқи нарсаларнинг муҳри, шакли, уларнинг аниқ образ-тимсоли. Шундай экан, образ-тимсолни мавжуд нарсалар билан айниятлаштириш маъкул эмас. Бешта ташқи сезгиларни бешта ички сезгилар тўлдирди. Улар тасаввур, хаёл, хотира, идрок ва умумий сезгилардан иборатдир. Сезгилар инсон миясининг “хизматкорлари”дир.

Мутафаккир фикрига кўра, инсон ўз фаолиятида ақл ва ирода измига амал қилади. Улар туфайли инсон воқеликнинг сир-асроридан, қонунларидан воқиф бўлади. Оламни билишда инсон ақли ижодий характерга эгадир. Инсон ҳайвонлардан донолик ва нутқга эга эканлиги билан фарқ қилади. Умар Хайём фалсафий қарашларида ақл-бебаҳо жавҳар, ўзига хос хазина

¹Таҳқиқ – нарсанинг моҳиятини билиш, ҳақиқатга етиш. Тасаввуфда банданинг ҳақиқатни кашф этиш учун қиладиган саъю ҳаракати.

²Умар Хайём. Рубойлар. – Т: Адабиёт учқунлари, 2018. –Б. 83

³Умар Хайём. Рубойлар. – Т: Адабиёт учқунлари, 2018. –Б. 219

сифатида талқин қилинади. Жонли мушоҳада қанчалик муҳим ва зарур бўлмасин, у аслида чегараланган. У орқали муҳим боғланишларни соф ҳолатда тадқиқ этиш мумкин эмас. Бундай вазифани ақл амалга ошира олади.

Ибн Сино асарларида ақл ҳар қандай билишнинг ва амалий фаолиятнинг мезони сифатида талқин этилади. Инсон ақли турли фанларни ўрганиш ёрдамида бойийди, ривож топади. Бунда, хусусан, у мантиқ илмига катта эътибор беради. Ақл ҳар қандай билишнинг ва амалий фаолиятнинг мезони сифатида талқин этилади. “(Ақл) тарозисида ўлчанмаган ҳар қандай билим,- деб ёзади Абу Али ибн Сино,- чин бўлмайди, демак, у ҳақиқий билим эмас”. Ўрта асрда Яқин ва Ўрта Шарқ, жумладан, Марказий Осиё фалсафасида ақл назарияси жуда муҳим ўрин эгаллайди.

Умар Хайём рационализм анъаналарига содиқ қолади ва Аристотель, Форобий, Абу Али ибн Сино томонидан асос қилиб олинган “ақл моҳиятни таҳлил қилади” деган ғояга таянади. Унинг таъкидлашича, жонли мушоҳада нарсаларнинг умумий жиҳатларини очиб бера олмайди. Ақл эса, аксинча, моҳиятни билиш билан биргаликда айримликни билишни ҳам бемалол ҳал эта олади. Ақл кириб бориши мумкин бўлмаган биронта жабҳа йўқ. У туфайли эришилган билим чексиз ва умрбоқийдир.

Мутафаккирнинг қарашларида мантиқ воқеликни билишнинг муҳим курули, ҳақиқатга эришишнинг воситаси сифатида талқин қилинади. Мантиқ ғоя, фикр-мулоҳазаларнинг аниқлиги, равон, изчил ва далил-исбот билан асосланганлигини таъминлайди. Илм-фанда, айниқса, фалсафада барча фикрлар мантиқан асосланган бўлмоғи лозимдир деб уқтириб ўтади.¹

Хулоса ўрнида айтишимиз мумкинки, Умар Хайём инсон ўз фаолиятида ақл ва иродага суяниб улар туфайли воқеликнинг сир-асроридан, қонунларидан воқиф бўлишини, борлиқ ҳақидаги қарашларида асосан Форобий ва Абу Али ибн Синонинг “вужуди вожиб” ва “вужуди мумкин”нинг ўзаро нисбати ҳақидаги ғояларини ривожлантириб борлиқни руҳдан, ақлдан ашёвий борлиққа қараб, сўнгра эса моддийликдан инсон

¹Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар. – Т: Файласуфлар миллий жамияти, 2004. – Б. 134

руҳи, ақлига қараб боришини таъкидлайди.

2.2. Умар Хайём инсон тақдири ва эркин ирода ҳақида

Инсон тушунчаси - ҳар қандай фалсафий таълимотнинг асосини ташкил этувчи фундаментал фалсафий категория бўлиб ҳисобланади. Инсонни оламда бошқа биологик мавжудотлардан ажратиб турувчи энг муҳим хусусиятлари бу унинг ақли, хотираси, тафаккури, тили борлиги билан ажралиб туради. Айниқса, тил унинг аждодлари ва авлодлари орасидаги ворисийлик, алоқадорлик вазифасини бажаради. Инсонга хос барча хусусиятлар, ахлоқий нормалар, унинг фаолиятини бошқарувчи дастурлар тил орқали авлоддан-авлодга ўтиб келади. Бошқа тирик мавжудотлардан инсонни фарқловчи яна бир муҳим хусусиятни маданият ифодалайди. Шу билан бирга, инсоннинг ўз турмуши учун зарур бўлган моддий ва маънавий бойликларни ишлаб чиқариш малакасига эгаллиги ҳам ана шундай хусусиятлардан бири ҳисобланади. Инсон ҳаётида меҳнат асосий рол ўйнайди. Меҳнат туфайли инсон ўзи яшаётган табиий муҳитни ўзгартиради, моддий ва маънавий бойликлар яратади, ўз-ўзини ўзгартиради. Инсоннинг маънавияти жамиятда мавжуд бўлган объектив шарт-шароитлар ва субъектив омиллар натижасида шакллланган фазилатлар, хислатлар, қобилиятлар, малакалар йиғиндисидир. Юқорида келтириб ўтган фикр мулоҳазаларимиз инсоннинг мураккаб, бир бутун биосоциал жонзот эканлигидан далолат беради.¹

Инсон тўғрисидаги илк тасаввурлар фалсафа майдонига келишидан анча аввал ҳам бўлган. Булар табиат ва инсон нисбати тўғрисидаги эртакларда, турли асотирларда (мифларда) ифодаланган энг содда фикрлар эди. Айни шу фикрлар асосида ва улар билан алоқадорликда инсонни фалсафий тушунишга доир таълимотлар юзага келади.

Софистлардан Протагор милоддан аввалги V асрдаёқ “Инсон барча нарсалар мезонидир, у мавжуд нарсаларнинг мавжудлигини, йўқ

¹Фалсафа қомусий луғат. – Т: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2004. – Б. 165-166

нарсаларнинг эса йўқлигини белгилайди”, деб қайд этган эди.

Сукрот ҳам ҳақиқат излаб инсонга мурожаат этади. Инсон ўз жони фаолиятини бошқара олади, шу боис дунёни тушуниш йўли ўз-ўзини билиш орқали ўтади, деб ҳисоблайди¹.

Инсон тақдири ва эркин ирода масаласи азал-азалдан инсониятни кизиқтириб келган. Қадимги ёзувларда, зардуштийликнинг муқаддас китоби “Авесто”да, ёзма ёдгорликларда, халқ оғзаки ижодида, файласуфлар, табиатшунос олимлар, шоирлар ва диний илм вақлларининг асарларида бу масалага қайта-қайта мурожаат қилинган.

Шуни ҳам айтиш керакки, расмий дин вакиллари ҳамма вақт учун ярайдиган қонун-қоидаларни биладилар, деб бўлмайди. Улар кўпчилик омма ҳаётида содир бўлган ўзгаришларни ҳисобга олмай, ҳаммани бир қолипга солмоқчи бўладилар. Умар Хайём эркин фикрли инсон сифатида бу ҳолни ҳақли равишда кишиларни умрбод қулликка маҳкум этадиган ҳолат эканини кўра олади:

Масжиду бутхона қуллик демақдир,
Кўнғироқ-тарона қуллик демақдир.
Меҳробу калисо, тасбеҳу салиб –
Барчаси нишона, қуллик демақдир.²

Аммо коинотнинг моҳияти ва асоси ҳисобланган инсоннинг кадрсизлигини, унинг фожиали ҳаётини кўрар экан, мутафаккир дунёнинг нобоб тузилганлигини, унинг ноқислигини кўриб хуноб бўлади. Иложи бўлса, бундай дунёни барбод этиб қайтадан тузардим, дейди:

Фалакка ҳукм этган тангридай бўлсам,
Фалакни қилардим ўртадан барҳам.
Янгидан шундай бир фалак тузардим –
Яхшилар тилакка етарди ул дам.³

Умар Хайём таълимотини бир неча гуруҳларга ажратиш мумкин.

¹Нигина Шермухамедова. Фалсафа. – Т: Ношир, 2012. – Б. 291

²Умар Хайём. Рубойлар. – Т: Ўзбекистон, 2018. – Б. 198

³Умар Хайём. Рубойлар. Форс тилидан Ш.Шомухамедов таржимаси. – Т: Ўзбекистон, 1976. – Б. 12

Унинг ижодида кишилик тафаккурининг бутун бир даври ўз ифодасини топган. Мутафаккир дунёнинг тузилиши, унда одамнинг ўрни хақида чуқур фикр қилар экан, инсон дунёдаги энг олий мавжудот эканлигини таъкидлайди.

Умар Хайём ижодидаги асосий масалалардан бири бу инсон тақдири ва эркин ирода масаласидир.

ای ذات منزله تو پاک از نقصان،
تقصیر او امرت ز من در گذران.
گر من گنهی کنم و گر خود نه کنم،
در ملک تو از معصیت من چه زیان.¹

Ўқилиши:

Эй, зоти муназзаҳи Ту пок аз нуқсон,
Тақсири авомират зи манн даргузарон.
Гар манн гунаҳе кунам ва гар худ на кунам,
Дар мулки Ту аз маъсияти ман чи зиён?

Мазмуни:

Эй, зоти нуқсонлардан холи бўлган Зот,
Сенинг буйруқларингни бажармай юрибман.
Бу билан мен гуноҳ қиляпман, бироқ буни мен ўзимча
қилмаяпман, балки Сенинг тақдири азалинг билан
қиляпман,
Битта менинг гуноҳу маъсият қилганимдан Сенинг чексиз
мулкингга нима ҳам зиён етарди?

Таржимаси:

Ёт эрур зотингга ҳар қандай нуқсон,
Амрингга итоат қилмадим бир он.
Гуноҳ мендан эмас – тақдири азал,
Гуноҳ бўлганда ҳам Сенга не зиён?

¹“Мажмуан расоил” (“Рисолалар тўплами”) қўлёзма асарида жами 9 та алломанинг рисоласи ва назмий ижоди жамланган. Мазкур қўлёзма асар ҳижрий 1254, милодий 1838 йилда кўчирилган бўлиб, у Эроннинг “Мажлиси Сино” кутубхонасида 12828/110 рақами остида сақланади. - Б. 175., 16-рубойи.

“Тақдир” тушунчаси араб тилида олдиндан белгиланган ҳаёт йўли, қисмат маъноларини билдиради¹. Умар Хайём тақдир, тақдири азал деган тушунчаларга ҳам анъанавий ислом нуқтаи-назаридан қараган. Унинг кўплаб фикрларида бунга ишоратлар бор. Зеро манбаларда Умар Хайём ижоди ўз замондошлари эътирозларига сабаб бўлиб уни куфрда айблашган. Бу гап, сўзлардан қочиш учун умрининг кексайган чоғида Ҳаж зиёратига борган. Мутафаккир тақво аҳлининг бундай маломатларидан бошқа ижодкорлар ҳам холи бўлмаганлигини қуйидагича таҳлил этади:

Ўзгартириб бўлмас не битмиш қалам,
Фақат дил хун бўлур тортаверсанг ғам.
Бутун умр жигар қонин ютсанг ҳам,
Умринг узайтириб бўлмас бирор дам.²

Ҳар бир инсон ҳаёт ва фаолиятини ҳамда оламдаги барча ҳодисаларни ягона яратувчи – Аллоҳ амрига боғловчи, диний ақида. Тақдир ислом ва насронийликда яратувчи худонинг ўзига хос қудрати сифатида тўла-тўқис намоён бўлади. Масалан, Қуръони Каримнинг Зумар сурасида: “У якка-ю ягона ва ғолиб Аллоҳдир. У осмонлар ва ерни ҳам (қонун) билан яратгандир. У кечани кундузнинг устига ўрар, кундузни кечанинг устига ўрар. У куёшни ҳам, ойни ҳам (ўз амрига) бўйсундириб қўйгандир. Уларнинг ҳар бири маълум муддатгача жорий бўлур. Огоҳ бўлингизки, у қудратли ва бениҳоя маърифатли зотдир”,³ – дейилган. Аксарият одамлар орасида - “Тақдири азалдан қочиб қутулиб бўлмайди”, деган тасаввур кенг тарқалган. Исломга кўра, Аллоҳ таоло раҳматидан умидни узиш ва унинг азобларидан хотиржам бўлиш кайфияти куфрдан бошқа нарса эмас. Дунё ва охиратдаги ҳар бир нарса Аллоҳнинг истак хоҳиши, илми қазоси, қадари билан бўлади. Шу билан бирга, Аллоҳ бу дунёни бир синов сифатида яратганлиги эътироф қилинади. Шундай экан, унинг берган неъматларига шукур қилмаган, ҳамда берганига шукур қилган ва йўғига қаноат қилган одамларга бўлган Аллоҳнинг

¹ Умар Хайём. Рубойлар. Форс тилидан Ш.Шомухамедов таржимаси. – Т: Ўзбекистон, 1976. – Б. 392

² Умар Хайём. Рубойлар. – Т: “Адабиёт учкунлари”, 2018. –Б. 45

³ Қуръони Карим. Ўзбекча изоҳли Алоуддин Мансур таржимаси. Зумар сураси (39) –Б. 514

жазоси ва ажри – мукофоти ҳам шунга яраша бўлади деб таъкидланади.

Тақдир тушунчаси исломда доим кескин баҳс-мунозаралар марказида бўлиб келган. Умар Хайём бу ақидага ўз муносабатини қуйидаги шаклда ифодалайди:

“Лойимни ўзинг қорган эсанг, мен на қилай?
Шаклимни ўзинг чизган эсанг, мен на қилай?
Ҳар яхши-ёмонки мен этарман, ё Раб,
Манглайга ўзинг ёзган эсанг, мен на қилай?..”¹.

Мутафаккирнинг ушбу рубойиси орқали тақдир тушунчасига берган фикрларидан кўриниб турибдики, Аллоҳ инсонни яратубоқ унинг тақдири азалини камолига битиб беради. Бунда бирор-бир инсоннинг ҳеч қандай иштирокисиз. Аллоҳ томонидан инсонга битиб берилган тақдирни, инсон ўзининг ақл ва билими билан тақдирга ёндашиб муносабатда бўлиб, унга шукроналик келтириб ўзининг фано оламини бойитса, Аллоҳ албатда унинг ажрини қиёматда беришини такидламоқда.

Тақдирга қадарийлар, жабарийлар, мўътазилийлар ва мутакаллимларнинг муносабати ҳам ўзига хосдир. Исломдаги илк илоҳиёт оқимларидан бири - қадария, мутлақ фатализм тарафдорлари бўлган жабарийларга қарши чиқиб, одилликни Аллоҳнинг асосий сифатларидан бири деб талқин қиладилар. Шундай экан, гуноҳ ва савобни у олдиндан белгилаб қўйиши мумкин эмас, ундан фақатгина, адолатли ишни кутиш мумкин, гуноҳ эса одамларнинг эркин фаолияти билан боғлиқ, деган фикрда бўлганлар.²

Динда эса эркин, жумладан эркин иродани Худо белгилайди, одамнинг қисмати, тақдири Яратувчининг иродасига боғлиқ, у олдиндан белгилаб қўйилган деган азалий ақида ҳукмрон. Айрим диний таълимотларда инсон эркин иродага эга ва у ўз гуноҳлари учун жавобгар деган ғоялар ҳам мавжуд.

ناکرده گناه در جهان کیست بگو؟

¹Умар Хайём рубойилари. Рубойи Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржимаси. –Т; 2015. – Б. 28

²Фалсафа қисқача изоҳли луғат. – Т: Шарқ, 2004. -Б. 302-303

آن كس كه گنه نكرد چون زيست بگو؟
من بد كنم و تو بد مكافات كنى،
بس فرق ميان من و تو چيست بگو؟¹

Ўқилиши:

Нокарда гуноҳ дар жаҳон кист бигў?
Он каски, гунаҳ накард, чун зист бигў?
Ман бад кунамуТу бад мукофот куни,
Бас, фарқ миёни манн-у, Ту чист бигў?

Мазмуни:

Дунёда гуноҳ қилмаган бирор киши борми, айт қани?
Ёки гуноҳ қилмаган бирор киши бўлганда ҳам у тирик
қолибдими, айт қани?

Мен агар ёмонлик қилсам-у, Сен ҳам бунинг учун менга
ёмонлик қилиб, дўзахга ташлар бўлсанг,
Айтчи, мен билан Сенинг ўртангда фарқ қоладими?

Таржимаси:

Айт, гуноҳсиз ким бор жаҳонда хушёр?
Гуноҳ қилмаган ҳам абадмас зинҳор.
Ёмонлигимга Сен ёмонлик қилсанг,
Бизнинг ўртамизда айт, нима фарқ бор?

Умар Хайём эса исломий ақидалардан бири бўлган тақдирга ишонч
ғоясини эътироф этиб, “Тангри ўзинг шундай яратдинг мени” деса, бошқа
бирида “Ёмонманми яхши, мен қандоқ қилай? Тақдир манглайини берган
ўзингсан”, - деб ёзади. Мутафаккир фикрига кўра, тақдир зарурият, ўзига
тасодифлар орқали йўл очади:

Сабаб саҳросида кимки саргардон,
Ишларин унингсиз юритар Яздон.
Бугуни бир баҳона ўртага ташлаб,

¹“Мажмуан расоил” (“Рисолалар тўплами”) қўлёзма асарида жами 9 та алломанинг рисоласи ва назмий ижоди жамланган. Мазкур қўлёзма асар ҳижрий 1254, милодий 1838 йилда кўчирилган бўлиб, у Эроннинг “Мажлиси Сино” кутубхонасида 12828/110 рақами остида сақланади. –Б. 175., 18-рубой.

Эрта бажо бўлур, тақдири осмон.¹

Умар Хайём тақдирга қуйидаги таърифни келтиради:

Танангда бор экан томир суяк пай,

Яшайвер тақдирнинг уйидан чиқмай

Ёв Рустам бўлса ҳам бўйнингни эгма,

Миннат чекма дўстинг бўлса хотам Той.²

Илмий адабиётларда эркин ирода бу инсоннинг бирон ишни бажаришга қаратилган онгли интилишидир, деб келтирилади. Унинг маълум мақсадга қаратилган иродавий фаолияти манбаи - объектив оламдан ҳамда дунёни ўзгартиришга қаратилган ва табиатнинг объектив қонунларига таянадиган предмет - амалий фаолиятдан иборат. Эркин ирода масаласида фалсафа ва психологияда, дунёвий ва диний таълимотлар орасида кўп асрлардан буён мунозара давом этиб келади. Масалан, фатализм³ тарафдорлари кишиларнинг барча ҳатти-ҳаракатларини фақат ташқи кучлар белгилайди, деган фикрни илгари суришади. Бошқалар эса бундай эркинлик ташқи кучларга боғлиқ эмас деган фикрда.

Фалсафада эса шахснинг фаолияти объектив шароитларга боғлиқлиги таъкидланади. Бундай ҳолатда қайси йўлни танлаш кишининг ўзига ҳам боғлиқ деган ёндашув устувор. Бунга кўра субъектнинг ички шароитлари (эҳтиёжлари, қизиқишлари, истаклари, билими ва ҳ.к) призмаси орқали акс эттирилган объектив олам унинг учун турли мақсадларни ўз олдига қўйиш, қарорлар қабул қилиш имкониятини яратади. Бу борада шуни ҳам айтиш керакки, бунда фақат субъектнинг истакларига қараб танлаб олинадиган ирода эмас, балки объектив заруриятга мувофиқ тўғри танлаб олинадиган иродагина эркиндир.

Ҳар қандай ҳаракат ёки фаолиятнинг иродали характери шундан иборатки, унда инсон ўз мақсадига эришиши учун ташқи ёки ички

¹ Умар Хайём. Рубоийлар. – Т: Адабиёт учкунлари, 2018, -Б. 47

² Умар Хайём. Рубоийлар. – Т: Бадиий адабиёт, 1971, -Б. 116

³ Фатализм (Лот. Фаталис - ҳалокатли, олдиндан аниқланган) – тасодиф ва эркинликдан ташқари, табиатда ва инсон ҳаётида содир бўладиган ҳамма нарсанинг муқаррарлиги ҳақидаги фикр. Фатализм мифологик дунёқарашдан, одамларни табиат кучларига қарши ўзларининг кучсизлигига ишонадиган нарсдан келиб чиқади ва дастлабки маданиятларда кенг тарқалган.

тўсиқларни енгишга тўғри келади. Иродали иш дастлаб маълум мақсадни олдига қўйиш, сўнг ҳаракатни бошлаш ва ишни амалга ошириш бўйинча усулларни танлаб олишни тақозо этади. Ҳар қандай эркин ирода асосида амалга ошириладиган иш, ушбу иш юзасидан қилинган қарорнинг бажарилиши билан баҳоланади. Асосий мақсадларни танлаш, тўғри қарорлар қабул қилиш, уларни амалга ошириш, бунда эркин иродани шакллантириш, бу борада етарли билим ва тажрибага эга бўлиш талаб қилинади.

Тақдир ва ирода эркинлиги масаласи ниҳоятда мураккаб масала бўлиб, Қуръони Каримнинг кўплаб сураларида ҳар бир воқеа ҳодиса яратганнинг ихтиёри, хоҳиши асосида бўлиши таъкидланади (Инсон сураси 30-оят)¹. Лекин шу билан бирга бу дунё инсон учун синов эканлиги (Мулк сураси 2-оят)², иззат - икром, бойлик билан хорзор қилиш, камбағаллик билан бўлмаслиги (Фал-Фажр сураси 17-оят)³ кўрсатиб ўтилади.

این قافلہ عمر عجب می گذرد،

دریاب دمی که با طرب می گذرد.

ساقی غم فردای حریفان چه خوری،

درده قدحی باده که شب می گذرد.⁴

Ўқилиши:

Ин қофилаи умр ажаб мегузарад,

Дарёби дамеки, бо тараб мегузарад.

Соқий, ғами фардойи ҳарифон чи хўри,

Дардех, қадаҳе бодаки, шаб мегузарад.

Мазмуни:

Бу умр қарвони ажабланарли тезлик билан ўтиб кетади,

Топилган хурсандчиликлар ҳам зумда тугаб қолади.

Соқий, нега келмаган эртанги кун ғамини ейсан,

Қадаҳга бодани пайдар-пай қуявер,

¹ Қуръони Карим. Ўзбекча изоҳли Алоуддин Мансур таржимаси. Инсон сураси 30-оят, -Б. 698

² Қуръони Карим. Ўзбекча изоҳли Алоуддин Мансур таржимаси. Мулк сураси 2-оят, -Б. 663

³ Қуръони Карим. Ўзбекча изоҳли Алоуддин Мансур таржимаси. Фал-Фажр сураси 17-оят, -Б. 730

⁴ Лондон. Оксфорд университети, Бодлин кутубхонаси. Э.Фицджеральд тўплаган 108 та рубойлар тўплами. Arch. O. d.16. –Б. 31., 60-рубой.

Ҳадемай тун тугаб тонг ҳам отиб қолади.

Таржимаси:

Умримиз карвони елдек ўтади,

Хурсандчилик, айш-у, тараб кетади.

Соқий, эрта дея ғамлар чекасан,

Бодани тез бер, тун ўтиб, тонг отади.

Мутафаккир тақдирни билиш инсонни билиш каби мушкул эканлигини таъкидлайди. У сўзи билан иши бир бўлмаган одамларни қоралайди:

Фақат илм билан баландмас одам,

Аҳду вафо билан баланд паст одам.

Сўзи билан иши бир келса агар,

Ҳар нарсадан баланд, муқаддас одам.¹

Умар Хайём инсоннинг ақлига, билим олиш қобилиятларига ишонч билан қарайди. Мутафаккир инсон ақлининг қудратини эътироф этган ҳолда фақат ақлни устун қўйиш нотўғри эканлигини қуйидагича ифодалайди:

Ҳар ким ақл сўзига соларкан қулоқ,

Чиндан оқибатда бу хўкиз соғмоқ!

Ғўр ақлинг зўр келиб май сотмаяпсан,

Аблаҳлик тўнини кий, шу маъқулроқ!²

Умар Хайём инсон ақли етган нарсаларга нисбатан етмаган нарсаларнинг кўп эканлигини таъкидлаган ҳолда дунё тилсимотларининг тубига етиб бўлмаслиги ҳақида шундай деб ёзади:

Дилим илмлардан маҳрум бўлмабди,

Бир сир қолмадики мавҳум бўлмабди.

Туну кун ўйладим етмиш икки йил,

Онгладим - ҳеч нарса маълум бўлмабди.³

Умар Хайём вақт ўткинчилигига қуйидаги таърифни келтиради:

¹ Умар Хайём. Рубойлар. – Т.: Адабиёт учқунлари, 2018. –Б. 28

² Умар Хайём. Рубойлар. – Т.: Бадий адабиёт, 1971. –Б. 32

³ Умар Хайём. Рубойлар. – Т.: Бадий адабиёт, 1971. –Б. 112

این دو سه روز نوبت عمر گذشت،
بگذشت چنانکه بگذرد باد بدشت،
تا من باشم غم دو روزه نخورم،
روزی که نیامدست و روزی که گذشت.¹

Ўқилиши:

Ин ду-се рӯз навбати умр гузашт,
Бигузашт чунонки, бигузард бод ба дашт.
То ман бошам ғами ду рӯза на хўрам,
Рўзийки, наёмадаст-у, рўзеки, гузашт.

Мазмуни:

Менга берилган бу икки-уч кунлик умрим, менга берилган
бу навбатим ўтди.

Ўтганда ҳам шундай тез ўтдики, худди даштда эсган елдек
ўтди.

У бу нарса ғамлаб, бир-икки кун беғам яшай деб энди
ўйлаб турганимда,

Ҳали ўйим тугамай туриб, навбатим муддати тугаб қолди.

Таржимаси:

Икки-уч кун умрим навбати ўтди,
Даштда кезган боддек билинмай кетди.
Яйраб қолай дея ўйлаб тургандим,
Ўйловим битмасдан ажал ҳам етди.

Аллома, яъни ориф инсон, ҳам диний ва ҳам дунёвий билимлар эгаси, инсоннинг билиш доираси чегараланганлигини ва инсон қанчалар чуқур билим эгаси бўлгани сари шунчалар ожизлигини ҳис этишини таъкидлаб, ер юзида ҳамма нарса омонат эканлиги, шу боис ҳаётни қандай бўлса, шундайлигича қабул қилиб қаноат ва шукроналик билан яшаш кераклиги,

¹“Мажмуаи расоил” (“Рисолалар тўплами”) қўлёзма асарида жами 9 та алломанинг рисоласи ва назмий ижоди жамланган. Мазкур қўлёзма асар ҳижрий 1254, милодий 1838 йилда кўчирилган бўлиб, у Эроннинг “Мажлиси Сино” кутубхонасида 12828/110 рақами остида сақланади. –Б. 177., 36-рубой.

бўлмаган ишлар учун ташвиш чекиб ўзини қийнамасликка ундайди.

Беҳуда ўзингга айлама ситам,
Улушингдан ортиқ тиламагил ҳам,
Азалдан номингга нима ёзилса,
Ўша сенинг баҳранг, бўлмас ортиқ - кам.¹

Умар Хайём яшаган даврда сўфийлик расмий ислом томонидан тан олинмаган. Шу сабабдан сўфийлар ўз ғояларини рамзий ифодалар орқали баён қилар эдилар. Умар Хайём ёр, ишқ, май, мастлик тушунчалари рамзий маъноларда ифодалаган. У тасаввуфдаги орифона ва ошиқона йўналишнинг вакили бўлган:

عشقى كه مجازى بود آيش نبود،
چو آتش نيم مرده تابش نبود.
عاشق بايدكه سال و ماه و شب و روز،
آرام و قرار و خوار و خاب نبود.²

Ўқилиши:

Ишқеки, мажозий бувад, обаш набуд,
Чу оташи ним, мурда тобаш набуд.
Ошиқ боядки, сол-у, моҳ-у, шаб-у, рўз,
Ором-у, қарор-, у хор-у, хобаш набуд.

Мазмуни:

Кимнинг ишқи мажозий бўлса, у қуруқ сўздирки, фойда берадиган нарса эмас.

Мажозий ишқ худди алангаси йўқ, тутаб турган оловга ўхшайди.

Кимки ҳақиқий ошиқ бўлса, у йил-у, ой, кеча-ю кундуз Кўздан уйқуси қочиб, сабр-у қарори қолмайди.

Таржимаси:

Ишқи мажознинг на ўт, на қори бор,

¹ Умар Хайём. Рубоийлар. – Т.: Бадиий адабиёт, 1971. –Б. 43

² Лондон. Оксфорд университети, Бодлин кутубхонаси. Э.Фицджеральд тўплаган 108 та рубоийлар тўплами. Arch. O. d.16. –Б. 33., 71-рубойи.

Ўчган олов на тутун, на нори бор.
Ишқи ҳақ бўлса, кеча-кундуз, йил, ой,
Кўзда на уйқу, дилда на қарори бор.
Ишқдин абадийлик авжида офтоб,
Ҳаёт чаманида толедан хитоб,
Булбул каби нола қилмоқ ишқ эмас,
Ишқ-нола қилмаслик бўлсанг юз хароб.¹

Ирода эркинлиги ва тақдир масаласи Умар Хайём ижодидаги асосий масалалардан биридир.

Мутафаккир “Наврўзнома” асарида “...Одам еру кўкнинг яратувчисининг оятларига ёзилган ва табиат ипи билан боғланган, дил узугининг муҳри билан муҳрланган ва бошдаги ақлга тааллуқли бўлган бу олам муҳрининг номасидир”² - деб ёзади.

Умар Хайём тақдирнинг жафоларидан нола қилмаслик ҳақиқий ишқдир, яъни чин имон – эътиқод белгисидир, деб ҳар бир дамни шукронада ўтказиш, дунё ишларини ўйламасдан қаноат билан яшаш зарурлигини таъкидлайди.

Кимнинг бор эса бир бурда нони,
Ўзига яраша уй ошиёни,
На биров унга кул, на у бировга,
Айт, шод яшайверсин хушдир замони.³

Мутафаккир инсон ҳаётидаги ҳар бир яхши, ёмон ҳодисани тақдири азалга тўнкаш нотўғри эканлигини уқтириб, инсонга фаолият ва ирода эркинлиги бериб қўйилганлигини эътироф этади:

Киши ўзлигидан яхши ёмон ҳам,
Қазову қадару қувонч ёки ғам.
Ақл айтур буларни чархга тўнкама,
Чарх сендан ожизроқ бечораю кам.¹

¹ Умар Хайём. Рубоийлар. – Т.: Бадий адабиёт, 1971. –Б. 6-7

² Умар Хайём. Наврўзнома. – Т: Мехнат, 1990. –Б.17

³ Умар Хайём. Рубоийлар. – Т.: Бадий адабиёт, 1971. –Б.67

Қуръони Каримнинг Балад сураси 8-10-оятларида “Ахир биз унга икки кўз, тил ва икки лаб ато қилмадикми? Ва биз уни икки баландликка йўллаб кўйдикку”,² деб ёзилган. Бу оятларда инсонга кўриш учун кўз, кўрганларини мушоҳада қилиб сўзлаш учун тил ва лаб, яхшилик ва ёмонликни фарқлаш ва уларни танлаш учун берилганлиги таъкидланган.

Умар Хайём фикрича, дунё сирини билган, тушунган инсонларгина яхши-ёмоннинг фарқини тушунадилар, ғам-ташвишдан озод бўладилар:

Масжиду бутхона каъбада ё-ҳу,
Жаннатдан умиду, дўзахдан кўрқув.
Фақат дунё сирин англаган қалбдан
Абадий қувилмиш бу ташвиш қайғу.³

Мутафаккир дунё сирларини чуқурруқ билишга, инсонларни ғаму-ташвишдан озод қилишга интилади.

Бор йўқнинг зоҳири-юзини билдим,
Баланд паст илдизи-изини билдим,
Мансаб деб мастликнинг ўзин билмасам,
Билимим ҳайф кетсин, ўзини билдим.⁴

Умар Хайём мастликни, яъни дунёвий ташвишлардан қутилиб, рухий хотиржамликка эришишни бахт-саодатнинг калити деб тушунади.

Сенинг мафтунингман, берайин хабар,
Уни икки сўзла жойлай мухтасар:
Ишқинг тупроқ қилғай, аммо меҳрингдан
Бошимни кўтариб, бўлгум жилвагар.⁵

Аллома инсоннинг ҳақиқий бахт-саодатга эришиши иймонга, эзгу амалга, ҳақ йўлга ва шу йўлда чекиладиган машаққатларга сабр-тоқат қилишига боғлиқ эканлигини қайта-қайта тақрорлайди. Мутафаккир тақдир ва ирода эркинлиги масаласига сўфиёна ёндашган. Қисмат инсон пешанасига

¹ Умар Хайём. Рубойлар. – Т.: Бадиий адабиёт, 1971. –Б. 102

² Батафсил маълумот. Қуръони Карим. Ўзбекча изоҳли Алоуддин Мансур таржимаси. Балад сураси, -Б. 733

³ Хайём Умар. Рубойлар. Форс тилидан Ш.Шомухамедов таржимаси. – Т.: Ўзбекистон, 1976. -Б. 93

⁴ Умар Хайём. Рубойлар. – Т.:Адабиёт учқунлари, 2018. –Б. 19

⁵ Умар Хайём. Рубойлар. – Т.: Адабиёт учқунлари, 2018. –Б. 26

битилгани билан эзгу ният ва амаллар инсоннинг ҳаётини яхши томонга ўзгартиришига ёрдам беради, деган фикрни илгари суради.

Мутафаккир фикрига кўра, инсон ўз олдига аниқ мақсадлар қўяди ва унга интилади, лекин тақдири унга аён эмас, инсоннинг барча режаларини ўзгартириб юборадиган кучни инсон тафаккур, ақл орқали била олмайди.

اسرار ازل را نه تو دانى و نه من
وين حرف ابدرا نه تو دانى و نه من
هست از زپس پرده گفتگوى من و تو
چون پرده برافتد نه تو دانى و نه من¹

Асрори азалро на ту донӣ ва на ман,
Вин ҳарфи абадро на ту донӣ ва на ман.
Ҳаст аз паси парда гуфтугўйи ману ту,
Чун парда бар афтад на ту донӣ ва на ман.
Азал сирларини на сен биласан ва на мен,
Абадийликдан бита ҳарфни ҳам на сен биласан ва на мен.
Мену сенинг бу қилиб турган ишлармиз-у гап-сўзларимиз
ҳаммаси парда ортида бўлиб турибди.
Бу парда қачон кўтарилади на сен биласан ва на мен.

Умар Хайём қисматнинг қийинчиликларидан шикоят қилади. Шунга қарамай, у инсонларни хурсандчиликка, муҳаббат ва гўзалликдан лаззатланишга даъват этади. Умар Хайём ўтмишни ҳам, келажакни ҳам ўйламасдан, ҳозирги кун билан яшаб, ундаги барча яхшиликлардан баҳраманд бўлиш керак дейди:

Кечаги кунингни айламагил ёд,
Эртанг келмай туриб, этма кўп фарёд.
Ўтган, келмаганга қайғурмоқни қўй,
Қувноқ бўл, умрингни қилмагил барбод.²

Умар Хайём Маликшоҳ саройида вазир Низомулмулк даврида яшаган

¹ Сафинаи назм ва наср. Эрон, Мажлиси шўрои миллий кутубхонаси, Инвентар рақами 9120/50711., - Б. 59.

² Умар Хайём. Рубоийлар. – Т: Адабиёт учкунлари, 2018. –Б. 73

пайтидаги беташвиш кунлари ўтиб кетганидан кейин, ҳаёти қийинчилик ва моддий ташвишларга ботиб кетади. Шунга қарамай, мутафаккир ҳаётнинг гўзаллигини ўз шеърларида куйлашда давом этади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки,

- инсон ўз фаолиятида ақл ва ирода измига амал қилади. Улар туфайли инсон воқеликнинг сир – асроридан, қонунларидан воқиф бўлади;

- оламни билишда инсон ақли ижодий характерга эгадир;

- инсон ҳайвонлардан донолик ва нутқга эга эканлиги билан фарқ қилади. Унинг фалсафий қарашларида, ақл – бебаҳо жавҳар, ўзига хос хазина сифатида талқин қилинади;

- Умар Хайём қисматни тан олиши билан бир қаторда инсондаги эркин фаолиятни улуғлади;

- руҳий эркинлик инсонни фаол ҳаракатлари орқали ижодий қобилиятларини юзага чиқишига ёрдам беради.

II боб бўйича хулоса

Биринчидан, Умар Хайём борлиқ ҳақидаги қарашларида Форобий ва Ибн Синонинг “вужуди вожиб” ва “вужуди мумкин”нинг ўзаро нисбати ҳақидаги ғояларини ривожлантириб борлиқни руҳдан, ақлдан ашёвий борлиққа қараб, сўнгра эса моддийликдан инсон руҳи, ақлига қараб боради, дейди;

Иккинчидан, мутафаккир фикрича, биринчи борлиқ-Тангри таъоло. Унинг асли, зотининг таърифи йўқ. У зоти, моҳияти нуқтаи-назаридан зарурий, асл сабабдир. Иккинчи борлиқ эса биринчи сабабнинг оқибати билан боғлиқ нарсаларга фазовий сайёралар киради;

Учинчидан, Умар Хайём борлиқни сўфийларга ўхшаб руҳлантирди ва барча нарсаларда жон бор деб ҳисоблаган;

Тўртинчидан, мутафаккир ҳақиқатни диний ва дунёвий ҳақиқатга бўлиб, дунёвий ҳақиқатни нисбий, диний ҳақиқатни эса мутлақ деб диалектик фикр юритган;

Бешинчидан, Умар Хайём инсон ўз фаолиятида ақл ва иродага суяниб улар туфайли воқеликнинг сир-асроридан, қонунларидан воқиф бўлади деб ҳисоблайди;

Олтинчидан, мутафаккир тақдир ҳақидаги фикрларида, инсонни ўз олдига аниқ мақсадларни қўяди ва унга интилади, лекин тақдири унга аён эмас дейди;

Еттинчидан, Умар Хайём инсоннинг барча режаларини ўзгартириб юборадиган кучни инсон тафаккури, ақли орқали била олмайди. Тақдир илоҳий кучларнинг парда орқасидаги ўйини бўлиб, бунда инсон, умрининг охиригача беҳабар қолади, деган фикрни илгари суради;

Саккизинчидан, Умар Хайёмнинг бу фикрларида Шарқ мутафаккирлари Форобий ва Абу Али ибн Сино қарашларига хос бўлган нурли зинапоя эманация назариясининг яна бир шаклини кўришимиз мумкин;

Тўққизинчидан, мутафаккир ер юзида ҳамма нарса омонат эканлиги, шу боис ҳаётни қандай бўлса, шундайлигича қабул қилиб қаноат ва шукроналик билан яшаш кераклиги, бўлмаган ишлар учун ташвиш чекиб ўзини қийнамасликка ундайди.

III БОБ. УМАР ХАЙЁМ АХЛОҚИЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Ушбу бобда асосан Умар Хайёмнинг асарларидаги ижтимоий-маънавий, ахлоқий қарашлари ёритилган. Мутафаккир таълимотида инсон ва унинг ҳаёти, руҳий поклик ва ишқнинг тасаввуфий талқини таҳлил қилинган.

Умар Хайём асарларидаги руҳий поклик, илоҳий ишқ, муҳаббат тараннуми, “май” сўзи ва унинг “шароб”, “бода”, “ҳамр”, “чоғир”, “роҳ”, “мул”, “мудом”, “сахбо” сўзлари билан ифодаланиши баён этилган.

Тасаввуф ислом динидаги бир фалсафий таълимот бўлиб, бунда ҳар бир сўфийнинг ўзига хос, тарорланмас йўли бор. Мазкур бобда Умар Хайём йўли ҳам ўзига хос тажриба деб ҳисоблаш мумкинлиги ҳақидаги таҳлиллар билан танишиш мумкин.

Бобда мутафаккирнинг муҳаббат масаласида диалектик ёндашуви, руҳий муҳаббат билан бир қаторда ер муҳаббати ҳам мавжудлиги ҳақидаги фикрлари таҳлил қилинади. Шунингдек, ёмон, шаръий сифат, хусусиятлардан холи бўлиш, жисмоний ва ахлоқий нуқсонлар, гуноҳлардан тозаланиш, маънавий юксалиш инсонни азоб-укубатлардан халос этиши, инсон маънавий маданиятини, руҳини соғломлаштириш, юксалтириш ҳақидаги фикрлари таҳлил қилинади.

3.1. Умар Хайём рубоийларида руҳий поклик ва руҳий ишқнинг тасаввуфий талқини

Инсон фикри, сўзи ва иши билан гўзалдир. Худди мана шу фазилатларнинг муштараклиги инсон қалби ва амалларининг гўзаллигини белгилайди.

Тасаввуф таълимотида комил инсон муаммоси асосий тадқиқот объекти ҳисобланиб, унда бу масала жуда чуқур ва кенг таҳлил этилган. Тасаввуф таълимоти учун бу назария эмас, балки амалий масала бўлган ва тариқатларда инсоннинг камолотга етиш йўли ва услублари ихтиро этилган. Зеро, мутасаввифларнинг таъкидлашича, комил инсоннинг сийрат ва

суратида илоҳийлик ва инсонийлик мужассамдир, зотан илоҳийликни инсонийликдан ва инсонийликни илоҳийликдан ажратиб тасаввур этиб бўлмайди. Тасаввуфдаги комил инсон тушунчаси илоҳийлик ва инсонийлик тажаллийсининг мукамал ва олий даражаси, барча инсон зоти ягона илоҳий жавхарнинг шуъласи, тажаллийсидир. Шунинг учун борликдаги барча мавжудотлар уни ҳурмат - эҳтиром ҳамда хизмат қилмоқлари зарур.¹

Умар Хайём билиш жараёнида ақл ва қалбнинг ўзаро муносабати масаласига тўхталиб, ақлни қалбга, руҳга эга ва ўз навбатида, ҳеч бир жонни ақл-идроксиз яшай олмайди, деб ҳисоблайди. Улар биргаликда самони, сайё-раларни бошқаради. Бунда руҳ, қалб самони ўз фаолияти билан ҳаракатга келтирса, ақл уни муҳаббат билан ҳаракатга келтиради ва шунинг учун ҳам ақл руҳга, қалбга нисбатан юқорироқ туради, зарурий вужудга яқин бўлади. Шу сабабга кўра ҳақиқатни билишда мустақил, руҳ эса унинг кўмагига муҳтождир.

Ақл ва руҳ уларнинг бирлиги, мутафаккирнинг таъкидлашича, самони ҳаракатга келтирувчи куч бўлибгина қолмай, балки уни билиш воситаси ҳамдир. Зарурий вужуд ва борликни билиш, улар тўғрисида билимларга эга бўлиш, тушунча ва категорияларни яратиш ана шу мавжудотларнинг табиати, самонинг ҳаракати билан белгиланади.

Умар Хайём яккахудоликни, тавҳидни тан олган мусулмон файласуфдир. Лекин, айти пайтда Умар Хайём ҳамда ундан аввал ва кейин ўтган машоиййун-файласуфлар билан юнон файласуфлари, айниқса, Арасту ўртасида мустаҳкам боғлиқлик бор. Уларнинг ҳаммаси юнон файласуфлари изидан борган.

Маълумки, мусулмончиликнинг асоси-тавҳидда, яккахудоликда. Аллоҳ ягона, унинг шериги йўқ ва бўлиши мумкин эмас. Қадимги юнон мутафаккирлари айнан ана шу тавҳид йўлини фалсафий жиҳатдан асослаб берган. Юнон донишманди Суқрот ўлимга маҳкум этилганида, юнон

¹ Эркин Зоиров. Махдуми Аъзамнинг фалсафий ва ижтимоий-сиёсий қарашлари. – Т.: Турон замин зиё, 2015. –Б. 71

маъбудларига шак келтиришда, ёшларни нотўғри йўлга (аслида тавҳид йўлига) даъват этишда айбланади. Лекин Сукротнинг ўлими олдидан: “Мен Унинг (уларнинг эмас!) ёнига кетяпман!” дейди. Шунингдек, Афлотуннинг ғоялар, мутлақ рух, эманация ҳақидаги таълимоти ҳам тўғридан-тўғри яккахудолик масаласига бориб тақалади. Лекин Сукрот ва Афлотун тавҳидни фалсафий-назарий жиҳатдан асослашга уринмаган.

Таъкидлаш жоизки, Умар Хайём аниқ фанлар ва фалсафа борасида қай даражада етукликка эришган бўлса, ўз Раббини билишда ҳам шундай мақомга етган.

Бу ўринда икки ҳодисага эътиборни қаратмоқ лозим. Булардан бири мутафаккирнинг ўз ўлимини олдиндан сезганлиги. Байҳақийнинг эътирофича, у Умар Хайёмнинг қариндошидан қуйидагиларни эшитган: “Бир куни у (Хайём) олтин мисвок билан тишини тозалаб туриб, “Аш-Шифо” (Ибн Сино) асарининг метафизика қисмини диққат билан ўқир эди. Китобнинг яккалик ва кўплик ҳақидаги бобига келганида, у мисвокни варақ орасига қўйиб: “Шоҳидларни чақир, мен васият қилмоқчиман”, деди. Кейин у туриб, намоз ўқиди, (шундан сўнг) ҳеч нарса емади ҳам, ичмади ҳам. Хуфтон намозини ўқиб бўлганидан кейин у бошини саждага қўйди ва сажда ҳолатида, “Ё Раббим, мен Сени имконим қадар билдим. Тавбамни қабул айла, Сени билишим - менинг Сенга борадиган йўлим эди”, деди-да, жон берди”.

Иккинчи ҳодиса эса Аҳмад ан-Низомий ал-Арузий ас-Самарқандийнинг мана бу шоҳидлиги билан боғлиқ: “Беш юз олтинчи (1112/13) хожа имом Хайём ва хожа имом Музаффар Исфизорий Балхда амир Абу Саъд Жаррийнинг Қулдорлар маҳалласидаги саройига бордилар, мен эса, хизматда бўлиш учун уларга қўшилдим. Базм пайтида Хужжат ул-ҳақ Умар: “Менинг қабрим шундай жойда бўладики, у ерда ҳар баҳор еллар устимдан гул сочиб туради”, деганини эшитдим. Бу сўзлар мени ҳайратлантирди, бироқ мен бунақанги одам асоссиз гапирмаслигини билардим. Беш юз ўттизинчи (1135/36) йили мен Нишопурга бордим, ўшанда

у улуғ инсон (ўз) юзини қабр билан тўсганига ва бу дунёи-дунни етим колдирганига тўрт йил бўлган эди. У менинг устозим эди.

Мен жума куни унинг қабри зиёратига отландим ва уни кўрсатиб бериш учун ёнимга бир одам олдим. У мени Ҳайр қабристонига бошлаб келди. Мен чапга бурилишим билан, қўшни боғни ўраб турган девор остидаги устозим қабрини кўрдим: нок ва ўрик дарахтлари боғ деворидан ошиб ўтган, қабр устига осилган шохлари шунчалик гулларини кўп тўккан эдики, бутун қабр гулга кўмилиб ётарди. Ўшанда мен Балхда эшитган сўзларни эслаб, йиғлаб юбордим...”.

Бу икки ҳодиса Хайёмнинг, ўзи айтганидек, Худони билганлигидан далолатдир. Чунки Худони фақат ўзини билган одамгина била олади, ўзини англаб етган одамгина Худони англаб етади: “Ўзини англаб етган кишигина ўз Яратганини англаб етади...”. Ўзининг ёнига ўлим фариштаси қачон келишини билган, ўлимидан сўнг ўз қабрининг ўзи орзу қилган жой ва ўзи хоҳлаган ҳолатда бўлишига эришган одамлар оддий бандалар эмас, улар комиллик даражалари пиллапоясининг энг юқорисидан ўрин олган - инсонлардир.

گنه خوردم در خور اثبات تو نيست،
و اندیشه من به جز مناجات تو نيست.
من ذات ترا بواجبی کی دانم،
داننده ذات تو به جز ذات تو نيست¹

Ўқилиши:

Гунаҳ хўрдам, дархўри исботи Ту нест,
Ваандишаиманба жузмуножоти Ту нест.
Манзоти Туроба вожибикай донам,
Донандаизоти Ту ба жуззоти Ту нест.

Мазмуни:

Гуноҳ қилдим, буни Сенга исбот қилиб ўтириш шартмас,

¹“Мажмуан расоил” (“Рисолалар тўплами”) қўлёзма асарида жами 9 та алломанинг рисоласи ва назмий ижоди жамланган. Мазкур қўлёзма асар ҳижрий 1254, милодий 1838 йилда кўчирилган бўлиб, у Эроннинг “Мажлиси Сино” кутубхонасида 12828/110 рақами остида сақланади. –Б. 173. 2-рубой.

Менинг Сенга муножот қилишдан ўзга фикрим йўқдир.
Мен Сенинг зотинг қанақалигини қайдан ҳам билардим,
Сенинг зотинг қанақалигини Сендан бошқа биладиган
зотнинг ўзи йўқ.

Таржимаси:

Гуноҳ қилдим, керакмас Сенга ҳеч исбот,
Фикр-у, зикрим Сенга қилмоқдир муножот.
Қаёқдан ҳам билардим, зоти покингни,
Зотингни Сендан ўзга билмагай ҳеч зот.

Баъзи тадқиқотчилар Умар Хайёмни тасаввуф таълимотига яқин бўлган деб ҳисоблайдилар. Тасаввуфда май ҳаёт хурсандчилиги тимсоли сифатида ишлатилади. Инсон бу дунёга ғам-алам чекиш учунгина эмас, ҳаётдан хурсанд бўлиш учун ҳам келади. Инсон қалби муҳаббат ва хурсандчилик боғини ўзига макон қилиб танлайди. Лекин бу боққа ғурбат ва ташвиш қора илон бўлиб кириб олади. Умар Хайём фикрича, инсон руҳи бу моддий оламга қувонч учун келади. Руҳ учун инсон танаси зиндон эмас ва руҳ ундан ҳазар қилмайди, балки улар бир-бирига мойилдир.

Шу муносабат билан бир масала ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз. Маълумки, Қуръони Карим оятларида инсонга муносабат масаласида икки хил ёндошув мавжуд. Чунончи, унинг жисмоний ҳолатини назарда тутган ҳолда ўнта физиологик ҳолат нуқтаи-назаридан қаровчи оятлар мавжуд бўлиши билан бирга, унинг руҳий ва маънавий томонини назарда тутган ҳолда унга ижтимоий моҳият сифатида қаровчи оятлар ҳам мавжуд. Инсонни физиологик моҳият сифатида талқин қилинган оятларда инсон бошқа махлуқот ва мавжудотлардан ҳеч қандай афзаллиги йўқ. Чунки у ҳам бошқа махлуқот сингари Аллоҳ томонидан тупроқдан, лойдан, балчиқдан, умуман, моддий унсурдан яратилган ва яна шундай унсурга айланади. Аммо бунга айрим ислом муҳолифлари, атеистлар таъкидлаганидек, инсонга нисбатан ҳақорат, инсонни камситишга қаратилган оятлар, деб қарамаслик керак. Энг аввало, ушбу оятларнинг ахлоқий ва тарбиявий томонига эътибор қаратмоқ зарур. Чунки, инсоннинг ҳам ибтидою интихоси бошқа махлуқлар сингари моддий

унсурларга бориб такалар экан, унинг манманликка, кибр-хавога, такаббурликка юз тутишига ҳеч қандай маънавий асос йўқ. Шундай экан, у ўзини имкони борича камтар, камсуқум, хокисор тутмоғи зарур. Бунда подшою гадонинг, бою камбағалнинг, амалдору фуқаронинг бир-биридан афзаллиги йўқ, уларнинг интиҳодаги тақдири бир хилдир. Айтиш мумкинки, Умар Хайёмнинг рубойларида ушбу масала буйича айтган фикрлари, ғоялари Қуръони Карим оятларига ҳамоҳангдир:

Бозорда бир кулол кўрсатиб хунар,
Бир бўлак хом лойни тепиб пишитар.
Лой инграб айтади “Хой секинроқ теп,
Мен ҳам кулол эдим сендек, биродар”¹.

Шу муносабат билан яна бир нарсани таъкидламоқ зарурки, Хайёмнинг илгари дин пешволари ва раҳнамоларининг кирдикорларини фош қилувчи, деб талқан қилинган фикрларининг аксарияти ҳам асосан ҳар бир инсоннинг ким бўлишидан қатъий назар ўз жинсдошларига қилаётган зулми ва адолатсизликларини қоралаш, деб ҳам қарамоқ мумкин.

Сендан кўра, эй муфти², омилкормиз,
Сендан кўра, май ичсак-да, хушёрмиз³.
Биз ток қонини ичамиз, сен эл қонини,
Хўш, қай биримиз қонхўру золим бормиз?!⁴

Умар Хайём, хатто, тасаввуф адабиётида Аллоҳга бўлган ишқ рамзи сифатида ифодаланадиган май тимсолидан ҳам айрим фикрларида инсондаги такаббурлик, манманлик ва худбинликни қоралашда фойдаланади:

Май ичаман, мастлик қилмайман асло,
Қадахдан ўзгага бўлмайман бало.
Бода ичишликдан менинг ғаразим-
Ўзимга сен каби қуймаслик бино¹.

¹ Умар Хайём. Рубойлар. 2-нашри. – Т: “Ўзбекистон”, 2018. –Б. 280

² *Муфти* — фатво берувчи; шариат қонунларини талқин қилувчи, шариат ва ҳуқуқ масалалари юзасидан ҳукм чиқарувчи.

³ *Омиякор* — ишбилармон; оқил, уста.

⁴ Умар Хайём. Тириклик тимсили. Рубойлар. – Т: Ўзбекистон, 2012. –Б. 116

Энди инсонни ижтимоий моҳият сифатида талқин этувчи Қуръони Карим оятларига келсак, унинг асосий тамойили “Лақад каррамно бани одама” (“Биз одам зотини албатта ҳурмат-эҳтиромли қилдик”) деган оятда ўз ифодасини топган. Шу нуқтаи-назардан инсон ҳамма махлуқотнинг энг афзали, худонинг ердаги халифаси ҳисобланади. Чунки, Аллоҳ инсонга буюк неъмат бўлган ақлни берган. Инсон мана шу неъмат туфайли ҳайвондан фарқ қилади. Шу нуқтаи-назардан инсонга ҳамма махлуқотлар сажда қилмоғи керак. Бунинг исботи сифатид Қуръони Каримнинг бир неча оятларида, ҳатто фаришталарнинг ҳам Одамга сажда қилганлиги ва фақат шайтонгина кибр-ҳавога берилиб, инсонга сажда қилишдан бош тортганлиги ва бунинг учун лаънатланиб, жаннатдан қувилганлиги ҳақидаги оятларни келтириш мумкин. Бу оятларнинг тарбиявий аҳамияти шундаки, кибр-хаво фақат шу куйга тушиб қолган одам учунгина катта фалокат бўлиб қолмасдан, балки бутун инсоният учун ҳам катта фалокат эканлиги таъкидланади. Чунки, шайтон лаънатланиб, жаннатдан ҳайдалгандан кейин бутун одамзотнинг душманига айланди. То қиёматгача одамларни васвасага солиб, ёвузликка ундайди.

من بنده عاصيم رضای تو گجاست؟
تاریک دلم نور و ضیای تو گجاست؟
مارا تو بهشت اگر بطاعت بخشی،
آن بیع بود لطف و عطای تو گجاست؟²

Ўқилиши:

Ман банда – осиям, ризойи Ту гужост?
Торикдилаам, нурузийи Ту гужост?
Моро Ту беҳиштагар ба тоатбахши,
Он байъ бувад, лутфу атои Ту гужост?

Мазмуни:

Мен бир исёнкор бандангман, рози-ризолигинг қани?
Дилим қоронғу зулмат, уни ёритадиган нуру зиёнг қаерда?

¹ Умар Хайём. Тириклик тимсили. Рубойлар. – Т: Ўзбекистон, 2012. –Б. 119

²“Мажмуан расоил” (“Рисолалар тўплами”) қўлёзма асарида жами 9 та алломанинг рисоласи ва назмий ижоди жамланган. Мазкур қўлёзма асар ҳижрий 1254, милодий 1838 йилда кўчирилган бўлиб, у Эроннинг “Мажлиси Сино” кутубхонасида 12828/110 рақами остида сақланади. –Б. 174., 5-рубойи.

Агар Сен қилган тоату ибодатларимиз учун бизга
жаннатни берадиган бўлсанг,
Бу ахир савдолашиш бўлади, унда Сенинг лутфу караминг
қаерда қолади?

Таржимаси:

Гуноҳкор бандангман, ризойинг қани?
Дилим хуфтон, нуру зиёинг қани?
Тоатимиз учун жаннатни берсанг,
Савдо-ку бу, лутфу атойинг қани?

Шу маънода ҳам Умар Хайём май тимсолидан айши ишрат, ҳирс-ҳаловат манбаи сифатида эмас, балки рамзий маънода, яъни, Аллоҳ томонидан яратилган инсонга ҳамма мавжудотларнинг сажда қилишига олиб келувчи бир восита сифатида қарайди:

Ичкилик кеккайган бошни қилур ҳам,
Майдан ечилмаган бир тугун кам.
Бир қултум май ичган бўлсайди шайтон,
Минг сажда қиларди одамга ул ҳам¹.

Мутафаккир тасаввуф таълимотида майни Аллоҳга бўлган муҳаббат талқинидан фойдаланган ҳолда, бу муҳаббат, аввало Аллоҳ томонидан яратилган мавжудотлари ичида энг афзали бўлган инсонга бўлган муҳаббат бўлмоғи зарурлигини таъкидламоқдадир.

Умар Хайём “Мавжудликнинг умумийлиги” ҳақидаги асарида ақл, жон, муҳаббат ҳақида фикр юритади. У Абу Али ибн Синога ўхшаб ақл ва жонни бир неча шаклларга ажратади. Ақлнинг энг юқори шакли фаол ақлдир. Фаол ақл муҳаббат ёрдамида жонга таъсир этади ва у билан биргаликда оламни ҳаракатга келтиради. Жон эса ўз-ўзини англашга интилади ва муҳаббат орқали фаол ақлга яқинлашади. Умар Хайём фикрича, жон ва фаол ақлни бирлаштирувчи куч-бу муҳаббатдир. Албатта, бу муҳаббат рухий муҳаббат бўлиб, жонни ўз-ўзини англашга ёрдам беради,

¹ Умар Хайём. Рубойлар. – Т.: Ўзбекистон, 2018. –Б. 23

фаол ақлни эса, жон билан бирлашишига хизмат қилади.

Умар Хайёмнинг мухаббат ҳақидаги фикрлари тасаввуфдаги карашларга ниҳоятда яқин бўлган. Сўфийлар таълимотида Худо бутун борлиқ билан бирлашиб кетган, унинг нури борлиқнинг ҳар бир заррачасида, ҳар бир вужудида мавжуд. Шунинг учун сўфийлар дунёқарашида Аллоҳга бўлган мухаббат бутун борлиқ билан бирлашиб кетиши ва ўз “Мен”лигини енгишда намоён бўлади. Ўз “Мен”идан воз кечиш анча мураккаб жараён бўлиб, зиддият ва қийинчиликларга бойдир. Умар Хайёмнинг бир қанча асарларида руҳий мухаббат олқишланган бўлса, бошқа бир қисмида ер унинг инсоний, оддий инсонлараро мухаббати афзалроқ кўринади:

Гул фасли, сув бўйи, кўкаламда гар.
Бўлса уч – тўрт улфат, ой юзли дилбар,
Қадахни сипқорғил, тонгда ичганлар –
Масжиду черковдан кутулғандирлар.¹

Умар Хайём ўз “Мен”лигидан кечиш, инсон учун ниҳоятда мураккаб жараён деб ҳисоблайди ва бу нарса руҳий эркинликни йўқотишга ҳам олиб келиши мумкин деб ўйлайди. Бу эса, ўз навбатида, инсонни бошқаларнинг акси, нусхасига айлантириб қўйиши мумкин. Шундай қилиб, Умар Хайём фикрича, руҳий мухаббатга эга бўлган инсон, моддий оламнинг барча гўзаллиги-ю, ҳис-туйғуларидан воз кечмайди. Ҳис-туйғулар масалан, майга ва гўзал машуқага бўлган ҳиссиётлар руҳий мухаббатнинг бир кўриниши, шакли деб ҳисобланади. Умар Хайём шеърлятида руҳий мухаббат энг кучли ҳаётий бир қувватдир. Инсон ҳаёти қисқа, лекин ўлим инсон танасидаги руҳни енга олмайди, ҳатто, тана ҳам изчил ҳаётдан йўқолмайди. У тупроқдан ўсимликка, ўсимликдан тошга, сувга, ҳавога айланади. Моддий тана материянинг айланма ҳаракатида тинимсиз иштирок этади. Руҳ эса тананинг ўлиmidан кейин оламий руҳга қўшилиб кетади. Ўлим-бу йўқ бўлиб кетиш эмас, балки бир шаклдан бошқа бир шаклга ўтишдир деган фикрни маъқуллайди.

¹ Умар Хайём. Рубоийлар. – Т.: Бадиий адабиёт, 1971. –Б. 58

با تو بخرابات اگر گویم راز،
به ز آنکه بمحراب کنم بی تو نماز.
ای اول و ای آخر خلقان همه تو
خواهی مرا بسوز و خواهی بنواز.¹

Ўқилиши:

Бо Ту ба харобота гар гўям роз,
Беҳ зонки ба меҳроб кунам бе Ту намоз.
Эй Аввалу эй Охир, халқон ҳама Ту,
Хоҳе маро би сўз-у, хоҳи бинвоз.

Мазмуни:

Сен билан ишқнинг харобот майхонасида гаплашиб
юрганим,
Сени эсламасдан меҳроб ёнида намоз ўқиганимдан
яхшироқдир.
Эй, ҳамма нарсанинг Яратувчиси бўлган Аввал ва Охир
зот,
Истасанг мени дўзахингга солиб куйдир-у, истасанг
жаннат билан сийла.

Таржимаси:

Майхонада гар Сенла айласам роз,
Яхшироқ Сенсиз ўқигандан намоз.
Холиқисан бор нарсанинг бошдан охир,
Иста, жаннат бер ва ё дўзахга бос.

Умар Хайём ҳаётни чексиз ва бепоён уммонга ўхшатади, айрим инсонларнинг ҳаёти эса, бу уммонга қўшилиб оқаётган дарёлардир. Мутафаккир фикрича, барча дарёлар ҳам денгизга қўшила олмайди, айримлари йўлда саёзлашиб, туриб қолган кўлмакларга айланиб қолади. Ҳаёт дарёсида тўғри сўз ва ҳалол инсонлар оқимга мослаша олмай чўкиб

¹ Лондон. Оксфорд университети, Бодлин кутубхонаси. Э.Фицджеральд тўплаган 108 та рубойлар тўплами. Arsh. O. d.16. –Б. 14., 2-рубой.

кетишлари мумкин, иккиюзламачи ва нопок шахслар эса, оқимга мослашиб ҳаётнинг барча лаззатларидан баҳраманд бўладилар. Ҳаёт ўзи катта бир томошага ўхшайди, инсон эса томошабинга. Бу томошани сахналаштирувчи Аллоҳ инсон тафаккури учун парда орқасида яширинган ажойиб бир сирдир. Оламнинг бу сирини ҳеч қандай донишманд ва олим била олмайди.

Эй дил, бу жаҳон ҳақиқатидир мажоз,
Бекор ғаму-қайғу чекмагил дуру-дароз.¹
Тақдир ишига тан бер: у кўпдир ёки оз,
Ҳукмини тузатмас у қилиб сенга ниёз.²

Мутафаккир фикрича, руҳий муҳаббатга эга бўлиб инсон моддий оламнинг барча гўзаллиги-ю, ҳис-туйғуларидан воз кечмайди. Май ва гўзал маъшуқага бўлган ҳиссиётлар ҳам руҳий муҳаббатнинг бир кўриниши, шакли ҳисобланади. Умар Хайём рисолаларида руҳий муҳаббат энг кучли ҳаётий бир қувватдир. Инсон ҳаёти қисқа, лекин ўлим инсон танасидаги руҳни енга олмайди, ҳатто, тана ҳам изчил ҳаётдан йўқолмайди. У тупроқдан ўсимликка, ўсимликдан тошга, сувга, ҳавога айланади. Моддий тана материянинг айланма ҳаракатида тинимсиз иштирок этади. Руҳ эса тананинг ўлиmidан кейин оламий руҳга қўшилиб кетади. Ўлим – бу йўқ бўлиб кетиш эмас, балки бир шаклдан бошқа бир шаклга ўтишдир³.

Умар Хайём рисолаларида ҳаёт хурсандчиликлари, гўзаллик, севги ва муҳаббат каби ижтимоий-ахлоқий ғоялар май тушунчаси орқали таҳлил этилган.

Май ичсам агар боис эмас айшу-тараб,
Тарк этмак учунмас сира ё дину-адаб.
Бир лаҳза сузиш баҳрида беҳудликнинг⁴
Май ичмагу маст юрмагима асли сабаб.⁵

¹ Дуру дароз – узундан узок.

² Умар Хайём. Рубоийлар. – Т.: Адабиёт учқунлари, 2018. –Б. 237

³ Умар Хайём Нишопурий – Шарқнинг буюк мутафаккири: халқаро илмий анжуман материаллари. Техрон - Тошкент. “Ал – худо” халқаро нашриёти, Мовароуннаҳр, Қобулнийёзова Г.Т., Умар Хайём ижодида руҳий муҳаббат масаласи. 2004. –Б. 126

⁴ Беҳудлик – сукур ва ошиқлик мақоми; ўзидан беҳабарлик.

⁵ Умар Хайём. Рубоийлар. – Т.: Адабиёт учқунлари, 2018. –Б. 118

Умар Хайём майни айнан мистик илмга Ҳаққа бўлган кучли интилиш мажози сифатида ишлатган.

Мастлигу хушёрлик оралиғи бор,
Ҳаёт шу, унга қул бўлсам яхшироқ.

Умар Хайём рубойларида энг кўп ишлатилган сўзлар: *الخمره* Хамр, *الحانة* Шароб дўкони, *الساقى* Соқий, *الكوز* Кўза, *الناي* най, *المغنى* Қўшиқчи, деган сўзлардир¹. Юқоридаги сўзлардан тасаввуфий ишқни ифода қилишда моҳирлик билан фойдаланилган. Умар Хайём “май” сўзи ва унинг “шароб”, “бода”, “хамр”, “чоғир”, “роҳ”, “мул”, “мудом”, “саҳбо” сўзларини шунчалик илоҳий ва дунёвий уйғунликда ифода этади, яъни маънолар оламида “сархуш” бўлади. Унда инсон танасидаги абадий тортишув – шайтон ва раҳмон, ақл ва нафс жангининг туғёнини баён қилиб жунбушга келтиради.

Тақдирни билиш ўйида банд этди у дам,
Лавҳу қаламу биҳишту дўзах мени ҳам.
Бир куни деди устод менга: ўзингдаку жам,
Билсанг агар, биҳишту дўзах, лавҳу қалам.²

Тасаввуфда ҳар бир таълимот ўзига хос ёндашув асосида шакллланган. Умар Хайём йўли ҳам ўзига хос тажриба ҳисобланади.

Соқийки, лаби³ гўё фараҳбахш ёқут,
Дилга ғами қувватдир-у, жонимга қут.
Ким ўлмаган эса ғами тўфони аро,
Нух кемаси ўшанга бўлибдир тобут.⁴
Ёки:
Бермоқ яширин сирдан хабар хоҳлайман,
Қилмоқ вале сўзни мухтасар хоҳлайман.
Ишқинг ила ер қаърига кирмоқни-ю, боз
Меҳринг ила топмоқни самар хоҳлайман.¹

¹ Саййид аҳмад ас-Софий аннажафий. *رباعيات عمر الخيام تغريب*. Техрон: 1900. –Б.18

² Умар Хайём. Рубойлар. – Т.: Адабиёт учқунлари, 2018. –Б. 99

³ Лаб – сўфийлар истилоҳида маънавият оламидан анбиёга малаклар воситасида, авлиёга эса илҳом орқали нозил бўладиган калом. Шунингдек, пирнинг илоҳий маърифатга кон сўзи ва бу жондахш каломнинг мазмуни ҳам кўзда тутилган.

⁴ Умар Хайём. Рубойлар. – Т.: Адабиёт учқунлари, 2018. –Б. 98

Умар Хайём Муҳаммад (с.а.в.) нинг “Ал-фақри, фаҳри”, яни “Фақрлик фаҳримдир” деган ҳадисларига таяниб, бутун умри давомида шу ақидага амал қилганлигини такидлайди:

Бир бурчакда қотган нонга қаноат,
Истамадим ундан ортиқ ҳашамат.
Жону дилдан харид этдим фақирлик,
Фақирликдан ортиқ кўрмадим давлат.²

“Май” Умар Хайём таълимотининг асосий мавзуларидан биридир.

ميلم بشراب ناب باشد دايم،
گوشم بنى ورباب باشد دايم.
گر خاک مرا كوزه گران كوزه كنند ،
آن كوزه پر از شراب باشد دايم.

Мен ҳамиша пок шаробни хоҳлайман
Қулоғим ҳамиша най ва рубоб ила мойилман
Гар тупроғим кулолчилар кўза қилсалар
Ул кўза шароб ила тўладир доим.³

Мутафаккир асарларининг талқин қилишдаги асосий баҳсу мунозаралар ҳам айнан ана шу “май”нинг маъносини қандай тушунишдадир. Баъзи тадқиқотчилар “май” тушунчаси Умар Хайём ижодида рамзий маънога эга деса, бошқалар бу табиий май, деб таъкидлашади. Аммо кўпгина тадқиқотчилар ўз фикрларини матнга боғлаб исботлашга уриниб кўрмаган. Бу эса “май”нинг маъноси минг йил олдин қандай жумбоқ бўлса, ҳозиргача ҳам шундайлигича қолмоқда.

Умар Хайёмнинг май ҳақидаги фикрининг турлича талқин қилиниши, бошқа тадқиқотчиларнинг унга нисбат берилган таърифларидандир. Яъни айрим тадқиқотчилар “май”ни ишқ ва унинг кайфияти маъносида қўллаганлар ва тушунганлар. Бу Умар Хайём илмий дунёқарашини турлича талқин қилишга сабаб бўлмоқда. Тадқиқот жараёнида кўплаб

¹ Умар Хайём. Рубоийлар. – Т.: Адабиёт учкунлари, 2018. –Б. 194

² Умар Хайём. Рубоийлар. – Т.: Адабиёт учкунлари, 2018. –Б. 49

³ Саййид аҳмад ас-Софий аннажафий. رباعيات عمر الخيام تغريب . Техрон: 1900. –Б. 13., 24-рубоий

тадқиқотчиларнинг ёндашувларини ўрганишга тўғри келди.

Бадиий адабиётларда “майни” луғавий маъноси узумни ачитиб тайёрланадиган ичимлик ва унинг “шароб”, “бода”, “хамр”, “чоғир”, “роҳ”, “мул”, “мудом”, “саҳбо” сингари маънодошларини эса, тассавуфий таълимотда ҳақиқат маърифати ва ишқига нисбатан ҳам ишлатилади.

Ишқу муҳаббат бир неча жиҳатдан майга ўхшайди. Абдурахмон Жомий ўзининг “Лавоих” асарида муҳаббат билан майнинг ўхшаш жиҳатларидан қуйидаги ўнтасини баён қилган.

1. Май ўзининг аслий ўрни бўлмиш хум ичидан ўзганинг таъсирсиз ўздан-ўзи қайнаб, ўзини кўрсатишга ҳаракат қилганидек, ошиқлар кўнглидаги яширин ишқ ҳам ғалаён қилиб зуҳур этишга интилади.

2. Май ўз зоти ҳаддида муайян бир шаклга эга эмас, қайси идишга тушса, шу идишнинг ички шаклини олади. Худди шунингдек, ишқ аслан мутлақ бўлиб, унинг зуҳури муҳаббат аҳлининг қобилияти ва истеъдодига яраша содир бўлади. Ошиқлар орасидаги тафовут ишқнинг зотий хусусиятига эмас, уларнинг кўнгул идишига боғлиқдир.

3. Майнинг ҳам, ишқнинг ҳам сироати ялпи жараёндан иборатдир. Май кишининг ҳамма аъзосига таъсир қилганидек, ишқ ҳам ошиқнинг қону-жонига кириб, унинг бутун вужудини эгаллаб олади.

4. Май ўзининг ичувчисини, ишқ севгучини марду сахий қилиб қўяди. Аммо май масти пулни аямаса, ишқ масти жони жаҳонини, бор-йўғини бахшида қилади.

5. Май ҳам, ишқ ҳам кишини қўрқмас ва ботир қилиб қўяди. Лекин май ботирлиги оқибатни кўрувчи ақлнинг мағлуб бўлишидан бўлса, ишқ шижоати ҳақиқат нурининг ғолиблигидандир. Биринчиси шахсни фалокату ҳалокатга олиб боради, иккинчиси абадий ҳаёту саодатга бошқаради.

6. Май ҳам, ишқ ҳам киши бошидан кибру-ҳавони учиради ва ниёзу-тавозега туширади. Бироқ ичкиликнинг оқибати хорлигу-разолатдир, пок ишқ натижаси иззату-шарофатдир.

7. Май ҳам, ишқ ҳам сирни фош қилади. Асрлар давомида аён бўлган ҳақиқату-маърифат сирларини ишқ юзага чиқарган.

8. Май ҳам, ишқ ҳам кишини беҳуш қилади. Аммо май беҳушлиги нодонлик ва ғафлатнинг энг тубан даражасидир, ишқ беҳушлиги эса сезгирлик ва огоҳликнинг энг олий мартабасидир.

9. Майпараст майни ичган сари яна кўпроқ ичкиси келади, ишқпараст ҳам ишқ дардига мубтало бўлган сари яна ортиқроқ берила боради. Лекин ичкучи борган сари одамийлик қиёфасини йўқота боради, севгучининг эса инсоний фазилатлари орта боради.

10. Май ҳам, ишқ ҳам номусу-ҳаё пардасини кўтаради. Бироқ ичган ўзидан ўзгани ҳақорат қилиб, халққа озор беришдан уялмайди, севган эса ўзгалар учун ўзини хору-зор қилишдан ор қилмайди.

Умар Хайём ҳақиқий ишқни қуйидагича таҳлил этган:

Дунёда улуг сўз – Қуръон
У ҳам мудом эмас, аҳён ўқилур.
Пиёла четида бир оят борки,
Ҳар жойда, ҳамиша, ҳамон ўқилур¹.

Яъни, буюк калом деганлари Қуръонни доим эмас, гоҳ-гоҳ ўқийдилар. Пиёла теграсида бир оят борки, уни мудом ўқийдилар. “Мудом” сўзининг доим ичиладиган май бўлиб ҳақиқий ишқни билдиради. Бу ишқ оламу одамнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган ва у бутун мавжудотни ўз қамровига олган².

Умар Хайём кўза ясовчи кулол тимсоли яратувчи (тангри) бўлиб, кўзагар нима учундир ажойиб кўза ва косалар ясаб, уни яна синдириши ҳақида ёзади. Яхши бўлса нима учун синдиради-ю, ёмон ясалган бўлса ким айбдор?

Дўзаху жаннатни ким кўрган, э дил?

У дунё хабарин ким берган, э дил?

¹ Умар Хайём. Рубоийлар. – Т.: Ўзбекистон, 2018. –Б. 267

² Алибек Рустамов, Академик. Ҳаким Умар Хайём ижодининг таълимий аҳамияти. Умар Хайём Нишопурий – Шарқнинг буюк мутафаккири: халқаро илмий анжуман материаллари. Тошкент – Техрон. Ал – худо, Мовароуннаҳр, 2004. –Б. 23-24.

Қўрқув-умидимиз шулардан, аммо,
Ному нишонасин ким билган, э дил.¹
Баъзан эса ўз-ўзига жавоб бергандай бўлади:
Масжиду бутхона, минбарда “Ё - ху”
Жаннатга умиду дўззахга қўрқув –
Фақат дунё сирин англаган қалбдан
Абадий қувилмиш бу ташвиш, қайғу.²

Умар Хайёмнинг тасаввуф таълимотидаги фано³ ҳолатини охиригача қабул қила олмаганлигидан далолат беради. Мутафаккир фикрича, инсон ўз “Мен”лигидан ва шубҳаларидан ҳеч қачон озод бўла олмайди. Инсон қалбида ўзлигига бўлган ҳиссиёт Аллоҳга бўлган муҳаббатига жой бўшатиб бериши душвор.

Робиа Ал-Адавия тунга на жаҳаннам, на жаннат керак. У ёр висолидан бошқа ҳеч нарсани истамайди. Робия Адавия учун ёр-бу Аллоҳдир ва унинг бутун қалби Аллоҳга бўлган муҳаббат билан лиммо-лимдир. Бундай фано ҳолатида Робия Адавия ўзлигини ҳам, шубҳаларини ҳам унутади ва бутун вужуди билан Аллоҳга қўшилиб кетади. Аллоҳга бўлган муҳаббат орқали фано ҳолатида инсон руҳи, ўлим устидан тантана қилади ва мангу ҳаётга эришади. Тасаввуфнинг бу ажойиб ҳолатини тафаккур орқали тушуниб ҳам, тушунтириб ҳам бўлмайди.

Умар Хайём “Шайх ва шайтон” асарида фано ҳолатини ҳис қилолмаганлиги ва бу ҳолатга етиша олмаганлигини очиқ англатади ва равшан ифодалайди. Шунинг учун, мутафаккир руҳий муҳаббат ҳақидаги тасаввурлари бир-бирига қарама-қарши ва зид бўлган инсон моҳиятини очишга ҳаракат қилади.

Умар Хайём қарашларидан инсоннинг руҳий интилишлари ва бу йўлдаги хурсандчилик ҳамда азиятларини ҳис қилишимиз мумкин. XIX асрнинг ўрталарида Ғарбий Европада ҳам Умар Хайёмнинг фалсафий

¹ Умар Хайём. Рубойлар 2-нашри, – Т.: Ўзбекистон, 2018. –Б. 282

² Умар Хайём. Рубойлар 2-нашри, – Т.: Ўзбекистон, 2018. –Б. 87

³ Фано - йўқлик демакдир.

ғояларга тўла шеърляти кенг тарқалди ва қисқа вақт ичида шуҳрат қозонди. Гўзал шеърлари содда бадий тимсоллар шаклида берилганлиги учун мухлисларнинг қалбига осонроқ етиб борган.

Академик Алибек Рустамов тадқиқотида “май”нинг маънолар таркибини аниқлаш учун ҳали ҳеч бир тадқиқотчи томонидан қўлланилмаган усулдан фойдаланади. Умар Хайём таълимотидаги барча “май” сўзи ишлатилган бирикмалар аниқланди ва уни матнга боғлиқ ҳолда ҳар томонлама тилшунослик нуқтаи-назардан таҳлил ва маънолари тасниф қилинади. “Май”нинг “май”- май, “шароб” – шароб, “бода”- бода, “абе ангур - узум суви, “дохтаре раз” – ток қизи, “кимё”- кимё каби номлари аниқланади. Бу номлар (кимёдан ташқари) ҳозиргача ҳам маст қилувчи ичимлик деб тушунилади. Фақат “кимё” сўзи биринчи марта Умар Хайём рубоийсида “май” маъносида қўлланилган.

Май ичгил каму кўп ғамин таратар,
Етмиш икки миллат ўйин таратар
Парҳез тутма бу кимёдан ўзни ким,
Бир қулгуму минг иллатни бирда таратар.

Умар Хайём таълимотида “май”нинг бошқа хоссалари, яъни унинг ранги - “тиниқ шароб”, “қизил гул рангидаги бода” бирикмаларида ифодаланган.

Май ичиладиган идишлар – “паймонани тўлдирай майдан”, “Жамшид жом тутган”, “пиёла сунки кеча тугаётир”, “менинг тупроғимдан кўза ясаса”, “бу кеча бир манлик жомда май ичгум” бирикмаларида ифодаланган.

Майнинг маст қилиш хоссаси – “Хайём агар бодадан маст бўлсанг хуш бўл”, “маст ҳолда майхонага ўтдим мени кечир”, “биздан икки – уч давра олдин маст бўлишди”. Майнинг ўлчови – “бир қултуми минг иллатни таратар” бирикмасида ифодаланган.

Умар Хайём қарашларида “май”нинг маст қилувчи ичимлик сифатида аниқ номлари, табиий хоссаларидан муайян ранг ва ҳидга эгаллиги, унинг муайян идишларининг номи, табиатдаги қандай моддадан ясалиши, маст

килиш хусусияти ва ҳамда ўлчовлари шундан далолат берадики, мутафаккир қандайдир мавҳум ичимлик ҳақида эмас, балки ҳамма биладиган ва истеъмол қиладиган, маст қилувчи ичимлик ҳақида баҳс юритмоқда.

Бу таҳлилдан кейин Умар Хайём таълимотида гап воқеий ичимлик ҳақида кетаяпти. Шеърӣ асарда сўзлар рамзий маънога эга ва бу ҳар бир рубоийда намоён бўлади.

Гар ўтар бўлсам бода ила ювинг мени,
Қабр бошида тоза шаробдан ваъз айтинг мени¹.

Яъни “бода” сўзи поклик рамзий маъносига эга. Чунки ўликни поклаш учун ювишади. Ислом ақидаларига кўра “бода” ҳаром қилинган. Мутафаккир фикрича “бода” поклик рамзидир. Тоза шароб эса ростгўйлик рамзидир. Чунки қабр бошида майитнинг у дунёдаги тақдири ҳақида ваъз ўқилади.

Шундай шароб ичайки, бу шароб ҳиди,
Ҳокимдан таралсин ерга кўмилгач.
Гар тепамдан ўтгудай бўлса бир майхўр,
Менинг шаробим ҳидидан маст – у хароб бўл².

Бу ерда “шароб” “илму-ҳикмат” ва “хунар”да камолотга эришиш рамзий маъносига эга. Умар Хайём фикрича, бу ҳаётимда шундай илму-ҳикматга, камолга эришайки, илму-ҳикмат билан қизиқувчи кимса минг йилдан кейин ҳам бундан ҳайратга тушсин. Яъни, бир сўз билан айтганда “шароб” “комиллик” рамзий маъносини билдиради.

Булут келиб яна сабза бошида йиғлади,
Гулранг бодасиз яшаш керакмас.
Бу сабза бу кун бизга томоша жойидур.
Бизнинг хокимиз сабзаси кимга томоша жойи бўлгай³.

Гулранг бода “хушкайфият, вақтичоқлик” бўлиб, “булут сабза тепасига келиб кўз ёши тўқди, чунки бу сабза сену менга ўхшаган бир инсоннинг хокидан униб чиққан, биз ҳам сабзага айланмасдан туриб, дунё

¹ Умар Хайём. Рубоийлар. – Т.: Адабиёт учқунлари, 2018. –Б. 99

² Умар Хайём. Рубоийлар. – Т.: Адабиёт учқунлари, 2018. –Б. 102

³ Умар Хайём. Рубоийлар. – Т.: Адабиёт учқунлари, 2018. –Б. 98

шодликларидан фойдаланиб қолишимиз керак”, дейилади.

Буюк мутасаввиф Махдуми Аъзамнинг “Рисола - йэ вужудия” номли тасаввуфий - фалсафий асари асосида, у томондан комил инсон тушунчасининг ўрнига “вужуд деҳқони” ибораси ишлатилганлигининг гувоҳи бўлдик. Демак, у “вужуд деҳқони” деган таълимотнинг асосчисидир. Чунки, бу фикрни Махдуми Аъзам тарихда биринчи маротаба қўллаган. Ундан олдинги мутасаввиф, шунга яқин фикрлар айтган бўлсаларда, лекин “вужуд деҳқони” демаган. Масалан, Муҳаммад Порсонинг “Рисола - йэ кудсия”да келтирилган маълумотига асослансак, Баҳоуддин Нақшбанд вужудни поклашни тупроқни хас-хашаклардан тозалаб, юмшатиб, уруф экишга тайёр ҳолатга келтириш билан тенглаштирган. Лекин у ҳам “Вужуд деҳқони” деган тушунчани ишлатмаган. Айнан Махдуми Аъзам комил инсон тушунчаси ўрнига Ўрта Осиё халқи учун яқин, тушунарли ва англаб етишга осон бўлган “Вужуд деҳқони” деган иборани биринчи маротаба ишлатган. Аввало Махдуми Аъзам вужуднинг ўзига таъриф берган ва кейин ким “вужуд деҳқони” эканлиги ва бу даражага етиш воситалари ҳақида сўз юритган. Хўш, Махдуми Аъзам кимни ўз вужудининг деҳқони деб ҳисоблаган? Ўрта Осиёда деҳқон жуда улуғланган, қадрланган, ўз меҳнати билан ризқини топиб еб, қолганларни ҳам ризқини мўл- кўл бўлишга асосий хизмати бўладиган, тупроқ кимёғари, қўлида тупроқ олтинга айланадиган кишида эъзозланган. Ҳақиқий деҳқон ҳеч қачон оч ҳам қолмаган, бировга муҳтож ҳам бўлмаган. У Аллоҳга таваккал қилиб, тинмай меҳнат қилган ва хотиржам яшаган. Ўз динини билган, уни бошқара оладиган, ундаги нафсоний истакларни илоҳий сифатларга айлантира олган, деҳқон каби ҳар бир ҳужайрасини ҳосилдор қилган шахс вужуд деҳқони дейилган.

Умар Хайём ижодида “май”нинг яна бир янги маъноси ифодаланган:

Бир қултум май Ковус мулкидан аъло,

Қубод тахти, Тус мартабасидан аъло¹.

Бу ерда май “бойлик, давлат” маъносини касб қилмоқда, чунки у Ковус

¹ Умар Хайём. Рубоийлар. – Т.: Ўзбекистон Компартияси Марказий қўмитаси, 1991. –Б. 28

мулкига карама – қарши қўйилмоқда. “Бир қултум майнинг қиммати Ковуснинг мулки қийматидан ортиқ”, ҳисобланади.

Кишилар дейдики, жаннат ҳур ила яхши,
Мен дейманки, узум суви яхши.
Бу нақдини ол, у насиядан қўлингни юв,
Дўл садосини узоқдан эшитган яхши¹.

Байтда “май” бу дунё неъматларининг рамзий маъноси сифатида ифодаланган. Яъни, “бировлар у дунё неъматларини мақтайди, менга қолса, бу дунё неъматлари, яъни, узум суви аълороқдир”, деган фикрларни илғаш мумкин.

Мутафаккирнинг фикрича, “ҳаёт неъматидан тўлалигича фойдаланиш керак, чунки бу дунёдан кетган қайтиб келмайди”.

Қуёш тонг камандин томга ташлади,
Кун Кайҳисурави бонг урди.
Май ичгил кимса ҳар чоғи ишқ нидоси
“Ишрабу” овозасин оламга солди².

“Ишрабу” тушунчаси Қуръондаги 71 - 43 оятида қуйидагича берилган: (Уларга дейилур): “қилиб ўтган (яхши) амалларингиз сабабли (Ушбу жаннат ноз - неъматларини) пок билиб еб - ичаверинглар”.³

“Май” тақдири азалдир. Чунки, Умар Хайём оламнинг яралишига ва Қуръони Каримдаги “Ал - мурсалот” сурасидаги, “Ишрабу” – ичинглар оятига ишора қилмоқда.

Хайём агар бодадан маст эрсанг, хуш бўл,
Гар бир санам ила бирпас ўтирсанг хуш бўл.
Жаҳоннинг барча умрин охири йўқлик,
Йўқликни мастлик хаёл қил хуш бўл⁴.

Яъни, боданинг рамзий маъноси кўнгил истаган машғулот ёки суйган касбдир. Умар Хайём бу умрингда дилинг нимани истаса, шуни қил, чунки

¹ Умар Хайём. Рубоийлар. – Т.: Адабиёт учқунлари, 2018. -Б. 88

² Умар Хайём. Рубоийлар. – Т.: Адабиёт учқунлари, 2018. -Б. 98

³ Қуръони карим. Алоуддин Мансур таржимаси. – Т.: Чўлпон, 1992.

⁴ Умар Хайём. Рубоийлар. – Т.: Адабиёт учқунлари, 2018. –Б. 105

севимли машғулотингга бор вужудинг билан кўмилиб кетсанг, бошқа ҳеч нарсани ўйламайсан, деган фикрни келтирган.

Умар Хайём таълимотидаги “май” сўзини “поклик, ростгўйлик, камолот, хушқайфият, давлат, ҳаёт неъматлари, тақдири азал, минг дардга даво, кўнгил истаган машғулот” маъноларида ишлатган.

سرود جهان در قدح مستان است،
خورشيد ازل جام می تابان است.
آن نکته که در جان جهان نهان است،
در شیشه می اگر بدانی آن است.¹

Ўқилиши:

Суруди жаҳон дар қадаҳи мастон аст,
Хуршиди азал жом, май тобон аст.
Он нуктаки, дар жони жаҳон ниҳон аст,
Дар шишаи май агар бидони он аст.

Мазмуни:

Дунёнинг нағма-ю, куйи мастларнинг қадаҳидадир.
Азалдан бор бўлган қуёш дунё осмонининг жоми
вазифасини ўтаса, ой эса бу жомдаги май вазифасини
ўтайди.
Бу дунёнинг жонида яширинган бир сир борки,
Бу сир ишқ майининг шишасидан кўриниб турган
нарсадир.

Таржимаси:

Мастлар косасида куй чалар жаҳон,
Азал офтоби – жом, шароби – тобон.
Жаҳоннинг жонида пинҳон бир сир бор,
У май шишасидан кўринар шоён.

Мутафаккир “май” тимсолида турли хил фалсафий фикрларни

¹“Мажмуаи расоил” (“Рисолалар тўплами”) қўлёзма асарида жами 9 та алломанинг рисоласи ва назмий ижоди жамланган. Мазкур қўлёзма асар ҳижрий 1254, милодий 1838 йилда кўчирилган бўлиб, у Эроннинг “Мажлиси Сино” кутубхонасида 12828/110 рақами остида сақланади. 50-рубой. –Б. 179

ифодалаган. “Май” Умар Хайём фикрича, ҳам дунёвий характерга, ҳам рухий характерга эга. “Май”нинг дунёвий томонлари унинг ичимлик сифатида тасвирланишидадир. “Май” тимсолининг рухий, яъни мажозий маъноси эса юқорида келтирилган тушунчалар орқали ифода этилган.

Кимсани ранжитма, ранжитма ҳайҳот,
Ғазабинг бировга сочмагил, эй зот.
Ўзинг ранж чеку, ҳеч кимни ранжитма,
Роҳат десанг агар ўзинг ғамга бот.¹

Бундай маънавий-ахлоқий фикр, ғоялар ўша давр руҳиятига хос бўлиб, Умар Хайёмнинг замондоши Юсуф Ҳамадонийнинг шогирди Хожагон тариқатининг пири муршиди Хўжаи Жаҳон Абдулҳолиқ Ғиждувоний ҳам ҳақиқий инсон сифат, фазилатларини изҳор этиб, қуйидаги фикрларни билдирган:

Чун меғузарат умр камозори беҳ,
Чун медиҳад даст, накукори беҳ.
Чун киштаи худ бо дасти худ медарави
Тухме, ки накутар аст, агар кори беҳ.²

Мазмуни:

(Бу дунёда инсон ўтар умри ўткинчи, шунинг учун ўзгаларга озор бермаслик яхшироқдир, қўлингдан келгунича хайрли иш қилганинг яхшироқдир. Ҳар ким ҳаётда ўз эҳканини ўзи ўради, шунинг учун ҳаётда яхшироқ уруғни экиш, хайрли иш яхшироқдир).

Умар Хайём таълимотида бу дунёнинг фоний-ўткинчи эканлигига қайта-қайта урғу берган:

Бахтингдан ободлик шохи унса ҳам,
Ҳаётнинг либоси бўлса-да, хуррам.
Тананг чодирига суянма кўпам,

¹ Умар Хайём. Рубоийлар. – Т.: Адабиёт учқунлари, 2018. –Б. 47

² Болтаев М.Н. Хўжа Абдуҳолиқ Ғиждувоний-инсондўст ҳаким, рифъат шайх. – Б: 1994. –Б. 10

Тўрттала қозиги суздир, эй одам.¹

Мутафаккир қарашларида олам ягоналиги ғоясини тараннум этар экан, унинг инсон руҳиятига нақадар уйғун эканлиги, бу борада анъанавий ёндашув тарафдори эканлигини баён этади:

Сенсиз ўқимоқдан неча меҳробда намоз,
Айтилса хароботда на хуш сен бирла роз!
Сенсиз бари ҳеч: аввалу охирсан – Ўзинг,
Хоҳ ўтга улоқтир мени, хоҳ айла навоз.²

Тадқиқотчи Г.Т.Қобулниёзова ўзининг “Умар Хайём ижодида руҳий муҳаббат масаласи” номли мақоласида қуйидаги фикрларни келтиради: “Умар Хайём таълимотида биз унинг руҳий интилишлари ва бу йўлдаги хурсандчилик ва азиятларини ҳис қилишимиз мумкин. XIX асрнинг ўрталарида Ғарбий Европада ҳам Умар Хайёмнинг фалсафий ғояларга тўла шеърляти кенг тарқалди ва қисқа вақт ичида шуҳрат қозонди. Гўзал шеърлари содда бадий тимсоллар шаклида берилганлиги учун мухлисларнинг қалбига осонроқ етиб борган. Комилликка эриша олмаган ўз руҳий эркинлигини барча нарсалардан устун қўйган инсоннинг бадий тимсолини биз Умар Хайём шеърлятида ҳам, фалсафий ижодида ҳам топишимиз мумкин. Руҳий муҳаббат йўлида Умар Хайём кўп изтироб чекди. Унинг руҳи ўзининг абадий манзилига етиб бора олмаган бўлса ҳам, буюк шоирнинг барча интилишлари зое кетмади. Умар Хайём бизнинг қалбимизда ҳаёт хурсандчиликларига, муҳаббатга интилиш каби эзгулик уруғини сочмоқда”.³ Албатта бу муаллифнинг шахсий назари. Аммо унинг, “Руҳий муҳаббат йўлида Умар Хайём кўп изтироб чекди. Унинг руҳи ўзининг абадий манзилига етиб бора олмаган бўлса ҳам, буюк шоирнинг барча интилишлари зое кетмади”, деган фикрларига қўшила олмаймиз. Чунки бундай баҳо бериш инсон маънавий камолотини баҳолаш нуқтаи-назаридан имконсиз деб ҳисоблаймиз.

¹ Умар Хайём. Рубойлар. – Т.: Адабиёт учқунлари, 2018. –Б. 42

² Умар Хайём. Рубойлар. – Т.: Адабиёт учқунлари, 2018. –Б. 180

³ Умар Хайём Нишопурий – Шарқнинг буюк мутафаккири: халқаро илмий анжуман материаллари. – Т.:– Техрон: Ал – Худо, Мовароуннахр, 2004. –Б. 128

Юқорида келтирилган фикрлардан қуйидаги хулосаларга келамиз:

- Умар Хайём борликни сўфийларга ўхшаб рухий бирликда деб билди ва барча нарсаларда жон бор, деб ҳисоблади;

- Муҳаббат масаласига ҳам Умар Хайём диалектик нуқтаи-назардан ёндашди;

- мутафаккирнинг фикрича, рухий муҳаббат билан бир қаторда ер муҳаббати ҳам мавжуддир;

- Умар Хайём ҳақиқатни икки турга бўлди, бири диний ҳақиқат бўлса, иккинчиси дунёвий. Дунёвий ҳақиқат доим нисбий бўлади, диний ҳақиқат эса мутлақдир. Илмий ҳақиқат моддий дунё ўткинчи бўлганлиги учун нисбийдир;

3.2. Мутафаккир қарашларида ахлоқий фазилатлар таҳлили ва унинг ҳозирги замон учун аҳамияти

Инсонда ўзидан муқаддам юзага келган, эволюция жиҳатидан ҳамма пастки ҳайвонларнинг ҳислати ва хусусияти мавжуд, демак у эзгулик ва ёвузлик оралиғидаги мавжудотдир. Унинг фаолиятида содир этиладиган ҳар бир амал шу хусусият, сифатлар асосида ўлчаниши азалий ҳақиқат эканлиги юқорида айтганимиздек, эрамиздан олдинги VII асрда яратилган “Авесто”да ҳам учрайди.

“Авесто”нинг “Эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амал”¹ деган шиори эзгулик ва ёвузликнинг барча сифатларини очиб, илоҳий даражагача кўтаради.

Инсоният тарихида дастлаб Зардушт яхшилик ва ёмонлик тушунчаларини илоҳий даражагача олиб чиқиб, уларнинг сифатларини бирма-бир очиб берди.

Бунда инсон учун белгиланган вазифа эзгулик-нур томонида туриш ва уни ҳимоялашдан иборат. Бу назария кейинчалик вужудга келган динларда ҳам ўз аксини топган.

¹ Болтаев М. Буюк мутафаккир Зардушт ва унинг “Авесто” китоби. – Б: Бухоро, 2001. –Б. 9

Демак, барча динларда “Авесто”да кўрсатиб ўтилганидек, инсонни ёвуз кучлардан халос этиб эзгуликка ундаш ётади. Умар Хайём ўзининг “Наврўзнома” асарида “Авесто” га кўп мурожаат қилади.

Зардуштийликда низо-(конфликт)дан кўра ризо (консенсиус) бўлгани каби исломда ҳам устувордир. Жамиятда бундай ғояларнинг устуворлиги эса мураса тушунчасини келтириб чиқаради. Мурасаю-мадора устувор бўлган жамият эса барқарор бўлади. Умар Хайём ўз фаолиятида жамиятдаги турли кучларни мурасага келтириш ва ягона ғоя асосида бирлашиш лозимлигини уқтирган. Худди шунингдек “Авесто” нинг туб мазмун-моҳиятини белгилаб берадиган эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал деган тамойилда ҳозирги замон учун ҳам беҳад ибратли бўлган сабоқлар борлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Ана шундай фикрлар, яъни, эзгу ният, сўз ва иш бирлигини жамият ҳаётининг устивор ғояси сифатида талқин этиш бизнинг бугунги маънавий идеалларимиз билан нақадар узвий боғлиқ, нечоғлиқ мустаҳкам ҳаётий асосга эга экани айниқса эътиборлидир”¹. Муқаддас “Авесто”да “Эй, буюк Ахурамаздо, бизни ростгўйлик воситаси билан ўз ҳимоянгга ол, токи биз томон хайрли фикр, андишалар ва хайрли ишлар, юриш-туриш йўллансин” (“Ясно”–53). Зардушт фикрига кўра “Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал” устувор бўлган шахсда, жамиятда тинчлик ва фаровонлик барқарор бўлади.

Умар Хайём ўзининг “Наврўзнома” асарида Зардушт ҳақида қуйидаги фикрларни келтиради: “Шундай қилиб Туркистон, Рум ва Ажамнинг барча подшоларининг келиб чиқиши битта, бир-бирлари билан қариндошдирлар, чунки уларнинг ҳаммаси Афридун² авлодларидир. Шунинг учун барча инсонлар подшолар шарафига маросимларни ўтказишлари зарур, зеро улар Афридун уруғидандирлар. Унинг замонаси ва Гуштасп³гача бўлган бошқа барча подшоҳларнинг замонаси тугагандан сўнг, Гуштасп подшоҳлигининг

¹Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. –Б. 32

²Афридун - “Шоҳнома”да Фаридун, Беруний келтирган манбаларга кўра Жамшиднинг авлодидан. Улардан бирида 200 йил, бошқа иккитасида 500 йил подшоҳлик қилган.

³Гуштасп-Эҳтимол Доро Гуштасп (мелоддан аввалги 552-486 йиллар)дир, Куруш асос солган Ҳоҳаманиший сулоласига мансуб подшоҳ.

Ўтгизинчи йили ўтганда Зардушт пайдо бўлди ва габр (яъни Зардуштийлик) динини олиб келди. Гуштасп унинг динини ва ичимлик майини қабул қилди. Афридун байрамидан ўша пайтгача тўққиз юз қирқ йил ўтди”.¹

Умар Хайём ижоди ва илмий фаолиятининг муайян қирраларини Зардушт ахлоқий қарашлари орқали ифодалаш мумкин:²

1. Бадан покизалиги ва маънавий софлик талабларига риоя қилиш;
2. Ёш болалар тарбиясига диққат-эътибор бериш зарурияти;
3. Ишқмаслик, ялқовлик ва дангасаликни ёқтирмаслик;
4. Зарарли ҳайвон ва жониворлардан узоқлашиш, фойдали ҳайвонларни парвариш қилиш;

5. Қасам ичишдан парҳез қилиш: “ростликка ҳам, ёлғончиликка ҳам қасам ичма” – (“Озарбод пандномаси”дан);

6. Бевафолик ва таъмадан сақланиш: “Ҳеч ким аҳдига вафо қилмасликка берилиб кетмаслиги лозим. Бевафолик қилганда ўғриларга ўхшаб кетамиз” (“Вандидот”);

7. Дин ва шариат қоида ҳамда аҳкомини бузмаслик. Ман этилган, ҳаром ҳисобланувчи нарсалардан узоқлашиш;

8. Доимий равишда илм-фанни касб этиш учун интилиш.

Бу фикрнинг ҳам индивидуал, ҳам ижтимоий жиҳати бўлиб, унга риоя қилмаганлик оқибатида ижтимоий соҳада турли хил чигал муаммолар, ихтилофлар, можаролар келиб чиқиб инсон яшаши ва фаолиятига салбий таъсир қилади. Фардий - индивидуал жиҳатдан эса инсоннинг виждони қийналиб, руҳан эзилиб юради ва аксинча инсон фикри, сўзи ва амалида яхшиликни ифодаловчи бирлик вужудга келса, руҳан енгиллашиб, тафаккури соф, тиниқлашади, теран фикрлар, тўғри сўз ва яхши амал унинг ижтимоий нуфузини оширади.

Умар Хайём қарашларида ахлоқий фазилатлар, ўзига хос, маъно ва мазмун аҳамият касб этган.

¹Умар Хайём. Наврўзнама. – Т.: “Мехнат”, 1990. –Б. 16

²Болтаев М.Н. Буюк мутафаккир Зардушт ва унинг “Авесто” китоби. – Б: Бухоро, 2001. –Б. 9-10

Абу Наср Форобий “Камолотга бир кишининг ўзи ёлғиз, бировнинг ёки жамоанинг ёрдамисиз эришуви мумкин эмас, унинг ҳар қандай камолотга эришувида бошқалар ҳамдардлиги, кўмаклашувига ва улар билан бирлашувга муҳтож ва мажбурдир”,¹ деган фикрни баён этган эди. Аҳиллик, уйғунлик, ҳамжиҳатлик жамиятда муҳим аҳамиятга эга.

Ёки:

Поку, аҳил, оқил кишига ўртоқ –
Бўлу ноаҳлдан қочавер йироқ.²

Умар Хайёмнинг асарлари ва ижодий меросида ҳам инсоннинг аҳиллиги, ёмондан сақланиш масалалари ёритилган.

Аҳил бўлса олов ичра ҳам инсон,
Аҳил кишиларга олов ҳам осон.
Ноаҳил кишилар суҳбатидан қоч,
Ноаҳил суҳбати ёмондан ёмон.³

Мамлакатимизнинг биринчи Президенти И.А.Каримов “Ахлоқ-бу аввало инсоф ва адолат туйғуси, иймон, ҳалоллик дегани. Қадимги аждодларимиз комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий талаблар мазмунини, замонавий тилда айтсак Шарқона ахлоқ кодексини ишлаб чиққанлар. Киши қалбида ҳаромдан ҳазар, нопокликка, адолатсизликка нисбатан муросасиз исён бўлиши керак. Шундай одамгина лафзини сақлайди. Бировнинг ҳаққига хиёнат қилмайди, садоқатли бўлади, Ватани, халқи учун жонини фидо этишга ҳам ўзини аямайди”,⁴ деган эзгу фикрни таъкидлаб ўтган эдилар.

Умар Хайём “Рисолаи жабр” китобининг муқаддимасида “Биз илм аҳлининг инқирозини бошдан кечирдик, кўп жафо кўрган фақат бир кичик гуруҳгина қолди, холос. Энди бизнинг замон донишмандларининг аксарияти ростни ёлғон билан яширадилар, билимда фириб ва шуҳратпарастликдан нарига ўтолмайдилар. Агар илм бобида бирор нарса билсалар, ундан ҳам фақат тубан мақсадларда, ўз маишатлари учун фойдаланадилар. Агар бирор

¹ Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри.-Т.: 1993. –Б 87.

² Умар Хайём. Рубойлар. – Т.: Адабиёт учқунлари, 2018. –Б. 50

³ Умар Хайём. Рубойлар. – Т.: Адабиёт учқунлари, 2018. –Б. 20

⁴ Халқ сўзи. 1995. 24 февраль сони.

киши ҳақиқатни қаттиқ талаб қилса, тўғрилиқни афзал кўрса, фириб ва ёлғонни рад этишга ҳаракат қилса ҳам – уни ҳақорат қиладилар, масхаралайдилар”¹, - деб ёзган эди.

У ижтимоий воқеъликни реал ошкор қилувчи айрим фикрлари билан замон нуқсонлари устидан кулган. Жумладан:

Мачитга келгандим бир ниёз учун,
Рост айтсам, ўйлама, ҳеч намоз учун,
Жойнамоз ўғирлаб эдим, эскибди,
Яна аста келдим жойнамоз учун.²

Умар Хайёмнинг аччиқ ҳақиқатни ўз таълимотида ёритгани учун унга қарши фикрлар ёзган, унинг шахсини қоралаб кўрсатган олимлар ҳам йўқ эмас. Жумладан, Умар Хайёмнинг рақибларидан бири Жалолиддин ибн Юсуф Кифтий (1172 – 1239 йй.) “Тарихул ҳукамо” (“Донолар тарихи”) китобида бу тўғрида: “Замон аҳли унинг динсизлигини таъна қилиб, яширинча сирлари очилиб кетгач, ўз жонидан қўрқиб, қалами ва тилининг жилловини тортди ва художўйликдан эмас, балки қўрққанидан ҳажга жўнаб, ўзининг нопок сирларини ошкор қилди”³, - деб ёзган эди.

Умуман ахлоқ ижтимоий онг шакли сифатида муайян халқнинг асрлар давомида шаклланган хулқ-атвор, ҳатти-ҳаракатлар, ҳис-туйғулар анъаналар, расм-русумлар мажмуи ва одамлараро муносабатлар тизимини ифодаловчисидир. Ахлоқ муайян халқнинг атроф-муҳитга, кишиларга ва ўз-ўзига бўлган муносабатлари сифатида бир томондан тоифавий, гуруҳий, миллий, маҳаллий хусусиятга эга бўлса, иккинчи томондан халқ, миллатнинг умумжамият талабларига уйғунлигини таъминловчи умумбашарий қадрият ҳисобланади.

Фалсафада ахлоқ (этика) – бу одам ёки жамиятнинг юриш-туришга оид хулқий қоидалар мажмуаси ҳисобланади. Ахлоқ – яхши хулқли бўлиш учун қандай амаллар зарурлигини белгиловчи фалсафа соҳасидир. Бу борада икки

¹ Хайям. Математические трактаты. “Историко – математические исследования”, вып. № 1. – М.: 1953, с. 16.

² Умар Хайём. Рубоийлар. – Т.: Бадиий адабиёт, 1971. –Б. 284

³ Шомухамедов Ш. Умар Хайём (хаёти ва ижоди). – Т.: Фан, 1962. –Б. 27

хил йўналиш мавжуд. Биринчиси утилитар ёндашув бўлиб, унга кўра тўғри ёки нотўғрилиқ масаласи фақатгина ҳаракат, амалиёт оқибатининг таҳлилига қараб ҳал этилиши лозим. Бунда мажбурият, вазифалар оқибатига боғлиқ эмас. Масалан, ёлғонни айтмаслик. Умуман олганда, ижтимоий фанларда юқоридаги ғоялардан биринчиси катта аҳамиятга эга. Ахлоқ илмидаги бошқа мавзулар социологиядаги ҳақиқат ва маъно, аҳамият борасидаги фарқ ҳамда эркинлик қадрияти ва бетарафлик қадрияти масалаларига ўхшайди.

Ахлоқий қадриятлар кишиларнинг бир-бирларига, ўзларига мансуб жамоага, Ватанга нисбатан тарихан таркиб топган муносабатларини ифодалайди. Юқсак ахлоқий сифат, фазилатлардан бири ҳалол, покиза яшаш, бировларнинг ҳаққига хиёнат қилмасликдир. Тасаввуф таълимотининг улуғ намоёндаларидан бири Хожа Аҳмад Яссавий эътиқодича, “Ҳақ йўлига кириб бўлмас пок бўлмасдан” ғояси орқали ҳалол билан ҳаромни фарқлаш, фақат ҳалол меҳнат эвазига тирикчилик қилиш, ҳаромхўрлик энг катта гуноҳ ва ахлоқсизликдир, деб ҳисоблаб Яссавийлик тамойилларини асослайди.

Маънавият, ахлоқ инсоннинг ҳаёт тажрибаси, меҳнати, билими авлодлар тажрибаси асосида шаклланиб боради. Шундай экан, биз ўтмишимиз, маданий-маънавий қадриятларимизни янада чуқур ҳурмат, эъзоз ва эътиқод билан ўрганишимиз зарур.

Умар Хайём ижтимоий-ахлоқий қарашларида инсоннинг эгаллаган ўрни ҳақида фикр юритар экан “мажбурият” тушунчасини киритади. У бу тушунчани тушунтирар экан уни Аллоҳнинг куч-қудрати ва иродаси билан боғлайди. У шундай деб ёзади: “Мажбурият Аллоҳнинг иродаси бўлиб унинг ёрдамида Аллоҳ инсонларни ёмонликдан эзгуликка қараб ҳаракатлантиради, уларни адолатсизлик, ғазаб ва нафратдан ўзларини тийишга мажбур қилади, тананинг нафс ва ҳирсларини жиловлашга ёрдам беради. Саховатли ва муруватли Аллоҳ инсонларни шундай яратдики улар мукамалликка эришишлари учун бир-бирига ёрдам беришлари ва ҳамкорлик қилишлари зарурдир. Мукамалликка эришишдан олдин одамлар ўзларининг озиқ-овқат, кийим-бош, турар жойларига бўлган моддий эҳтиёжларини қондиришлари

шартдир. Лекин инсон бир ўзи ушбу эҳтиёжларини қондира олмайди, шунинг учун одамлар бир-бирига ёрдам беришлари, жамоа бўлиб яшашлари шартдир. Одамларнинг бир-бирига бўлган муносабатларини адолатли тарзда ўрнатиш учун жамиятда қонунлар қабул қилинади. Бундай қонунларни жамоадаги энг қалби тоза ва ақли ўткир инсонгина ўрнатиши мумкин. Бундай инсон моддий дунёнинг бойликларига кўнгил қўймаган, бошқалар устидан ҳукмронликка интилмаган, ўз ғазаби ва нафратини жиловлай оладиган, Аллоҳнинг марҳамати ва саховати нозил этилган адолатли қонунларни жамиятда ўрнатишга интилади. Унинг қалбида ҳақиқат бордир, унда илоҳий илҳом мавжуддир, қалб кўзлари очик бўлиб у малакларни кўриб туради. У саховатли ва муруватли Аллоҳ томонидан юборилган комил инсондир, бу эса белги ва мўжизалар билан тасдиқланади. У одамлар манфаатини ўз манфаатидан устун қўяди ва авом халқ унга бўйсиниши зарурдир”¹.

يا رب دل اسير من رحمت كن،

بر خاطر غم پذير من رحمت كن.

بر پاي خرابات رو من بخشاي،

بر دست پياله گير من رحمت كن.²

Ўқилиши:

Ё Раб, дили асири манн раҳмат кун,

Бар хотири ғампазири ман раҳмат кун.

Бар пойи харобот равви манн бахшой,

Бар дасти пиёлагири манн раҳмат кун.

Мазмуни:

Парвардигоро, менинг майга асир бўлган бу қалбимни раҳматингга ол,

Ғамга ботган бу фикру хаёлимни ҳам раҳмат қил.

¹ Розенфельд Б.А., Юшкевич А.П. Памятники литературы народов востока. – М.: Издательство восточной литературы, 1961. - С. 157.

² “Мажмуаи расоил” (“Рисолалар тўплами”) қўлёзма асарида жами 9 та алломанинг рисоласи ва назмий ижоди жамланган. Мазкур қўлёзма асар ҳижрий 1254, милодий 1838 йилда кўчирилган бўлиб, у Эроннинг “Мажлиси Сино” кутубхонасида 12828/110 рақами остида сақланади. –Б. 175., 14-рубойи.

Майхонага томон судраб боровчи оёқларимни ҳам
гуноҳидан ўт,

Май тўла пиёлани ушлаб турган бу қўлимни ҳам раҳмат
қил.

Таржимаси:

Ё Раб, асир дилимни Сен раҳмат қил,

Ғам тўла хотиримни Сен раҳмат қил.

Майхона томон борар оёғимни кечир,

Пиёла бор қўлимни Сен раҳмат қил.

Умар Хайёмнинг ахлоқ ҳақидаги қарашларида комил инсон ғоясини кўрамиз. У нурли зинапоянинг марказида жойлашган бўлиб оламнинг гултожиси ва сарваридир ва барча мавжудотлардан кўра Аллоҳга яқиндир. Комил инсон қалбида Аллоҳ яшайди, унинг барча ҳаракатлари яхшилик қилишга қаратилгандир, унинг энг катта давлати ва бойлиги эса қалбидаги меҳр ва муҳаббатдир. Умар Хайёмнинг ахлоқ ҳақидаги қарашларида тасаввуф илмининг, айниқса комил инсон ҳақидаги ғоянинг, таъсири жуда кучли бўлган. Мутафаккирнинг ахлоқий борлиқ ҳақидаги фалсафий қарашларида тасаввуф илмига хос бўлган эманация ёки нурли зинапоя ғоясини кўриш мумкин.

Комил инсон ёки адолатли ҳукмдор бошқа оддий одамлардан катта фарқ қилади. Оддий одамларнинг аксарияти ўзининг моддий манфаатлари билан овора бўлиб ўзларини бошқалардан устун кўядилар, уларнинг қалблари ёпиқ, пардалангандир, ақллари эса фақат тор доирадаги нарсалар ва ходисаларни кўради, нарсалар моҳияти уларга мавҳумдир.

Мутафаккир фикрича, унинг ҳусни-жамолига ҳеч нарса тенг кела олмайди, чунки у гўзаллик соҳибидир.

Қайда камол топдинг, жононам ўзинг,

Ойни уялтирар тунда юлдузинг.

Базм учун юзларни безар гўзаллар,

Жаҳон базмин безар бир сенинг ўзинг.¹

Гўзаллик, нафосат оламининг мағзи асосий белгиси бош хоссаси, асосий моҳиятини ташкил қилади. Гўзаллик - бу аниқ турдаги ҳодисалар камолотининг намунасидир. Гўзаллик хилма-хил даражада намоён бўлади. Табиатдаги гўзаллик ижтимоий ҳаёт гўзаллигидан фойдали-амалий фаолиятдаги гўзаллик бадиий ижоддаги гўзалликдан фарқ қилади. Лекин гўзаллик ўзининг хилма-хиллиги ранго-ранглиги билан бир-биридан қанчалик фарқ қилмасин барчаси қандайдир умумий белгига эгадир. Мана шу умумий белги туфайли ҳодисаларни гўзаллик тушунчаси тарзида инъикос этамиз.

Гўзал ижобий ҳис-туйғу уйғотадиган нарсани кўрсатиш анча осон лекин ўша нарса нима учун гўзал эканлигини тушунтириб бериш қийин. Шундай гўзалликлардан бири бу тасавуфий гўзалликдир. Тасавуфнинг асосий моҳияти инсон ва унинг Худога муносабатидир, яъни солиҳнинг Худо васлига етишидир. Бунда албатта одоблилик ҳурматпарварлик ва хулқий гўзаллик бебаҳо фазилатлардан бўлиб, умуман инсонни, инсоний хуснга ошиён этишга ундайди.

Мутафаккир ижтимоий муносабатлар тизими борасида анъанавий-маънавий ёндашувни эътироф этиб, инсонга яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва ёвузликка нисбатан табиий мойиллик мавжуд эканлигини таъкидлайди ва ёмон, шаррунос кимсаларни “нокас”, “аблаҳ” сифатида ифодалайди:

Нокадан сир беркит, дилингни боғла,
Аблаҳдан яширин бўлмоқни чоғла,
Кишилар жонига ўз қилмишинг кўр,
Сен ҳам шунга кўз тут, шуни сўроқла.²

Тўғри чизиқ асосида ётган инсон фаолияти оқибати олдиндан маълум бўлиб, бунинг таҳлили енгил кечади ва бу инсоннинг ўзига ҳам яхшиликлар олиб келиб, камолотига хизмат қилади.

¹ Умар Хайём. Рубойлар. – Т.: Радуга нашриётининг Тошкент бўлими, 1985. –Б. 447

² Умар Хайём. Рубойлар. – Т.: Адабиёт учқунлари, 2018. –Б. 17

Шарқ халқлари учун жамоавийлик, жамият билан, эл-уруғ, халқ билан биргаликда ҳаракат қилиш турмуш тарзининг мустаҳкам бўғинига айланиб кетгандир.

Умар Хайём фикрича,

Шухрат топсанг, кишилар ҳасади ёмон,

Ёлғиз қолсанг сендан қилишар гумон.¹

Яъни, ёлғизлик Шарқ маънавиятига ёт эканлиги улуғ мутафаккирлар томонидан таъкидлаб келинган. Инсон камолотга эришишида яққалик, ёлғизлик самара бермаслигини, мақсадга эришиш мушкуллиги таъкидланган. Бу тушунчани “Социология”нинг ижтимоий бегоналашув қисми ўрганади. Унда бегоналашув ва таназзул бир-бирига боғлиқ ҳодисалар деб қаралади. Ижтимоий бегоналашув, ёлғизлашиб қолиш, инсонларни мулоқотдан, бир-биридан узоқлашишлари натижасида юзага келади. Инсон ўз моҳиятига кўра ижтимоий хусусиятга эгадир. Ўзаро фаолият туфайли пайдо бўладиган эҳтиёжлар асосида инсонлар доимо бир - бири билан муносабатда, муомала, мулоқотда бўладилар. Мулоқотнинг ижтимоий моҳияти шундаки, у маданият шакллари ва ижтимоий тажрибаларни алмашиш воситаси бўлиб хизмат қилади. Шахснинг маънавий-руҳий, ақлий, жисмоний покланишида жамиятнинг аҳамияти бениҳоя катта эканлиги эътироф этилади. Айни пайтда бу жамиятга ёйилиб ижтимоий муносабатларни илиқлаштиради, мурсаю-мадора жараёнларига киришиш йўллари очиқ беради. Ислолда бу илоҳий инъом, мукофот билан кафолатланиб, шахсда ўзини-ўзи назорат қилиш масъулиятини оширади.

Ёмон, шаръий, фардий ва жамоавий сифат хусусиятлардан холи бўлиш, жисмоний ва ахлоқий нуқсонлар, гуноҳлардан тозаланиш, маънавий юксалишгина инсонни азоб-уқубатлардан халос этиши мумкин. Фақат шунда Ҳақ васлига етишиш мумкин деб ёзади. Жамоатчилик фикрини бундай гоёларга йўналтириш жамиятда кўпгина ижобий жараёнларнинг юзага келишига сабаб бўлади. Бу борада қуйидаги фикрни келтириш мумкин:

¹ Умар Хайём. Рубоийлар. – Т.: Адабиёт учқунлари, 2018. –Б. 39

“Табиийки, ахлоқ жамоатчилик фикрига таъсир-таъйиқ ўтказиш даражасига эришгунига қадар узок тарихий-тадрижий йўлни босиб ўтгандир. Ахлоқ жамоатчилик фикрининг субъекти бўлган шахснинг ҳаётга бўлган муносабатлари, ички дунё талаб ва эҳтиёжларини меъёрлаштириши, ҳиссиёт ва туйғуларини ижтимоий йўриқлар йўналишида тизимга солиш омилига айланиб боради. Ахлоқ меҳнатни ташкил этишнинг ҳам муҳим мезони ҳисобланиб, муайян ижтимоий ҳамда технологик тартиб-қоидаларга риоя қилиш шахсий сифатлар масъулият ва интизом фазилатларини эътиборга олиш, мўлжалланган режаларни бажариш, юқори фаолият натижаларига эришиш имконини беради”.¹

Умар Хайём жамиятда турли кучлар, гуруҳлар, турли тоифалар ва турли хил тушунчадаги одамлар, турли хил қарашлар борлигини инобатга олиб ўз нуқтаи-назарини баён қиладикки, бу ҳам маълум маънода жамият барқарорлигига хизмат қилади:

Дунё сирини гарчи менга беш қўлдек аён,
Сиртимга чиқарсам уни ўзимга зиён.
Теграмда мени тушунгудай инсон йўқ,
Ҳар сўзни қилиб бўлмас бу элга баён.²

Умар Хайём ғийбат, ҳасад каби иллатлар жамиятда манфур оқибатларга олиб келишини айтиб, “Ғийбат тўрини тўқишни одат қилма”,³ дейди.

Эй дил, бу замондан сира эҳсон тилама!
Тартибни фалак чархидан, эй жон, тилама!
Дармон сўрабон ортади дардинг баттар,
Кўн дардига ҳар лаҳза-ю, дармон тилама!⁴

Кейинги пайтларда гиёҳвандликка, наркотик моддаларга берилиш, мутаассиблик, экстремизм ва фундаментализмнинг турли кўринишлари

¹ Бекмуродов М. Ўзбекистонда жамоатчилик фикри. – Т.: Фан, 1999.

² Умар Хайём. Рубойлар. – Т.: Адабиёт учқунлари, 2018. –Б. 56

³ Умар Хайём. Рубойлар. – Т.: Адабиёт учқунлари, 2018. –Б. 59

⁴ Умар Хайём. Рубойлар. – Т.: Адабиёт учқунлари, 2018. –Б. 55

жамият фаровонлиги ва тинчлигига катта хавф солмоқда. Бундай салбий иллатлар орқасида уни ғоялантирувчи, қўллаб-қувватловчи кучлар мавжуд. Демак, улар ҳар қандай ижтимоий гуруҳ орасига, жамиятга кириб келиши мумкин. Лекин жамиятда бундай иллатларга қарши куч бўлса у ҳеч қачон кенг тарзда ёйилиб кетмайди. Салбий иллатларнинг туб моҳияти очилиб, бу борада тарғибот ишларининг кучайиши, жамоатчиликнинг бу борадаги билими ошишига ва жамоаларда шулар ҳақида мулоҳаза юритилиб, атрофдагилар, маҳалла, кўча-куйдагиларнинг фаолиятлари таҳлил қилинишига, салбий ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қилди.

Айни пайтда маҳалла фаолияти кучайтирилиб, турли хил гиёҳванд, наркотик моддаларга берилиб кетаётган ёшлар фаолияти, оилавий ҳолати, турмуш тарзи чуқур ўрганилиб, бунга қарши курашнинг ички социал-психологик омиллари ишлаб чиқилса ва жамоатчилик фикри шунга қаратилиб, ахлоқ-одоб меъёрлари доирасида жамиятга таъсир қилинса, ҳар қандай салбий иллатларнинг олди олинган бўлади. Бу билан соғлом авлод борасидаги ҳатти-ҳаракатларда ҳам анча силжишга эришилган бўлинади.

Инсоннинг маънавий камолотида унинг ахлоқий сифати алоҳида аҳамиятга эга. Бу хулқ, ахлоқий сифат инсоний фазилатдир. Фазилат инсоннинг гўзалликка, яхшиликка эришиш учун қилинадиган фаолияти ва ҳатти-ҳаракатларининг аниқ ифодаси ҳисобланади. Умар Хайёмнинг ахлоқий таълимотининг шаклланишига таъсир кўрсатган аллома Абу Наср Форобий таъкидлашича, одамни яхши ишлар қилишга ва гўзал хулқлар соҳиби бўлишга даъват этувчи ички (ахлоқий) сифат, фазилатлар деб аталади.

Кундалик ҳаётда атрофимизда қанчадан-қанча бўлаётган ўзгаришлар, бунёдкорликларни кўриб қувонамиз, хурсанд бўламиз, завқланамиз. Атрофимизда яхши ахлоқий сифат, фазилатли одамларнинг кўп эканлигига иймон келтирамиз. Албатта, ўрганиш ва уни амалий фаолиятга, ҳаётга тадбиқ қилиш ҳамиша тафаккур хушнудлигига, қониқиш ва яна эзгу ишлар сари одимлашга ундаган.

Комил инсон фаолиятида илми яқин, ҳақиқий билим ва етук ахлоқийлик узвий боғлангандир. Ҳақиқий билимлар нарсаларнинг, воқеъликнинг моҳиятини, ички сабабиятларини, қонуниятини билиш имконини беради, ахлоқ илми эса одамни яхши, эзгу сифат, фазилатли бўлиш, ҳар қандай ҳайвондан юксак бўлган ҳақиқий инсон фазилатларига эга бўлишга чорлайди.

Ижтимоий бошқарув жараёнларига хулқ-атворий, ахлоқий ёндашиб, ижтимоий муносабатларни юксак маданий-маънавий даражага кўтариб, ҳозирги кунгача тарбиявий аҳамиятини йўқотмай келаётган тасаввуфий–ирфоний таълимот XI-XII асрларга келиб янада ривожланди. Бу даврда Умар Хайёмнинг замондоши Юсуф Ҳамадоний номи билан машҳур Баҳром Бўзангирдий ўз ирфоний мактабини таъсис этиб, ҳақ сирларини кашф этиш жараёнида инсон маънавий юксаклик сари борар экан унда ён атрофдагилар, яъни жамоа билан ҳисоблашиш зарурати туғилиши, бу заруратларни, баъзан кескинликларни инсоний мулойимлик, ахлоқий фазилатлар билан енгиб барчага яхшилик билан бировга зиён етказмай ҳал қилиши лозимлиги ҳақидаги ғояларни тарғиб этган.

Дарҳақиқат, мутафаккир Умар Хайём қаноат, ҳалоллик ва камтарликни ҳам қадрлайди.

Бир сўнғакка бордек қаноат қилғон,
Афзалдир нокасга бўлгандан меҳмон.
Нокаснинг шиннилик нонидан яхши,
Ўзинг топиб еган бурда арпа нон.¹

Умар Хайём шеърляти шу қадар кучлики, унинг айрим мисралари халқ ичида кейинчалик тарқалиб афоризга айланган:

Тингланг бу абадий садо бўлади,
Гадонинг душмани гадо бўлади.
Иккиси бир-бирин топишгунча то,
Ўртада бу дунё адо бўлади.¹

¹ Умар Хайём. Рубоийлар. – Т.: Адабиёт учқунлари, 2018. –Б. 22

Ҳазрати пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо с.а.в.нинг муборак ҳадисларида “.....бир кўнгилни обод қилиш Каъбани обод қилиш билан баробар” дейилади. Умар Хайём мазкур фикрни шеърӣ тарзда ифодалайди:

Билгилки, ғариб кўнгилни бир шод этмоқ,
Создир нечаким, жаҳонни обод этмоқ.
Лутфинг била айласанг асир бир дилни,
Ҳеч қошида мингта қулни озод этмоқ.²

Умар Хайём ҳаёт қийинчиликлари, чархнинг турли ситамлари, ҳаёт синоатларининг нақадар мушкулотлари борлигини қуйидагича ифодалайди:

Дунёга ишонма, муттаҳамдир пухта,
Даврон оқизар ёшингни лахта-лахта.
Оғзига магар солса замона ҳалво,
Ютма сира ҳам – унга заҳар омехта.³

Шу билан бирга, умри давомида ҳаётга прагматик ёнгашган шоир инсонни ҳаётга жиддий ёндашиши кераклиги, умр йўлдоши танлашда ишқ шавқи, ҳаёт завқини бир умр бера оладиган ёр билан яшаш кераклигини таъкидлайди:

Кўнглинг тилаган ёр ила бўл бир умр!
Ишқ шавқи, ҳаёт завқига тўл бир умр!⁴

Умар Хайём фикрлари дилни ром этади, ақлни чархлайди, мушоҳадага чорлайди. Эзгулик, муҳаббат, инсоний қадр-қиммат, дўстлик, ғурур каби ахлоқий мезонлар мутафаккир ижодининг бош мавзуларидир.

Кекса, ёш-ҳаётга ҳар кимки етар –
Ҳаммаси изма-из бирма-бир ўтар.
Бу дунё ҳеч кимга қолмас абадий,
Келдилар, кетамиз, келишар, кетар.⁵

¹ Умар Хайём. Рубойлар. – Т.: Адабиёт учқунлари, 2018. –Б. 34

² Умар Хайём. Рубойлар. – Т.: Адабиёт учқунлари, 2018. –Б. 75

³ Умар Хайём. Рубойлар. – Т.: Адабиёт учқунлари, 2018. –Б. 79

⁴ Умар Хайём. Рубойлар. – Т.: Адабиёт учқунлари, 2018. –Б. 89

⁵ Умар Хайём. Рубойлар. – Т.: Адабиёт учқунлари, 2018. –Б. 11

Маънавий юксалиш, ахлоқийлик-бу ҳақиқий амалий инсонийлик йўлидир. Нарса, ҳодисаларнинг моҳияти, қонуниятини билиб, ҳақиқий инсоний сифат фазилатларини билиш ва уларга эришишнинг амалий воситаларини тўғри, позитив англаш ижтимоий зарурият ҳисобланади. Шу йўл билан инсон маънавий маданиятини, руҳини соғломлаштириш, юксалтириш уни турли ижтимоий иллатлардан, разолатдан қутқариш ахлоқ илмининг амалий аҳамияти, донишмандликнинг бош вазифаси ҳисобланади.

Жамиятнинг маънавий-ахлоқий ҳаёти қамрови ниҳоятда кенг, мазмунан чуқур, шаклан хилма-хилдир. Маънавий, ижтимоий ҳаёт инсон ақл-идроқи ва тафаккурининг барча маҳсулларини жамият томонидан тўпланган маданий бойликлари, кадриятлари ифодалаган ютуқларини, ижтимоий онг шаклларини, мутараққий томонларини кишиларнинг ижобий ғояларини, билим-тасаввурлари, дунёқараши, одоб-ахлоқи, бутун маънавий оламини қамраб олади.

Ўзидан бебаҳо маънавий мерос қолдирган мутафаккир Умар Хайём ижоди барча даврларда ўзининг аҳамиятини йўқотмай келмоқда. Алломанинг чуқур фалсафа, теран мушоҳада, аниқ илмий таҳлилларга асосланган илмий мероси ва ҳаёт йўли бугунги кунда мустақиллик шароитида вояга етаётган ёшларимизнинг маънавий онги, маданиятини юксалтиришда, тарбиялашда амалий аҳамиятга эга.

Юқоридаги фикрларнинг қиёсий таҳлиллари бизни қуйидаги хулосаларга олиб келди:

- Умар Хайём ғийбат, ҳасад каби иллатлар жамиятда манфур оқибатларга олиб келишини айтиб, “ғийбат тўрини тўқишни одат қилма”, деган юксак маънавий-ахлоқий фикрни илгари суради.

- Умар Хайём ўз эътиқодида пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) нинг “Ал-фақри, фахри”, яни “Фақирлик фахримдир” деган ҳадисларига таяниб, бутун умри давомида шу ақидага асосланганлигини уқтирган.

- Умар Хайём инсон маънавий маданиятини, руҳини соғломлаштириш, юксалтириш уни турли ижтимоий иллатлардан, разолатдан

кутқариш илмнинг амалий аҳамияти, донишмандликнинг бош вазифаси деб таъкидлайди.

III боб бўйича хулоса

Биринчидан, Умар Хайём қарашларидаги руҳий поклик, илоҳий ишқ, муҳаббат масаласи “май” тушунчаси орқали таҳлил этган;

Иккинчидан, мутафаккир “май” тушунчасини “шароб”, “бода”, “ҳамр”, “чоғир”, “роҳ”, “мул”, “мудом”, “сахбо” сўзлари орқали илоҳий ва дунёвий уйғунликда ифода этади;

Учинчидан, муҳаббат масаласига Умар Хайём диалектик нуқтаи-назардан ёндашган. Мутафаккирнинг фикрича руҳий муҳаббат билан бир қаторда унинг дунёвий кўриниши бўлган ер муҳаббати ҳам мавжуддир;

Тўртинчидан, Умар Хайём инсонни ёмон, шаръий, фардий ва жамоавий сифат хусусиятлардан холи бўлиши, жисмоний ва ахлоқий нуқсонлар, гуноҳлардан тозаланиши билан маънавий юксалиши, азоб-уқубатлардан халос бўлиши мумкин, деб ҳисоблайди;

Бешинчидан, мутафаккир инсон маънавий маданиятини, руҳини соғломлаштириш, юксалтириш уни турли ижтимоий иллатлардан, разолатдан кутқариш илмнинг амалий аҳамияти, донишмандликнинг бош вазифаси деб таъкидлайди;

Олтинчидан, Умар Хайёмнинг ахлоқий қарашлари Форобий ва Абу Али ибн Сино дунёқарашлари таъсири остида шаклланиб уларга хос бўлган гуманистик умуминсоний, адолат ҳақидаги ғоялар Умар Хайём ижодида ҳам мавжуд бўлган;

Еттинчидан, Умар Хайёмнинг қарашларига тасаввуф таълимоти ҳам кучли таъсир этиб мутафаккирда ҳам инсонни камолотга етишиш ҳақидаги ғояси мавжуд бўлган. Бу инсон камолоти ҳақидаги ғояларини ва тасаввуфга бўлган муносабатини “Борлиқни умумийлиги” деб номланган фалсафий асарида баён этган;

Саккизинчидан, Умар Хайём “Борлиқни умумийлиги” асарида инсон ҳақиқатга ўз навфси ва ҳирсини тийиш орқали руҳий покланиш орқали эришади деган хулосага келган.

ХУЛОСА

Мамлакатимизда фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат қуриш жараёнида ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, ҳуқуқий жиҳатдан фаоллигини ошириш ҳамда баркамол инсон сифатида шакллантириш учун кенг қўлламли ислохотлар олиб борилмоқда. Бу халқимизнинг ижтимоий жиҳатдан билимларини такомиллаштириб боришдаги давр талабига жавоб беради.

Мазкур диссертация ишининг мазмун-моҳияти, муаммоларининг мундарижаси ва қўлга киритилган муайян ечимлар, эришилган ютуқларга таянган ҳолда қуйидаги назарий хулосаларни чиқаришга имкон беради:

1. Умар Хайём зиддиятли даврда яшаган. Бир томондан маданият, илм, фаннинг юксалиши содир бўлган бўлса, иккинчи томондан уруш ва бузғунчиликлар авж олган. Инсоният тараққиёти тарихида муҳим ўрин тутган Марказий ва Жанубий Осиё, жумладан, мамлакатимизда яшаб, фаолият кўрсатган мутафаккир меросини ижтимоий-фалсафий таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Умар Хайём яшаган даврда жамиятни билиш ва бошқаришга нисбатан ҳаракатлар мавжуд бўлган. Ҳукмдорлар атрофида фаол кишиларни тўплаб, илмий марказлар тузишган. Фалсафий муаммоларни ўрганиб, ечим излаш ўзига хос аҳамият касб этган. Бу эса жамиятда маънавий муҳитни юксалтириш, илмни қўллаб-қувватлаш, жамиятни барқарор ҳолатга келтиришга хизмат қилган. Бунга Умар Хайёмнинг султон Маликшоҳ саройида олиб борган илмий изланишларини мисол қилиб келтириш мумкин.

2. Умар Хайём шахс сифатида шаклланишида, унга тарбия берган ота-онаси ва устозлари муҳим ўрин тутди. Умар Хайём ўсмирлигида Имом Муваффақ Нишопурийдан фикҳ илмини, Насриддин шайх Муҳаммад Мансурдан диний билимлар хусусан тасаввуф илмини, Ибн Сино асарларини мутолаа қилиб ҳақим ва донишмандликни ўрганиб йигирмадан зиёд асарлар ёзиб қолдирган. Мутафаккирнинг ушбу асарларида инсон, ўзини-ўзи англаш ва Аллоҳни англаш муаммоси ҳамда бошқа масалаларни тадқиқ этган. Умар

Хайём асарларидаги моҳият ҳалоллик, вадага вафо, тўғри сўзлик, ишонч, ҳақиқатга, инсонпарварлик ва ватанпарварликка эришиш учун хизмат қилади.

3. Умар Хайём борлиқни сўфийларга ўхшаб руҳлантирди ва барча нарсаларда жон бор деб ҳисоблайди. Мутафаккирнинг фикрича, биринчи борлиқ-Тангри таъоло. Унинг асли, зотининг таърифи йўқ. У зоти, моҳияти нуқтаи-назаридан зарурий, асл сабабдир. Иккинчи борлиқ эса биринчи сабабнинг оқибати билан боғлиқ нарсаларга фазовий сайёралар киради. Умар Хайёмнинг “Борлиқ ва масъулият” асаридаги ахлоқий идеал ғоясининг асл моҳияти борлиқни руҳдан, ақлдан ашъвий борлиққа қараб, сўнгра эса моддийликдан инсон руҳи, ақлига қараб боришининг эманацион назарияга асосланиши далилланган.

4. Умар Хайём маънавий меросида гносеологик масалалар алоҳида ўрин эгаллайди. “Билиш” - инсон миясида мавжуд ҳодисаларнинг инъикос этишидир. Бу борада сезги ва ақл инсон билимининг қудратли воситалари ҳисобланади. Инсон ўз фаолиятида ақл ва ирода измига амал қилади. Улар туфайли инсон воқеликнинг сир-асроридан, қонунларидан воқиф бўлади. Оламни билишда инсон ақли ижодий характерга эга. Инсон ҳайвонлардан донолик ва нутқга эга эканлиги билан фарқ қилади. Унинг фалсафий қарашларида ақл - бебаҳо жавҳар, ўзига хос хазина сифатида талқин қилинади. Ақл дунёдаги ҳодиса ва нарсалар моҳиятини доим ўрганиб боради лекин ҳақиқатни фақат жон билади, - деб уқтирган.

5. Умар Хайём ижодида инсон тақдири ва эркин ирода масаласи фалсафий таҳлил қилиниб, мутафаккир тақдир инсон пешанасига битилгани билан эзгу ният ва амаллар инсоннинг ҳаётини яхши томонга ўзгартиришига ишонган. Инсондаги ижодкорлик қобилияти унинг руҳий эркинликка интилиши орқали рўёбга чиқади, - деб таъкидлаган. Инсон ўз олдига аниқ мақсадлар қўяди ва унга интилади. Лекин тақдири унга аён эмас, инсоннинг барча режаларини ўзгартириб юборадиган кучни инсон тафаккур, ақл орқали била олмайди. Тақдир деб, илоҳий кучларнинг парда орқасидаги ўйинига

айтилади. Бу ўйиндан инсон, умрининг охиригача беҳабар қолади, - деган фикрни илгари суради.

6. Умар Хайём қисматни тан олиши билан бир қаторда инсондаги эркин фаолиятни улуғлади. Руҳий эркинлик инсоннинг фаол ҳаракатлари орқали ижодий қобилиятларини юзага чиқаришига ёрдам беради. Бадий образлар орқали айрим фалсафий ғоялар таҳлил қилинди. Моддий борлиқни руҳланган деб ҳисоблайди. Яъни, барча мавжудотларда тана ва жон бирлиги мавжуддир. Умар Хайёмнинг муҳаббат ҳақидаги фикрлари тасаввуфдаги қарашларга ниҳоятда яқин бўлган. Сўфийлар таълимотида Худо бутун борлиқ билан бирлашиб кетган, унинг нури борлиқнинг ҳар бир заррачасида, ҳар бир вужудида мавжуд. Шунинг учун сўфийлар дунёқарашида Аллоҳга бўлган муҳаббат бутун борлиқ билан бирлашиб кетиши, ўз “Мен”лигини енгитишидир. Ўз “Мен”лигидан воз кечиш анча мураккаб жараён бўлиб, зиддият ва қийинчиликларга бойдир.

7. Тасаввуфда май ҳаёт хурсандчилиги тимсоли сифатида ишлатилади. Инсон бу дунёга ғам-алам чекиш учунгина эмас, ҳаётдан хурсанд бўлиш учун ҳам келади. Инсон қалби муҳаббат ва хурсандчилик боғини ўзига макон қилиб танлайди. Лекин бу боққа ғурбат ва ташвиш қора илон бўлиб кириб олади. Умар Хайём таълимотида, инсон руҳи бу моддий оламга қувонч ва ибрат учун келади. Умар Хайём ўзининг “Рисола фи куллиёт ил-вужуд” асарида ақл, жон, муҳаббат ҳақида фикр юритади. У Абу Али ибн Синога ўхшаб ақл ва жонни бир неча шаклларга ажратади. Ақлнинг энг юқори шакли фаол ақлдир. Фаол ақл муҳаббат ёрдамида жонга таъсир этади ва у билан биргаликда оламни ҳаракатга келтиради. Жон эса ўз-ўзини англашга интилади ва муҳаббат орқали фаол ақлга яқинлашади. Жон ва фаол ақлни бирлаштирувчи куч-бу муҳаббатдир. Албатта, бу муҳаббат руҳий муҳаббат бўлиб, жонни ўз-ўзини англашга ёрдам беради, фаол ақлни эса, жон билан бирлашишига хизмат қилади.

8. Умар Хайём ёмон, шаръий, фардий ва жамоавий сифат хусусиятлардан холи бўлиш, жисмоний ва ахлоқий нуқсонлар, гуноҳлардан

тозаланиш, маънавий юксалишгина инсонни азоб-уқубатлардан халос этиши мумкинлигини айтади. Ғийбат, ҳасад каби иллатлар жамиятда манфур оқибатларга олиб келишини айтиб, “Ғийбат тўрини тўқишни одат қилма”, - деган юксак маънавий-ахлоқий фикрни илгари суради. Умар Хайёмнинг ботиний, ирфоний, диний-фалсафий ва бадиий-ахлоқий қарашлари тизими аниқ ифодаланган ижтимоий-сиёсий йўналтирилган мазмунга эга бўлиб, бу ўзига хослик мутафаккирнинг - комил инсон таълимотида қатъий асос вазифасини бажарган.

Юқорида келтирилган хулосаларга асосланиб, диссертант қуйидаги тавсияларни берган:

- кенг китобхонлар оммаси учун Умар Хайём асарларининг электрон каталогини ишлаб чиқиш;

- “Абу Али ибн Сино, Абу Наср Форобий ва Умар Хайём” мавзуда рисола тайёрлаш ва нашр эттириш;

- тасаввуф мактаби талабалари ва мударрислари учун Хайёмшуносликка оид манбаларни ўрганиш бўйича махсус курс ташкил этиш;

- Умар Хайёмнинг антропология, гносеология, онтология, аксиология, этика, эстетика, маънавият, маданиятга оид диний, тасаввуфий-фалсафий қарашларини истиқболда яратиладиган янги ўқув адабиётлари, дарслик ва ўқув қўлланмаларга киритиш;

- ёшлар ўртасида Умар Хайём ҳикматлари, гўзал рубоийлари бўйича мусобақалар, мушоиралар, давра суҳбатлари ташкил этиш, уларни ҳозирги замон ўзбек ёшлари маънавий камолотининг ўзига хос миллий мактабларига, анъаналарига айлантириш;

- Умар Хайём фалсафий меросининг Марказий ва Жанубий Осиё халқлари маънавий-ахлоқий тафаккурига таъсирини ўрганиш ва тарғиб этишни давом эттириш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ **Расмий хужжатлар, материаллар**

- 1.1. Мирзиёев Ш. М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 485 б.
- 1.2. Мирзиёев Ш. М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 104 б.
- 1.3. Мирзиёев Ш. М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 596 б.
- 1.4. Мирзиёев Ш. М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – 512 б.
- 1.6. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз – келажак йўқ. –Т.: Шарқ, 1998 йил.
- 1.7. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. –Т.: Шарқ, 1998 йил.
- 1.8. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. –Т.: Ўзбекистон, 1998 йил.
- 1.9. Каримов И.А. Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт. Каримов И. Биз келажакимизни ўз кўлимиз билан қураимиз. Тошкент: Ўзбекистон, 1999 йил.
- 1.10. Каримов И.А. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродалилигига ишонаман. “Фидокор”, 2000 йил, - 8 июн.
- 1.11. Каримов И.А. Миллий мафкура – давлатимиз ва жамиятимиз қурилишида биз руҳий маънавий куч-қувват манбаи. Каримов И. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Тошкент: Ўзбекистон, 2000 йил.
- 1.12. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-том. Тошкент: Ўзбекистон, 2000 йил.
- 1.13. Каримов И.А. Биз танлаган йўл демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-том. Тошкент: Ўзбекистон, 2003 йил.

1.14. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент: Ўзбекистон, 2003 йил.

1.15. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-том. -Т.: Ўзбекистон, 2005 йил.

1.16. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий кадрият. 14-том. -Т.: Ўзбекистон, 2006 йил.

1.17. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент: Маънавият, 2008 йил.

1.18. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент: Ўзбекистон, 2009 йил.

1.19. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. – Т.: Ўзбекистон, 2009 йил.

1.20. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг БМТ саммити мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқи. Халқ сўзи. 2010 йил, 22 сентябр.

1.21. Ўзбекистон Республикаси И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида қилган “Мамлакатимизда демократик ислоҳатларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маърузаси. Халқ сўзи. 2010 йил, 12 ноябр.

1.22. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилидир. Президент Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги маърузаси. Халқ сўзи. 2010 йил, 7 декабрь.

Биринчи манбалар

2.1. “Мажмуаи расоил” (“Рисолалар тўплами”) кўлөзма асарида жами 9 та алломанинг рисоласи ва назмий ижоди жамланган. Мазкур кўлөзма асар

хижрий 1254, милодий 1838 йилда кўчирилган бўлиб, у Эроннинг “Мажлиси Сино” кутубхонасида 12828/110 рақами остида сақланади.

2.1. Э.Фицджеральд тўплаган 108 та рубойлар тўплами Лондон. Оксфорд университети, Бодлин кутубхонаси.. Arch. O. d.16.

2.2. Рубойлардан намуналар. Ушбу рисола “Нур” ижодий ишлаб чиқариш бирлашмасининг буюртмаси асосида нашр этилган. 1990 йил.

2.3. Умар Хайём. Рубойлар. – Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва Санъат нашриёти Тошкент – 1971 йил.

2.4. Омар Хайям. Рубаи: Пер с Форси. Тошкент: Ўзбекистан, 1977 йил.

2.5. Умар Хайём. Рубойлар. Қайта ишланган ва тўлдирилган учинчи нашри. –Т.: Ўзадабийнашр, 1963 йил.)

2.6. Умар Хайём. Рубойлар Ғафур Ғулом таржимаси остида. Тошкент: Ўзадабийнашр, 1958 йил.

2.7. Умар Хайём. Рубойлар. Тошкент: Бадиий адабиёт, 1970 йил.

2.8. Умар Хайём. Рубойлар. Тошкент: “Адабиёт учкунлари” нашр. 2018 йил.

2.9. Умар Хайём. Наврўзнома. Тошкент: “Меҳнат” нашр. 1990 йил.

2.10. Умар Хайём Нишопурий – Шарқнинг буюк мутафаккири: Халқаро илмий анжуман материаллари. Тошкент – Техрон . Ал – худо, Мовароуннаҳр, Маҳкам Маҳмуд, Мукаррам Нурматова. Умар Хайём ва унинг даври. 2004 йил.

2.11. Омар Хайям. Трактать 1. – М., 1961 й.

2.12. Умар Хайём. Рубойлар. Тошкент: Радуга нашриётининг Тошкент бўлими. 1985 йил.

2.13. Хайям. Математические трактаты. “Историко – математические исследования”, вып. № 1. М. 1953 г.

**Монографиялар, рисолалар, тўпламлар, дарсликлар, ўқув қўлланмалар,
даврий нашрлар**

3.1. Алиев Р.М., Османов М.Н. Омар Хайям. – М.: Акад. Наук СССР, 1959 г.

- 3.2. Ш.Шомухамедов Умар Хайём (ҳаёти ва ижоди). Тошкент: Ўзбекистон ССР фанлар академияси нашриёти. Тошкент – 1962 йил.
- 3.3. Розенфельд Б.А. и Юшкевич А.П. Омар Хайям. – М: наука, 1965 г.
- 3.4. Аҳадова М. Умар Хайём – Математик олим. “Ўзбекистон” нашриёти. Тошкент – 1972 йил.
- 3.5. Хайём Умар. Рубойилар . Таҳрир ҳайъати. Тошкент: Ўз. КП МК нашр, 1998 йил.
- 3.6. Фитрат. Форс шоири Умар Хайём, Ўз. Дав.нашр, Самарқанд – Тошкент.: 1929 йил.
- 3.7. Искандаров Б. Ўрта Осиёда фалсафий ва ижтимоий – сиёсий фикрнинг шаклланиши ва ривожланиши тарихидан лавҳалар. Тошкент: Ўзбекистон, 1993 йил.
- 3.8. Убайдуллаев Р. Ўзбекистонликларнинг миллий ўзлиги: Социологик тадқиқот. Тошкент: “Ижтимоий фикр” жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази, 2004 йил.
- 3.9. Мустақил Ўзбекистон: Фалсафа ва Ҳуқуқ фанларининг долзарб муаммолари. Тошкент: Фан, 1994 йил.
- 3.10. Университет таълими учун фалсафий йўналиш бўйича ўқув дастури. Тошкент: Университет, 1997 йил.
- 3.11. Рўзиматова Г. Фрейдизмда инсон фалсафаси таҳлили. Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти, 2009 йил.
- 3.12. Мейлисва С. Жалолиддин Румий фалсафасида шахс камолоти. Тошкент: Фан, 2003 йил.
- 3.13. Гуннар Скирбекк, Нилс Гилье. Фалсафа тарихи: Ўқув қўлланма. Тошкент: Шарқ, 2002 йил.
- 3.14. Инсон тўғрисидаги фалсафий фикрлар тараққиёти. Тошкент: 1998 йил.
- 3.15. Чориев А. Тасаввуф фалсафасида инсон қиёфаси: Ўқув қўлланма. – Қарши, 1997 йил.
- 3.16. Инсон камолотининг маънавий асослари. Тошкент: 1998 йил.

- 3.17. Ғаниев Н.М. Рухий гўзаллик қисмати. – Бухоро: Бухоро, 1994 йил.
- 3.18 Ўзбекистонда ижтимоий – фалсафий фикрлар тарихидан лавҳалар: Ўқув қўлланма. Тошкент: Ўзбекистон, 1995 йил.
- 3.19. Қодиров Б.Р. Ақлий истеъдод ХХІ асрнинг энг қимматли мулкидир. Тошкент: Ўзбекистон, 1999 йил.
- 3.20. Абдуллажон Бегматов. Маънавият фалсафаси ёхуд Ислом Каримов асарларида янги фалсафий тизимнинг яратилиши. Тошкент: Шарқ 2000 йил.
- 3.21. Ҳамиджон Ҳомидий. Кўҳна Шарқ дарғалари. Бадий – илмий лавҳалар “Шарқ” нашриёти, Тошкент – 1999 йил.
- 3.22. Ҳақиқат манзаралари 96 мумтоз файласуф. Тошкент “Янги аср авлоди” 2002 йил.
- 3.23. Абдухалил Маврулов. Маънавий баркамол инсон тарбияси. Тошкент “Ўзбекистон” 2008 йил.
- 3.24. Анвар Чориев. Инсон Фалсафаси. Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамияти нашриёти. Тошкент – 2007 йил.
- 3.25. Маноп Эгамберди. Умар Хайём Изидан. Рубоийлар, Қитъалар, Маснавийлар. “Фан” нашриёти, 2003 йил.
- 3.26. Умар Хайём Нишопурий – Шарқнинг буюк мутафаккири: Халқаро илмий анжуман материаллари. Тошкент – Техрон: Ал – Худо, Мовароуннахр, 2004 йил.
- 3.27. Виктор Алимасов. Фалсафа ёхуд фикрлаш чанқоғи.(Мақолалар. Эсселар. Битиклар), “Фалсафа ва Ҳуқуқ” нашриёти Тошкент – 2007 йил.
- 3.28 Виктор Алимасов. Фалсафа ёхуд фикрлаш санъти. Гносеологик изланишлар. Мақолалар. Эсселар. Битиклар. “Ношир” нашриёти, Тошкент – 2008 йил.
- 3.29. Дунёвийлик Фалсафаси. Мақолалар тўплами. Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети. Тошкент – 2007 йил.
- 3.30. Фалсафа, Фан, Таълим ИИ Республика илмий конференцияси 15 май 2010 йил Тошкент “Ношир”.

3.31. Фалсафий қадриятларнинг Мустақил Ўзбекистон тараққиётидаги ўрни. Республика илмий амалий анжуман материаллари 29 апрель, 2011 йил. Тошкент – 2011 йил.

3.32. Ўзбекистоннинг Мустақил тараққиёт йўли ва ижтимоий – фалсафий тафаккур янгиланиши. I қисм. Ёш олимлар илмий конференцияси материаллари. Тошкент – 2011 йил.

3.33. Жалолов А. Мустақиллик масъулияти. Сиёсий, фалсафий қирралар. Тошкент: 1996 йил.

3.34. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. Тошкент: 1993 йил.

3.35. Аль-Фараби. Трактат о жителей добродетельного города. Аль-Фараби. Философские трактаты. Алма-Ата. 1972 йил.

3.36. Абдуали Розий Мискавайҳ. Тарожиб ул-умам. Доктор Абдулқосим Имомий таржимаси.-Техрон, 1359 ҳ.й.

3.37. Аҳадова М. Умар Хайём – математик олим. Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёти. 1972 й.-такрор 3.4 билан

3.38. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Тошкент: Ўзбекистон, 2000 йил.

3.39. Арабзода Нозир. Фахруддин Розий. -Душанбе. Ирфон, 1993 й.

3.40. Болтаев М.Н. Буюк мутафаккир Зардушт ва унинг “Авесто” китоби. -Бухоро нашр. 2001 йил.

3.41. Болтаев М.Н. Абу Хусайн Ибн Синонинг фалсафий-ижтимоий таълимоти. -Бухоро нашр. 2001 йил.

3.42. Болтаев М.Н. Хўжа Абдухолик Гиждувоний–инсондўст ҳаким, рифъат шайх. –Бухоро нашр. 1994 йил.

3.43. Бекмуродов М. Ўзбекистонда жамоатчилик фикри.Тошкент: Фан. 1999 йил.

3.44. Назаров Қ.Н. Аксиология: қадриятлар фалсафаси. Тошкент: Маънавият. 1998 йил.

3.45. Григорян С.Н. Из истории философии Средней Азии и Ирана VII-XII веков. – М., 1960 йил.

3.46. Қуръони Карим. Ўзбекча изоҳли Алоуддин Мансур таржимаси. Тошкент, 1992 йил.

Диссертация ва авторефератлар

4.1. Зоиров Э.Х. Махдуми Аъзамнинг фалсафий ва ижтимоий – сиёсий қарашлари: Фалсафа фанлари номзоди. Диссертация, автореферат. Тошкент: 2007 йил.

4.2. Болтаев А.А. Аз – Замахшарийнинг сиёсий, ижтимоий қарашлари: Сиёсий фанлари номзоди. Диссертация, автореферат. Тошкент: 2008 йил.

4.3. Муҳаммедова О.М. Мирзо Абдулқодир Бедил фалсафасида ахлоқий қадриятлар масаласи. Фалсафа фанлари номзоди. Диссертация, автореферат. Тошкент: 2008 йил.

4.4. Эшонова М.Б. Умар Хайём ва Шарқ – Ғарб адабий алоқалари. Филология фанлари номзоди. Диссертация, автореферат. Тошкент, 2000 йил.

4.5. Ғоибова Ш.О. Абдурауф Фитратнинг ижтимоий – фалсафий қарашлари: Фалсафа фанлари номзоди. Диссертация. Тошкент, 1996 йил.

Луғатлар, энциклопедиялар

5.1. Философский энциклопедический словарь. - Москва: Инфра. 1999 йил.

5.2. Фалсафа: қомусий луғат. Тошкент: Шарқ, 2004 йил.

5.3. Фалсафа Қисқача изоҳли луғат. Тошкент: Шарқ, 2004 йил.

Интернет сайтлари:

6.1. Эргаш Очилов таржималари www.ziyouz.com (2008)

6.2. Манба: http://www.ziyouz.com/books/umar_xayyom_ziyouz_com.pdf

6.3. www.ziyouz.uz.

6.4. <https://ru.wikipedia.org/wiki>